

А. АЛИЕВ, Қ. СОДИҚОВ

ЎЗБЕК
АДАБИЙ
ТИЛИ
ТАРИХИДАН

31/IV-95

Ўзбекистон Республикаси

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги
университетларнинг ўзбек филологияси
факультетлари талабалари учун ўқув
қўлланма сифатида тавсия этган

94-

ТОШКЕНТ
"ЎЗБЕКИСТОН"
1994

81.2Ўз
A 49

Тақризчилар: ЎзФА академиги Ш. ШОАБДУРАҲМОНОВ,
филология фанлари доктори Б. ҲАСАНОВ

Муҳаррир: З. Аҳмаджонова

ШАРТЛИ ҚИСҚАРТМАЛАР

БХ — Билга хоқон битигтоши
ДЛТ — Маҳмуд Кошғарий. "Девону лугатит турк"
КТ (КТу, КТк) — Култигин битигтоши: у — улуг битиг, к — кичик
битиг.
Түн — Тўнюқуқ битигтоши
ҚБ — Юсуф Ҳос Ҳожиб. "Қутадгу билиг"

ISBN 5-640-01721-X

▲ 0503020904—51 94
M 351 (04) 94

©"ЎЗБЕКИСТОН" нашриёти, 1994 й.

"ЎЗБЕК АДАБИЙ ТИЛИ ТАРИХИ" ПРЕДМЕТИ, УНИНГ МАҚСАДИ ВА ВАЗИФАСИ

Ўзбек тили жумҳуриятимизнинг давлат тили деб қонунлаштирилиши халқимизнинг тарихий-маданий ҳаётида катта воқеа бўлди. Бу ўзбек халқининг бирдан-бир ҳал қилиниши лозим бўлган муаммоларидан эди. Чунки ушбу долзарб масалани ҳал қилмасдан туриб, миллый сиёсатнинг тўла амалга ошиши, миллый тиллар ҳақидаги таълимотнинг ўзбек тили тарихи тараққиётидаги ролини атрофлича, илмий асосда тушуниб бўлмайди.

Қонуннинг 19-бандида: "Ўтмишнинг ижтимоий, иқтисадий, тарихий, адабий-бадиий, маданий ва илмий меросини кенг тарғиб қилиш ва чуқур ўрганиш учун ўзбек халқининг тарихий-маданий ёдгорликлари асл нусхада нашр этилиши таъминланади", — дейилади.

Бу умумтаълим мактаблари ва олий ўқув юртларида "Эски ўзбек ёзуви ва тили", "Ўзбек адабий тили тарихи", "Ўзбек адабиёти тарихи" дастурларини ҳозирги талаб даражасида қайта тузишни, шунга мос дарслик ва қўлланмалар яратишни тақозо қиласди.

Университетларнинг ўзбек филологияси ва педагогика институтларининг ўзбек тили ва адабиёти факультетларида "Она тили ва адабиёти" мутахассислиги буйича "филолог, ўзбек тили ва адабиёти" дан малакали илмий ходим ва ўқитувчилар тайёрлашда "Ўзбек адабий тили тарихи" курси илмий-назарий, амалий, таълимий ва тарбиявий аҳамиятга эга. Чунки бу курс талабаларга ҳозирги ўзбек адабий тилининг асосий тараққиёт босқичларини, унинг лексик, фонетик ва грамматик тизимини чуқур ҳамда атрофлича тушуниб олишларига ёрдам беради.

"Ўзбек адабий тили тарихи" предмети талабаларни тилимизда содир буладиган турлича ўзгаришларни онгли равишда тушуниб олишларига ёрдам беригина қолмай, балки ҳозирги ўзбек тилини ўрганишда асосий восита бўлади.

Ўзбек тилшунослигининг ажралмас ва энг муҳим соҳалидан бўлган "Ўзбек тили тарихи" курси, "Ўзбек тилининг тарихий грамматикаси" ва "Ўзбек тили тарихи" деб юритилаётган (1970 йилларда) икки предметдан ташкил топган булишига қарамай, кўпчилик олий ўқув юртларида "Ўзбек тили тарихи" номи билан бир предмет тарзида ўқитилиб келинган эди. Шу курс дастури бундан 50 йил муқаддам ўзбек тили тарихининг билимдони марҳум Теша Ҳаким ўғли Салимов томонидан тузилган эди.

Бу дастур бир неча марта тўлдирилиб, нашр этилган. Охирги марта 1963 йилда "Ўзбек тили тарихи курси дастури" (педагогика институтлари ва университетлар учун) номи билан нашр қилинган эди. 1963 йилда проф. Фанижон Абдураҳмоновнинг педагогика институтларининг ўзбек тили ва адабиёти факультетлари учун "Ўзбек тилининг тарихий грамматикаси" дастури нашр этилди (1974 йилда ва ундан кейин қайта чоп қилинди).

Университетларнинг ўзбек филологияси куллиётларида илгариги "Ўзбек тилининг тарихий грамматикаси" ўрнида ҳозирда "Қадимги туркий тил" ва "Эски ўзбек тили" курслари ўтилади. Бу курсда қадимги турк руний, уйгур ва араб алифболари асосидаги ёзувлар ҳамда ушбу ёзувларда битилган обидаларнинг фонетик, лексик, морфологик ва синтактик хусусиятлари ўрганилади.

Университетларда "Қадимги туркий ва эски ўзбек тиллари" курсининг ўтилиши мақсадга мувофиқ. Чунки бу илмгоҳда ўзбек тили ва адабиёти ўқитувчиси ҳамда филолог тадқиқотчилар тайёрланади.

"Ўзбек адабий тили тарихи" тил тарихи курсининг таркибий қисми булиб, умумхалқ ўзбек адабий тилининг даврлар оша шаклланиши ва ривожланиши ҳақидаги фан.

Ўзбек адабий тили тарихи — ўзбек элати ва миллати адабий тилининг тарихий тараққиёти булиб, умумхалқ тили бойликларининг қайта ишланиши асосида яратилган янги услублар, сўз ва шакллар, иборалар тарихи ҳамdir.

Маълумки, умумхалқ тилининг икки тармоғи булиб, бири адабий тил, иккинчиси худудлараро аҳолининг жон-

¹ Ўзбек тили тарихи (дастур), Тошкент, 1940 (логин алифбосида).

² "Қадимги туркий ва эски ўзбек тиллари" курси дастури Университетларнинг филология факультетлари учун. Тузувчи проф. М. Қодиров, Ў. Мирзакаримова, Ж. Латипов. Маъбул мухаррир проф. И. Кўчкортоев. Тошкент, 1987.

ли сўзлашув тили — диалект ва шевалар. Булар доимо бир-бирини тўлдириб, бойитиб боради.

Адабий тилинг муҳим белгилари: оғзаки ва ёзма шаклларга эгалиги, сўз усталари томонидан қайта ишлангани, сайқал берилгани, кўпфункционаллиги, нисбатан маълум қонун-қоидага, меъёрга туширилганлигидир. Шунингдек, адабий тил кенг кўламда қўлланиши билан ҳам характерланади.

Туркий, жумладан, ўзбек тилининг оғзаки адабий шакли жуда қадимий ва кўп қирралидир. Маҳмуд Кошғарийнинг XI асрда халқ оғзидан ёзib олган баъзи адабий парчалар мазмунан тўрт-беш минг йил илгариги даврга оиддир. Аммо сўз шакли нуқтаи назардан мазкур парчалар бундан бир ярим минг йилча бурун ёзма шаклга кирган.

Адабий тил тарихи — умумхалқ тилининг, асосан, ёзма шакли тарихи бўлиб, у ўз тарихини замонамизгача стиб келган энг қадимги ёзма ёдгорликлар — бадиий, тарихий асарлар тилидан бошлиди. Бизгача етиб келган умумхалқ тили асосида ёзилган ёдгорликлар қанчалик узоқ даврга оид бўлса, адабий тилимиз тарихи ҳам шунчалик узоқ тарихга эга бўлади.

Ўзбек адабий тилининг ёзма шакли ҳозирги туркий тиллар учун муштарак бўлган ва УП — УПП асрларда битилган урхун-энасой битигтошлари тилига бориб тақалади. Ёзма манбаларининг санаси маълум ва шакли турғун бўлгани учун ўзбек адабий тили тарихини дарслик сифатида баён этишда адабий тилимизнинг оғзаки манбаларидан четлаб ўтилади. Шу ҳолда ҳам ҳозирча ўзбек адабий тили тарихини мукаммал акс эттириш жуда қийин вазифадир. Чунки ўтмишда китобларимиз асосан эстетик талаблар асосида қўлда кўп вақт сарф қилиб кўчирилганига қарамасдан, илму фан ва адабиётнинг турли соҳаларига оид китоблар жуда кўпдир. Афсуски, уларнинг катта қисми ўрганилмаган, ҳатто рўйхат ҳам қилинган эмас.

Шунинг учун марҳум олим Улуг Турсун ва проф. Бозорбой Ўринбоев муаллифлигига икки карра нашр қилинган "Ўзбек адабий тили тарихи" қўлланмаси мазкур соҳада биринчи қадам бўлса, мазкур қўлланма иккинчи қадамдир. Бу иш бундан кейин ҳам давом эттирилмоғи, манбалар тўлиқ ўрганилмоғи ва адабий тилимизнинг тараққиёт тарихи ҳар томонлама тавсиф қилинмоғи зарур.

Адабий тилимизнинг илмий ва сиёсий жаҳатлари ҳали кўплаб тадқиқотчиларга муҳтож.

"Ўзбек адабий тили тарихи" предметининг вазифаси ўзбек (туркӣ) тилининг қадимги даврлардан то ҳозирги кунгача босиб ўтган тараққиёт йўлини тарихан урганишдан иборат.

Талабаларни ўзбек ҳалқи тарихи, адабиёти тарихи, ижтимоий фикр тарихи билан боғлиқ ҳолда адабий тилимизнинг ташкил топиши ва ривожланиши жараённида, турли адабий жанрларда қўлланган умумхалқ тилидаги ифодалар ҳамда даврлараро пайдо бўлган тил услублари билан таниширишининг ўзи предметнинг вазифасини белгилаб беради.

"Ўзбек адабий тили тарихи" предмети талабаларга дастурда талаб этилган маълум тил фактлари хусусида билим бериши билан бирга, амалий жиҳатдан ёзувчи тили ва услубини таҳлил қилишга ўргатиш, мустақил илмий иш қилиш йўлларини эгаллашларига ҳам ёрдам бериши керак.

Ўзбек адабий тили тарихининг асосий текширув доираси ўзбек адабиётининг турли даврларида яратилган бадиий асарлар ва бошқа турдаги ёзма манбалар тилидир. Бунда бу давр бадиий асарлари тили бошқа давр бадиий асарлари тили билан боғлиқ ҳолда, қиёсланиб текширилади. Ҳалқ тили ва ҳалқ оғзаки ижоди намуналари эса ёрдамчи манба бўлиб хизмат қиласди.

Умуман, тил тарихи курси ўзбек адабиёти тарихи, ўзбек ҳалқи тарихи, ҳозирги ўзбек адабий тили, ўзбек диалектологияси, тилшуносликка кириш, услубият, нутқ маданияти, бадиий матннинг лингвистик таҳлили, ўзбек этнографияси, антропология, она тилини ўқитиш услуби каби фанларнинг маълумотларига суюнган ҳолда ўрганилади. Чунончи, этнография ўзбек ҳалқининг қайси уруғ ва қабилага мансуб эканлигини ўрганса, антропология ўзбекларнинг қайси ирқقا алоқадорлигини, уларнинг келиб чиқиш тарихини ўрганади. Ўзбек адабиёти тарихи эса даврлараро адабий ҳаракатчилик ва бу ҳаракатчиликнинг йирик вакиллари, уларнинг ёзган асарлари билан таниширади.

"Ўзбек тили тарихи" курси ўзбек диалектологиясиiga ҳам суюнади, чунки шева материаллари ўзида қадимги сўз ва шаклларни сақлайди. Ана шу сўз, шакллар орқали уларнинг тарихий тараққиёт йўли аниқлаб олинади.

Тил тарихини ўрганишда халқ тарихининг ўрни катта. Халқ тарихида нимаики ўзгариш юз берса, у албатта тилга озми-кўпми ўз таъсирини кўрсатади. Бу таъсир, энг аввало, тилнинг лугат таркибида, сўнгра фонетика ва грамматикада содир бўлади.

Юқоридагилардан ташқари адабий тилни тарихий-услубият томонидан ҳам ўрганилади. Бунда адабий тилнинг табиатини ҳисобга олган ҳолда, тарихий-услубий тараққиётнинг даврларо хусусиятлари таҳлил қилинади: бадиий услуб, публицистик услуб, илмий услуб, ҳар турли ёзишмалар услуби ва шу кабилар.

Шундай қилиб, жумҳурият олий ўқув юртларида ўқитиладиган бу предмет талабаларга адабий тил тизимидағи ўзгаришлар, адабий тил типлари ва шаклларининг ўзаро муносабатлари ҳамда адабий тилнинг ижтимоий вазифаси тарихи ҳақида маълумот беради.

**"ЎЗБЕК АДАБИЙ ТИЛИ ТАРИХИ"
КУРСИННИГ МАКТАБЛАРДА
ОНА ТИЛИ ВА АДАБИЁТ ФАНЛАРИНИ
ЎҚИТИШДАГИ АҲАМИЯТИ**

Ўзбек адабий тили ўз тарихи давомида узоқ ва мураккаб тараққиёт йўлинни босиб ўтган булишига қарамай, унинг тараққиёт йўли умумтаълим мактаблари ва ўрта маҳсус ўқув юртларида ўрганилмайди. Тилнинг ўтмиш тарихини ўрганиш ҳозирги тилнинг хусусиятини, унинг объектив тараққиёт қонунларини чуқур ва атрофлича тушуниб олиш учун кенг имконият туғдиради. Тилни халқ яратади. Халқнинг маданий ва умуман ижтимоий-тарихий тараққиёти ўз изларини биринчи галда тилда қолдиради. Шу маънода: "Тил халқнинг маънавий, кўп асрлик ҳаётининг энг тўлиқ ва энг ҳаққоний йилномасидир".¹

Адабиёт сўз санъати бўлса, адабиёт тарихи адабий тилимизнинг ривожланиш тарихидир. Шунинг учун адабиёт тарихи борган сари тил тарихи билан яқинлашиб бориши керак, кимёсиз физиология фан бўла олмагани каби, адабиёт тарихи ҳам тил тарихисиз фан бўла олмайди деб ёзган эди А. А. Потебня.² Ҳақиқатан ҳам

¹ Ушинский К. Д. Таълим ва тарбия масалалари. Тошкент, 1959, 399-6.

²

Мысль и язык. Одесса, 1922, С. 183.

адабиёт тил билан узвий бөглиқдир. Адабиёт тил заминида вужудга келади ва у билан бөглиқ ҳолда ривож топади.

Адабий асарни ўрганиш, аввало, унинг тилини ўрганишдан бошланади. Адабиёт дарсларида тил асарнинг гоявий мазмунини очиб борувчи бир восита тарзида ўрганилади. Шу хилда ўрганиш адабий асарни чуқурроқ тушуниб олиш имконини беради.

Умумтаълим мактабларининг ўқув дастурида ўзбек адабиётининг тарихий даври — энг қадимги ёзма ёдгорликлардан то XX аср бошларигача бўлган даврни ўз ичига олади. Бу давр ўзбек тили тараққиётининг ҳам анча мураккаб ўтмишини, турли тиллар билан муносабатини ўзида мужассамлаштирган эди. Ана шу хусусиятлар ўзбек тилида, унинг турли даврларида яратилган ёдгорликларида акс этган.

Ўзбек мумтоз адабиёти асарларининг тили адабиёт дарси давомида дарсдан ташқари консультация ва суҳбат пайтларида, тўгарак машғулотларида ўргатилиши мақсадга мувофиқ деб келинган. Гарчи асарнинг тили ва бадиий хусусиятлари ҳақида умумий бир хил қолипдаги гаплар бўлса ҳам асарлар тили учун маҳсус соат ажратилмаган.

Бунинг учун мактаб ўқитувчилари мавзуни ўтиш давомида тушуниш қийин бўлган сўз ва шаклларни изоҳлаб бориши керак. Масалан: XI аср ёдгорликлари — Юсуф Хос Ҳожибининг "Қутадгу билиг", Маҳмуд Кошгарийнинг "Девону лугатит турк" асарлари ўтилганда қамуғ — ҳамма; өкүш — кўп; ажун — дунё; ашыч — қозон; эдгу — эзгу, яхши, яхшилик; көрк — ҳусн, чирой (кўрк); чечэк — чечак, гул; қут — баҳт, саодат; билиг — билим; асығ — фойда; нәқ — нарса; йалавач — элчи; бор — ичимлик (май) ва ш. к.

XI — XVI аср намояндаларининг асарларини ўтганда, масалан, Навоийнинг "Хайратул аброр", "Фарҳод ва Ширин" достонларида учрайдиган, ҳозирги кунда ўқувчилар тушуниши қийин бўлган ҳайрат — таажжуб; аброр — яхши кишилар; муалло — энг олий, энг аъло; фирдавс — жаннат, боғ; зийнат — кўриниш; гумроҳ — йўлдан адашган; пеша — ҳунар; ганж — хазина; раият — ҳалқ, фуқаро; гала — пода маъносида; шубон — чўпон; тоза — янги; ришта — ип; лаъли — қизил ранг маъносида; сафҳа — саҳифа; нир — устоз маъносида; улус — ҳалқ каби сўзлар изоҳлаб борилиши ва доскага ёзилиши зарур.

Бобур асарлари ўтилганда омиқ — чуқур, Сайхун — Сирдарё; Жайхун — Амударё, сафо — тоза, чирой; самара — мева, натижа; умаро — амирлар; наботот — ўсимликлар; аргувон — қизил, ботшамол; гиёх — ўт; дийда — куз; бадзабон — тили ёмон, заҳар; пушта — тспа, чуст — чаққон; күх — тог; сарт — тохик (эроний); черик — аскар ва ш. к. Бунинг сингари тушунилиши қийин сўз ва шакллар Турди, Гулханий, Махмур, Мунис, Муқимий, Фурқат, Завқий, Абдулла Қодирий, Ҳамза асарларида ҳам учрайди. Мактаб дарслер ва хрестоматияларида матн тагида баъзи қийин сўзлар маъноси ёзилган бўлади. Бу ўқитувчининг ишини бироз енгиллаштиради. Ўқитувчилар таҳсил олган олийгоҳларида ўзбек адабиёти тарихи ва ўзбек тили тарихи предметларини яхши ўзлаштирган бўлсалар, ҳеч қийналмасдан мумтоз адабиётимиз матнларини таҳлил қила оладилар.

"Ўзбек тили тарихи" курси мактабларда она тили дарсини ўтишда ҳам асқотади. Масалан, сўз таркиби мавзусини ўтганда айрим сўзларни ўзак ва қўшимчаларга ажратилганда, тил тарихи фактларига мурожаат қилишга тўғри келади: яшил < ёш + ил ; ёш + а = яша; қизил < қизи + л // қиз + ил; қиз + и + қ; қиз + и + фиш; қиз + и + фим + тир; ўрган < ўг + ра + н каби.

Юқоридаги миссолларда яшил сўзининг тарихий ўзаги ёш дир. Қизил сўзининг тарихий ўзаги қиз // қизи сўзиdir. Ҳозирги ўзбек тилимизда бу сўзлар яшил, қизил тарзида бир ўзак ҳолига келиб қолган. Ўрган сўзи асли ўрган бўлиб, ўг — ақл (от). Солиштириңг: ўгит — насиҳат, бироқ даврлар ўтиши билан ўг истеъмолдан чиқкан. -ра — феъл ясовчи аффикс, -н — феълнинг ўзлик даражасини ҳосил қилувчи қўшимчча. Сўзининг дастлабки маъноси "насиҳатга қулоқ сол", ҳозирги маъноси "билиб ол". Сўз ўз тараққиёт тарихида маълум негиз тусини олгач, метатеза ҳодисасига учраган. Ўзакнинг охирги товуши билан ясовчининг биринчи товуши ўз ўринларини алмаштирган, яъни: ўрган < ўрган. Бундай ўзгариш натижасида қадимги негиз бўлинмас ҳолга келган.

ЎЗБЕК АДАБИЙ ТИЛИ ТАРИХИНИНГ АСОСИЙ МАНБАЛАРИ

- 1) ёзма обидалар — бадиий, тарихий, илмий асарларнинг матнлари;
- 2) шева материаллари;
- 3) жой номлари;
- 4) киши исмлари;
- 5) ҳозирги ўзбек адабий тили материали.

аллари; 6) тарихий лингвистик лугатлар; 7) туркшунос-лика оид ўзбек (туркий мисолли), рус ва хорижий олимларнинг тадқиқоту қўлланмалари ўзбек адабий тили тарихини ўрганишда асосий манбалардир. Айниқса, ёзма ёдгорликларнинг матнлари тил тарихини ўрганишда муҳим манба бўлиб хизмат қилади. Ёзма ёдгорликлар ҳақида алоҳида тўхтalamиз.

ЎЗБЕК АДАБИЙ ТИЛИНИНГ МАДАНИЯТИМИЗ ТАРИХИДА ТУТГАН ЎРНИ

Агар тил маданият кўзгуси бўлса, ҳалқнинг моддий, маънавий ва маданий савияси, биринчи навбатда, унинг тилида намоён бўлади.

Ўзбеклар ўз тилларида (бир неча алифбода) жуда кўп бадиий, тарихий-филологик, жуғрофий ва бошقا ёзув ёдгорликларини яратганларки, улар ўзбек адабий тили тарихини ўрганишда катта аҳамиятга эга.

Ўзбек ҳалқи маданияти тарихи тараққиётида ўзбек адабий тили улкан роль ўйнаган. Ўзбек (туркий) тилида даврлар оша ёзилган бадиий, тарихий, илмий ёдгорликлар умумхалқ тилининг энг яхши хусусиятларини ўзида сақлаган бўлиб, ҳалқимизнинг қадимги маданиятини акс эттирган обидалар ҳам ҳисобланади. Бизгача етиб келган обидаларни кузатиш орқали ҳалқимиз тарихи ва тилимиз тарихий тараққиётига оид кўпгина қимматли маълумотларга эга бўламиз. XI — XIV асрларда яратилган асарларнинг кўпчилиги туркий ҳалқларнинг муштарак меросидир. Бунга Юсуф Хос Ҳожибининг "Қутадғу билиг", Маҳмуд Кошғарийнинг "Девону луғатит турк" (XI аср), Аҳмад Яссавий "Ҳикматлар" и (XI аср охири XII асрлар), Аҳмад Юнакийнинг "Ҳибатул ҳақойиқ" (XII аср охири XIII асрлар), Хоразмийнинг "Муҳаббатнома", Қутбнинг "Хусрав ва Ширин", Рабгузийнинг "Қиссаси Рабгузий", "Наҳжул Фародис" (XIV аср), "Меърожнома" каби асарларни кўрсатиш мумкин.

Айниқса, XV асрнинг биринчи ярмида Лутфий, Атоий, Саккокий, Юсуф Амирий, Яқиний, Гадоийлар томонидан ривожлантирилган ва улуғ Навоий юксак чўққига олиб чиқсан эски ўзбек тилимиз туфайли ўзбек адабиёти, фани, маданиятининг шуҳрати оламга ёйилди. XV асрда

Навоий ва унинг сафдошлари бошлаб берган адабий тил анъанаси то XIX асрнинг II ярмигача ўз мавқенини сақлаб, давом этиб келди.

АДАБИЙ ТИЛ, УМУМХАЛҚ ТИЛИ ВА ШЕВАЛАР

Адабий тил тарихан шаклланган, сўз усталари томонидан қайта ишланган, сайқал берилган, меъёрий ва жамиятда киши фаолиятининг ҳамма соҳалари билан боғланган бадиий-публицистик, илмий адабиёт тилидир. Бошқача қилиб айтганда, адабий тил барча ўзбеклар учун намуна бўладиган, умумхалқ тилининг энг яхши ифодатимкониятлари мужассамланган тилдир.

Ҳозирги ўзбек адабий тили ўзбекистон жумҳурияти ҳудудида яшайдиган ўзбекларнинг миллий тилидир. Ўзбекларнинг бир қисми Қорақалпогистон, Туркманистон, Қозогистон, Қирғизистон, Тожикистон жумҳуриятларида, Афғонистонда, Ўйгуростонда, Туркия ҳамда бошқа мамлакатларда яшайди.

Ўзбек адабий тили — ҳозирги миллий тил — умумхалқ тилининг энг юқори шакли.

Адабий тил — умумхалқ тилининг ёзма шакли. У ўз тарихини бизнинг замонамизгача етиб келган энг қадимги ёзма ёдгорликлар тилидан бошлайди.

Жонли тил — шева, лаҗжалар маълум ҳудуддаги аҳолининг сўзлашув тилидир. Бу тил ёзув билан таъминланмагани, маълум нормага туширилмагани, қоидалаштирилмагани, қўлланиш доирасининг чекланганлиги билан адабий тилимиздан фарқланади. Шундай қилиб, умумхалқ тилининг икки тармоғи бўлиб, улар адабий тил ва жонли тил (шева) куринишидан иборат. Ўзбек тилининг кўпгина назарий ва амалий масалаларини ҳал қилиш бевосита шева ва лаҗжаларни ўрганиш билан боғлиқ.

Жонли тил — тарихий ёдгорлик. Шу боис, шеваларда сақланиб қолган айрим сўз ва шакллар ўзбек тили тарихи учун ишончли, муҳим манба ҳисобланади. Ўзбек шевалари адабий тилимиз таркибига кириб, унинг лугат бойлиги ва грамматик қурилишида бирлик ҳосил қиласди.

Адабий тил билан шевалар тўхтовсиз муносабатда бўлади. Адабий тил лаҗжа ва шеваларга таъсир этиб, уларнинг хусусиятларини яқинлаштириб борар экан, ўрни келганда, жонли тилдан озиқланиб, шевалардаги сўз ва иборалар ҳисобига бойиб боради.

Маълумки, айрим нарса ва ҳодисаларнинг номлари адабий тил ва луғатларда учрамайди, лекин лаҗжа ва шеваларда мавжуд бўлади. Бундай вақтда уларни ҳеч иккilanмай адабий тилга киритишимиш керак. Масалан: ўмган — кўкрак, одам ва ҳайвонлар кўкси. Эски ўзбек тилида өмгән — от кўкраги; өр — баландлик, тепалик. Хоразмийнинг "Муҳаббатнома" асарида өр сўзи баландлик маъносида ишлатилган:

Буйурды өргэ шадырван урулды,
қадаҳ кэлтүрдилэр мажлис қурулды.

Үчә — орқа. Бу сўз эски ўзбек тилида орқа ва биқин гўшти маъносида ишлатилган: Одил подшоҳ кўзгу ва бу аниңг учасидир (одил подшоҳ ойнакнинг бети бўлса, золим подшоҳ унинг орқаси — Навоий); ғунчаси — сатанг аёл, ҷўрна — 1) чўчқа боласи; 2) майда болалар маъносида. Бу сўзни Навоий ҳам ишлатган. Шилон — тури масаллиқдан тайёрланган оммавий овқат; текис — чиройли (аёлларга нисбатан қўлланади); асқатиш — фойдаси тегиш; арнабадиён — укроп тури, анис (рус.); қилиқ — характер; сирғалиқ (Фарғ. тип шеваларда) — қулоқнинг пастки қисмидаги исирга осадиган ери (рус. мочка). Тошкент тип шеваларда солинчоқ; узангилик ёки бебилчак — осқининг юзи; настарин — сирень (рус.); хомутоёқ ёки чатаноқ — оёгини кериб юрадиган одам; ўтиқ — ўтадиган жой, кечик — сувнинг саёз еридан кечиб ўтадиган жой (XI аср ёдгорликларида бу сўз кўпприк маъносида ҳам қўлланилган); чўккала — лаганбардор; қалангғи // қалангқи — кўпчилик орасида ўзини тута олмайдиган, енгил табиат, зиёфатларда тезда mast бўлиб қоладиган киши. Тошкент шевасида қалангғи-қасанғи тарзида қўлланади; олим — олинадиган нарса; тұтра (тұлта) — ёф қўйқаси; бертмоқ (мертмоқ) — шикастланмоқ, лат емоқ; қиличи — сартарош (бу сўз Турди шеърларида ҳам учрайди); чекенак // чекенай — тирсак; хоса — юпқа оқ материал, дока, докапаранг ва ш. к. Хуллас, шеваларга, жонли сўзлашувга хос сўз ва атамлар адабий тилимиз лугатини бойитишда шак-шубҳасиз катта аҳамиятга эга.

Адабий тилимиз луғатларида учрамаган айрим сўз, атама ва ибораларни адабий тилга олиб кириб, уларнинг ҳуқуқини тиклашда, айниқса, ўзбек ёзувчиларидан Фитрат, Сўфизода, Абдулла Қодирий, Чўлпон, Ҳамза, Ойбек,

Ғафур Ғулом, Абдулла Қаҳҳор сингариларининг хизмати катта.

Бундан бадиий асарларда ишлатилган ҳар бир диалектал сўз келгусида адабий тилда етакчи ўрин эгаллади деган маъно англашилмаслиги керак. Диалектизмлар бадиий адабиёт учун услубий воситалардан биридир, холос. "Ёзувчи тилини ўрганиш биринчи даражадаги аҳамиятга молик илмий масала булиб, асар тилини ўрганиш асаддаги воқеалар, ҳодисалар рўй берган давр тилини ҳам ўрганишдир", — деб ёзган эди академик Виноградов.

"Адабий тил" ва "бадиий адабиёт тили" атамалари бир-бирига яқин тушунчалар булиши билан бирга, ҳамма вақт ҳам мос тушмайди. Бадиий адабиёт тили умумхалқ тили тараққиёт қонунларига буйсунади, матбуот тили ҳисобланган адабий тилга ва сузлашув тили ҳисобланган жонли тилга асосланади. Қайсики, ёзувчи ҳаётий воқеаларни тасвирлагандан, образ яратганда, асосан, адабий тил ифода воситаларидан, жонли тилдаги шева шаклларидан, касб-ҳунарга хос атамалардан ҳам кенг фойдаланади. Бинобарин, бадиий адабиёт тили адабий тилга қараганда кенг қамровлидир.

ЎЗБЕК АДАБИЙ ТИЛИ ТАРИХИНИ ДАВРЛАШТИРИШ ҲАҚИДА

Тил ижтимоий ҳодиса сифатида жамият тараққиётининг барча йўллари билан узлуксиз боғланган. Бу ўзбек адабий тили тарихини даврлаштиришда катта аҳамиятга эга.

Маълумки, ўзбек ҳалқи тарихининг қадимги даврлари яҳши ўрганилмаган. Бу даврларда яратилган ёзув ёдгорликлари ва уларнинг тил хусусиятлари ҳам ҳозиғи фан талаби даражасида тадқиқ этилмаган. Шунинг учун қадимги ёзув анъанасига эга бўлган тил тарихини даврлаштириш масаласи анча мушкул. Туркшунослар таснифларининг турли-туманлиги ҳам фикримиз далилидир.

Адабий тил тарихини даврлаштиришда асосий сифат узгаришларини, хусусан, фонетика ва морфологияда содир бўлган ўзгаришларни ҳисобга олиш лозим бўлади. Қадимги ёдномалар қайси алифбо асосидаги ёзувда яратилган булиши ҳеч қандай аҳамиятга эга эмас.

Ўзбек адабий тили тарихини даврлаштиришда рус туркшунослари В. В. Радлов, Ф. Корш, А. Н. Самойлович, В. А. Богородицкий, С. Е. Малов, Н. А. Баскаковларнинг таснифлари катта аҳамият касб этади. Булардан айримларини намуна учун келтирамиз:

I. В. В. Радлов туркий тилларни тўрт гуруҳга бўлади.
1. Шарқий гуруҳ (Сибирь татарлари тили). 2. Фарбий гуруҳ (қирғиз, қозоқ, бошқирд, татар тиллари...). 3. Ўрта Осиё гуруҳи (ўзбек, уйғур тиллари). 4. Жанубий гуруҳ (туркман, озарбайжон, турк, қирим татар тиллари).

II. А. Н. Самойлович Радлов ва Корш таснифларини бирлаштириб олади. I. Жануби-Шарқий ёки чигатой гуруҳига ҳозирги уйғур, ўзбек тилларини ва диалектларини киритади. 2. Жануби-Фарбий ёки ўғуз гуруҳига ўзбек тилининг ўғуз диалектларини киритади.

III. С. Е. Малов таснифидаги янги турк тиллари гуруҳи ўзбек, чигатой тилларидан таркиб топган.

IV. Н. А. Баскаков таснифида турк тилларининг Фарбий хун тармогининг қарлуқ тиллари гуруҳига: а) қарлуқ-уйғур гуруҳи; б) қарлуқ-хоразм гуруҳи киради. Бунга қораҳоний-хоразм (Аҳмад Яссавий асарлари) тили, ҳозирги ўзбек тили ва диалектлари, ҳозирги уйғур тили ва диалектлари киритилган (бунда айрим лингвистик белгилар ҳисобга олинган).

V. В. А. Богородицкий (1921) таснифида Ўрта Осиё гуруҳига ўзбек, уйғур (таранчи диалекти), қозоқ, қирғиз, қорақалпоқ тилларини киритган (халқларнинг худудига қараб тузилган).

Юқоридагилардан Н. А. Баскаков таснифи туркий тилларининг ҳисобга олган ҳолда тузилган.

Ўзбек тили тарихини даврлаштириш масаласи, асосан, 1940 йилдан бошланди.

I. Теша Ҳаким ўғли Салимов 1940 йилда тузган "Ўзбек тили тарихи" дастурида тилимиз тарихини қўйидагича даврлаштирган:

1. Қадимги даврда Ўрта Осиё адабий тиллари (VIII асрдан XIV аср ярмигача).
2. XIV аср адабий тили.
3. XV — XVI асрларда адабий тил.
4. XVII — XIX асрларда адабий тил тараққиёти.
5. XIX асрнинг охири ва XX асрнинг бошларида ўзбек адабий тили.

6. Ўзбек адабий тили тараққиётида янги давр (ҳозирги замон ўзбек тили).

1948 йилда тузган "Ўзбек тили тарихи" дастурида:

1. Ўрта Осиёдаги қадимги тиллар ва ёзувлар (VIII асрдан XI асргача).

2. XI — XII асрларда қадимги турк адабий тили.

3. XIII — XIV асрлардаги адабий тил.

4. XV — XVI асрларда ўзбек адабий тили (темурийлар давридаги адабий тил).

5. XVII — XIX асрларда ўзбек адабий тили (мустамлака даврида ўзбек адабий тили).

6. Ҳозирги замон ўзбек адабий тили.

Ўзбек тили тарихини даврлаштиришга оид маҳсус ишлар 1950 йилда тилшунослик соҳасидаги мунозардан кейин юзага келди.

II. Фахри Камол 1952 йилда "Ўзбек миллий тилининг ташкил топиши ва тараққиёти" мақоласида тил тарихини қўйидаги босқичларга бўлади:

1-босқич — У асргача бўлган даврда уруғ-қабила характеристига эга бўлган тил; 2-босқич — V-XI асрларда халқ тили элементларига эга бўлган қабила тили; 3-босқич — XI — XII асрлардан Октябрь инқолобигача бўлган даврдаги миллий тил элементларига эга бўлган халқ тили; 4-босқич — Октябрь инқолобидан кейинги ҳозирги миллий тил.

Бу даврлаштиришда Фахри Камол тил тарихини халқ тарихи билан боғлаб ўрганишни олға сурса ҳам амалда бу даврлаштириш халқ тарихидан узилиб қолади.

Ф. Камол 1953 йилда "Ҳозирги замон ўзбек тили" рисоласида даврлаштиришнинг янги таснифини беради. Бунда ягона умумхалқ тилининг тараққиёт босқичлари ва турли ёзув тизимлари билан адабий тил алоқасини назарда тутиб, уч асосий даврга бўлади:

1. Қадимги турк адабий тили. 2. Эски ўзбек адабий тили. 3. Ҳозирги замон ўзбек адабий тили. Бу даврнинг ўзига хос хусусиятлари кўрсатилмайди.

III. Т. Салимов таснифи (1952). Бунда Т. Салимов ўзбек тили тарихини даврлаштиришда мезон сифатида ўзбек -туркий тилларида яратилган асарлар, тилшуносликдаги асарларни асос қилиб олган.

1-давр — XI асрдан XVIII асргача яшаб ижод қилган Маҳмуд Кошғарий, Алишер Навоий, Ибн Муханна, Мирза Маҳдихон каби туркшунослар фаолияти билан боғланади. 2-давр — XIX аср бошларидан то XX аср чорагигача

бўлган даврлар бўлиб, бу даврни Т. Салимов қиёсий-тариҳий тилшуносликнинг, яъни тилларни қиёсий-тариҳий ўрганиш услубининг ривожланиши билан боғлайди. З-давр — XX асрнинг биринчи чорагидан то 1950 йилгача бўлган давр бўлиб, бу даврни муаллиф академик Н. Я. Марр ва унинг издошларининг фаолиятлари билан боғлайди. 4-даврни эса тилшуносликка оид И. В. Сталин асарларининг яратилиши билан боғлайди.

IV. А. М. Шчербак таснифи (1953):

1. Энг қадимги давр ўзбек адабий тили (X — XII асрлар).

2. Ўрта давр ўзбек адабий тили (XIУ — XVI асрлар).

3. Янги давр ўзбек адабий тили (XVII — XIX асрлар)

4. Энг янги давр ўзбек адабий тили (XIX аср охири ва XX аср бошлари).

V. Олим Усмон таснифи (1957):

1. Турк хоқонлиги даврида қадимги тугю турк тили (VI — IX асрлар). (А. VI — VIII асрлар; Б. VIII — IX асрлар).

2. Қадимги ўзбек тили (IX — XII асрлар).

3. Эски ўзбек тилининг илк даври (XIII — XIV асрлар).

А. Шарқий адабий тил анъанаси ва унинг таъсири ("Ҳибатул ҳақойиқ", "Қиссадул анбиё", "Тафсир").

Б. Ғарбий адабий тил анъанасининг вужудга келиши ва унинг таъсир доираси ("Муҳаббатнома", "Хусрав ва Ширин").

4. Эски ўзбек тили (XIV асрнинг охиридан XIX аср II ярмигача).

5. Ҳозирги замон ўзбек адабий тили.

А. XIX асрнинг II ярмидан Октябрь инқилобигача булган давр ўзбек адабий тили.

Б. Ҳозирги давр ўзбек миллий адабий тили.

VI. F. Абдураҳмонов, Ш. Шукуров таснифи (1973):

1. Энг қадимги туркий тил (VII асргача).

2. Қадимги туркий тил (VII асрдан XI асргача).

3. Эски туркий тил (XI асрдан XIII асргача).

4. Эски ўзбек адабий тили (XIV асрдан XIX асргача).

5. Ҳозирги замон ўзбек адабий тили.

VII. У. Турсун, Б. Ўринбоев таснифи (1982):

I. Илк давр ўзбек халқ тили (X асрдан XIV асрнинг ярмигача бўлган давр.)

II. Ўзбек халқ тилининг такомиллашиш даври (ХІУ асрнинг охиридан XIX асрнинг II ярмигача).

III. Миллий тил элементларининг пайдо бўлиши, шаклланиши ва ривожланиши давридаги ўзбек адабий тили (XIX асрнинг II ярмидан ҳозирги кунгача бўлган давр).

VIII. Э. Фозилов таснифи (1977):

A. Туркий тиллар учун муштарак бўлган обидалар — VI — X асрнинг биринчи чораги.

B. Эски туркий ёдномалар — IX — XII асрлар ("Қутадғу билиг", "Девону лугатит турк", "Ҳибатул ҳақойиқ").

I. Тарих олди ўзбек тили — XII — XIV асрлар (Манбалари: "Тафсир", Сайфи Саройи — "Гулистон бит-туркий", "Мұхаббатнома", "Хусрав ва Ширин", "Наҳжул фародис"...)

II. Илк ўзбек тили — XV — XVI асрлар (Манбалари: Сиди Аҳмад, Хўжандий, Атойи, Саккокий, Бобур, Навойй).

III. Ўрта ўзбек тили — XVII — XIX асрлар. (Манбалари: Ёқуб Чингий, Ҳоккор, Абулғозий...)

IV. Янги давр ўзбек тили — XX аср (Ҳамза ва унинг замондошлари — миллий ўзбек тилининг асосчилари).

IX. Ф. Абдуллаев таснифи (1977):

1. Туркий тиллар тарихининг энг қадимги даври (V — X асрлар).

2. XI — XIV асрлар:

а) биринчи босқич — "Қутадғу билиг", "Девону лугатит турк" — XI — XII асрлар.

б) иккинчи босқич — Ўрта Осиё, Қозогистон, Волга бўйларидаги кўплаб ёзув ёдгорликларини ўз ичига олади (XIII — XIV асрлар).

3. XV асрдан XIX асрнинг ярмигача бўлган давр ўзбек адабий тили.

4. XIX аср ярмидан XX асрнинг 20-йилларигача бўлган даврдаги ўзбек адабий тили.

1) XIX асрнинг II ярми ва XX асрнинг 20-йилларигача;

2) Ҳозирги замон ўзбек адабий тили.

Юқорида қайд этилган ўзбек тили тарихини даврлаштириш таснифлари тўлалигича ҳозирги талабга жавоб бермайди. Уларнинг кўпчилигига "эски ўзбек адабий тили" босқичи билан "эски туркий адабий тил" босқичи қоришибтириб юборилади. Ўзбек миллий адабий тили, 1905-1917 йиллардаги ўзбек адабий тили босқичлари ҳам турлича берилади.

Ўзбек адабий тили тарихини даврлаштиришда Ф. Абдуллаев, О. Усмон ва А. Шербак таснифлари тил тараққиёти қонуниятларини ҳисобга олган ҳолда тузишган.

Биз ўзбек адабий тили тарихини даврлаштиришга оид таснифлардан фойдаланиб ва шу курсни ўқитиш жараёнида тўплланган тажрибаларга асосланиб, қуйидагича даврлаштириш таснифини таклиф этамиз:

1. Энг қадимги туркӣ тил (V асрғача).
2. Қадимги туркӣ адабий тил (V—X асрлар).
3. Эски туркӣ адабий тил (XI асрдан XIV асрнинг ярмигача).
4. Эски ўзбек адабий тили (XIV асрнинг II ярмидан XX асрнинг бошларигача).
5. Ҳозирги ўзбек адабий тили.

ЎЗБЕК АДАБИЙ ТИЛИНИНГ ШАКЛЛАНИШИДА БОШҚА СИСТЕМАДАГИ ТИЛЛАР ИШТИРОКИ

Ўзбек адабий тилининг тарихини тараққиёт даврига назар ташласак, ўзлашган сўз ва шакллар турли даврларда турлича ижтимоий сабаблар билан кириб келган. Ўзбек адабий тилининг луғат таркибидаги сўзлар тарихий шаклланиши жиҳатидан фақат туркӣ тилларга хос бўлмай, балки форс-тожик, араб, мӯғул, рус, уйғур тили орқали хитой тилидан кириб ўзлаштирилган сузлардан иборатdir.

Жаҳонда ҳеч бир тил йўқки, унинг луғати фақат ўз сузларидан ташкил топган бўлсин. Бошқа тиллардан олинган сўзлар ўша тилда ё ўз шаклини қандай бўлса, шундайлигича сақлади, ёки унинг табиати, грамматик қурилиши, сўз ясалиши, имло ва талаффуз қоидаларига уйғунлашади.

Ўзбек адабий тили ва шеваларига бошқа тиллардан кирган сўзлар ҳам сузлашув тили, ҳам китобий тил орқали ўзлашган. Агар бу фикрни арабча сузларга нисбатан қўлласак, у вақтда адабий тилимизга арабча сузлар кўпроқ китобий тил ва тожик-форс тили орқали, шунингдек, оғзаки нутқ орқали кириб ўзлашганини курамиз. Ўзбек шевалари луғат таркибига эса асосан оғзаки сузлашув орқали кириб келган.

Айрим ўзлашган сўзлар тилимизга шу даражада сингиб кетганки, унинг қайиси тилдан кириб ўзлашганини аниқлаш жуда қийин. Масалан: ўзбек тилидаги лаб, наўкар, гул, шоти, имло, феъл, синф, идора, дарс, шиша,

астойдил каби. Булардан лаб сўзи асли ҳинд-европа тилларига хос булиб, биз уни тожик тилидан ўзлашган деб юритиб келмоқдамиз. Солиштиринг: *лабиат*, *лабиализация*, *делабиализация*.

Қадимги туркий ёдгорликларда бу сўз ўрнида *тұтақ* // дудақ ишлатилган (*тұт* + ~~-ақ~~ ~ *дуд* + ~~-ақ~~). Бунинг дудақ варианти ўгуз гуруҳига кирувчи тиллар ва шеваларда ҳозир кенг қўлланади.

Эски ўзбек тилида лаб, дудоқ сўzlари билан бирга эр-*(и)* и сўзи ҳам кенг ишлатилган.

Навкар сўзи барча лугатларда тожикча-форсча сўз деб изоҳланган. *Навкар* сўзи мӯғул тилининг қадимги сўzlаридан бўлиб, "аскар, хизматкор, мулоzим, куёв жўралари" сингари маъноларда ишлатилади. Қиёсланг, *куевнавкар* < куёв + *навкар* — куёвни келиннинг уйига кузатиб борувчи куёв жўралар; *Rais daia begi emas, daia nawkari* (Ойбек). В. Радлов *навкар* сўзини чигатой тилида ўртоқ, хизматчи, солдат, амалдор маъноларини билдирган деб изоҳлайди (Рдл., III, 695).

Олтин сўзи қадим зар (золото) маъносида туркча *ал* (қизил) ва хитойча *түн* // *түң* — мис сўzlаридан таркиб топган бўлиб, қизил мис маъносини билдирган. Қиёсланг, ўзбек тилининг Хоразм шеваларида *түнча* // *түнчча* — мисдан ясалган кичикроқ чой қайнатадиган идиш. Олтин ўрда сўзи таркибидаги *олтин* эса, *алтын* — олдинги, пастки, қуйидаги, қуйи паст текисликдаги маъноларини билдирувчи туркий сўздир. Лекин бу сўз ўз-ўзидан ўхашаш бўлгани учун уни "золотая орда" тарзида таржима қилиб қўллаб келгандар. Асли Қуёй ўрда — пастликка, қуйилтика жойлашган ўрда, қароргоҳ (бу шаҳарнинг ўзи ҳам Волганинг қуёй, паст қисмига ўришган) номи билан юритилиши керак эди. Қиёсланг, Олтин ўрда — Сирдарё вилоятидаги қишлоқ номи.

Гул сўзи тожикча-форсча бўлиб, унинг туркаси *чечакдир*. *Шоти* сўзи ўзбек тилига уйғур тили орқали хитой тилидан ўтиб, Фарғона водийсидаги ҳамма шеваларда ишлатилади. *Имло*, *феъл*, *синф*, *идора*, *даре* сўzlари арабчадан кирган. *Шиша* ва *астойдил* (< аз таге дил>) сўzlари тожик-форс тилларидан ўзлашган.

Жавон — шкаф, комот-жавон (< хитойча *цзабань* < цза — ром, чорчўп + *бань* — тахта). Қиёсланг, уйғур тилида *жаване* — полка. Бу сўз уйғур тили орқали хитой тилидан ўзлашган (*жаване* > *жавон*) ва ш. к.

Ўзлашган сўзлар тилимизда товуш ва маъно жиҳатдан ўзгартирилиб қўлланиши ҳам мумкин. Масалан: *саржин*—узунлик ўлчови русча *сажень* (2—2,5 метрга тенг); *патнус*—русча *поднос*; *дармон* ўзбек тилида, асосан, куч-қувват маъносида, шунингдек, дори ва кўчма мадад, таянч маъноларида ишлатилади. Тожика —дори ва кўчма маънода; бедов (бедов от) — арабча бадавий; *Ахмар* — киши исми, арабча — *қизил*. *Бария* — аёллар исми, арабча *барийя* — чўл, саҳро, биёбон ва ш. к.¹

Ўзлашган сўзларнинг маълум қисми давр ўтиши билан ўрнини бошқа сўзларга беради ва муайян тил лугатидан архаик ёки тарихий сўз сифатида чиқиб кетади. Масалан, илм-фанга оид жуда кўп арабча атамалар 1940 йилгача "интернационал" атамалар билан алмаштирилди. Бу ҳаракат 1989 йилгача, яъни ўзбек тилига давлат мақоми берилгунга қадар тез суръатлар билан давом этди. Ўзбекча сўз ва атамаларни алмаштириш масаласига, хусусан, руслаштиришга ижобий масала, прогресс деб қаралган бўлса ҳам, аслида тилимиз табиатини йўқотишга, унинг ўзлигини унтишга яқинлаштириб қўйилган эди.

Ўзбекистон жумҳурияти давлат тили ҳақидаги қонуннинг 19-моддасида: "Ўзбек халқининг илм-фан тилини такомиллаштириш учун ўзбек тилида илмий-техник ҳамда ижтимоий-сиёсий атамаларни яратиш ва ривожлантириш таъминланади", — дейилган.

Кейинги пайтларда жумҳуриятимизда чиқадиган рўзнома, ҳафталик, ойномаларда, радио ва ойнаижонда сўз, атама ва ибораларни қўллашда ҳар хиллик, бошбош доқлик юз бермоқда. Шу билан бирга, сўз қўллашга бағишлиланган мақолаларда ҳам бир-бирига зид фикрлар айтилмоқда. Қувонарлиси шуки, кўпчилик мақола муаллифлари тилимизнинг табиатини ҳисобга олган ҳолда иш тутмоқдалар.

Сўз ва атамалар ишлатиш эркин бўлиши керак. Яқин-яқингача *домла* — ўқитувчи маъносида, *фаол* — актив, *талаба* — студент, *хонадон* — квартира, *бекат* — станция, остановка; *режа* — план, *фоиз* — процент, *таомнома* — меню, *ташрифнома* — визитная карточка, *бадан-*

¹ Абдуллаев Ф. Ўзбек тили лексикасининг баъзи бир масалаларига доир. Тил ва адабийт институти асарлари. Тошкент, 1949, 80-102-б; Шоабдураҳмонов Ш. Ўзбек адабий тили ва ўзбек халқ шевалари. Тошкент, 1962, 213-220-б; Ҳозирги ўзбек адабий тили. I, Тошкент, 1966, 172-173-б; Ўзбек тили лексикологияси (тўплам). Тошкент, "Фан", 1981, 94-ва ундан кейинги бетлар.

тарбия — физкультура, *дорилғунун* каби сұздарни ишлестишга қаршилик қилиб келинди.

Ўзбек адабий тили лугат таркибидаги ўзлаштирилган сұздарни тахминан қуйидаги гуруҳларга бўлиш мумкин:

1. Тожикча сұздар
2. Арабча сұздар
3. Мұғулча сұздар.
4. Хитойча сұздар.
5. Русча-европача сұздар.

ТОЖИКЧА СҰЗЛАР

Ўзбек ва тожик халқлари жуда узоқ даврлардан бери ёнма-ён яшаб, бир-бирлари билан иқтисодий-ижтимоий ва маданий муносабатда бўлиб келмоқда. Улар ўтмишда биргаликда йирик қурилиш иншоотларини яратганлар, душманларга қарши жанг қилганлар, оиласвий ҳаёт ке-чирганлар ва маданий ёдгорликлардан ҳамкорликда фойдаланганлар.

Б. Ф. Фафуровнинг ёзишича, ўзбек ва тожик халқлари ўртасидаги яқинлик милодий ЎІ асрдан бошланган.¹

Икки халқ ўртасидаги бу ижтимоий алоқалар бизнинг давримизда янада мустаҳкамланди.

Ўзбек ва тожик халқлари ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик ва яқинлик уларнинг тилларига таъсир этмай қолмади. Натижада тожик тилидан ўзбек тилига күпгина сұз, сұз шакллари ва турли иборалар ўтиб ўзлашади. Шу билан бирга ўзбек тилидан тожик тили ва унинг шеваларига ҳам анча сұз ва иборалар, аффикслар кириб келган.

Ўзбек тилининг лугат таркибида майший ҳаёт, касб-хунар, адабиёт-санъат, ҳайвонот дунёси, ўсимликлар, қишлоқ ҳўжалити, табиат ҳодисалари, вақт, масофа, ўрин-жой ва бошқа соҳаларга оид тожикча сұздар учрайди.

Қуйидаги мисолларни солиштиринг.

Тожик тилида	Ўзбек тилида
анор	анор
баҳор	баҳор, кўклам
ожиз	ожиз, кўр, кучсиз
лозими	лозим, иштон

¹ Гафуров Б. Г. История таджикского народа. М., 1952, С. 99-110.

<i>Тоҷик тилида</i>	<i>Ўзбек тилида</i>
олуфта	олифта
лаган	лаган, тавоқ
пойғаҳ	пойғак
пайпоқ	пайпоқ
чалчиқ	чалчиқ, тхриб қолган лойқа сув
чапғалат	шамғалат
арzon	арzon
бодом	бодом
дастархон	дастурхон
гулқанд	гулқанд, гул мұраббоси
себ	олма (пахта себ)
зардоб	зардоб
сабзазор	кўкарамзор, сабзазор
марғузор	маргузор, ўтлоқ
декча	декча, қозонча
навruz	навruz, янги кун
тезоб	тезоб, озот кислотаси, тез
устокор	уста, айёр
пардоз	пардоз
хоҳиш	хоҳиш
ҳазон	ҳазон
шӯр	шӯр, түзли, нордон
боло	баланд
гапхӯр	гап ёювчи
акка	хакка, зағизғон
хунук	хунук, совук
зиёд	зиёд (кўп, ортиқ), киши исми
каబуд	кўк (чойи кабут)
муйчинак	муйчинак
кулуда	кулала, юмалок, гужанак
чорво (чаҳор + по)	чорва, чорва мудири
гардан	гарлон, бўйин

Юқоридаги тожикча сұзлар, асосан, от туркумiga, қисман сифат, равиши ва сон туркумларiga оид бўлиб, улар ўзбек тили луғатига кириб, ўрнашаб қолган.

Маълумки, IX аср охирига келиб, Ўрта Осиёда араблар ҳукмронлиги сусая бошлайди. Ана шу даврда пойтахти Бухоро бўлган сомонийлар давлати барпо бўлади. Сомонийлар давлатининг подшоҳи Исмоил Аҳмад Сомоний (874-907) ва унинг авлодлари 999 йилгача ҳукмронлик қиладилар. Бу даврда тожик-форс адабиёти ривожланади. Тожик-форс элат адабий тили ҳам шаклланиб, мамлакатнинг расмий тилига, шеърият тилига айланиб, шуҳрат топган эди. Тожик-форс адабий тили билан бир қаторда илм-фан тили бўлмиш араб тили кенг тарқалган эди. Дарий қабила диалекти негизида шаклланган тожик-форс элат алабий тили сомонийлар давлатига қарашли бўлган Мовароуннаҳр, Афғонистон ва Эрон худудидаги ҳалқларнинг адабий тили бўлиб мустаҳкам ўрнашган эди. Проф. Н. М. Малласев бу ҳақда қўйидагича маълумот беради: "Бу территорияда давлат тили ва адабий тил дарий тили эди. Фазнавийлар ва салжуқийлар аслида туркий қабила-лардан бўлсалар ҳам, улар сомонийлар традициясининг изидан бориб, дарий тилини давлат тили ва адабий тил сифатида қабул қилдилар. Улар босиб олган ўлкаларига, жумладан, Кавказ (Аррон, Ширвон ва қисман Грузия ҳамда Арманистон) га ва Ҳиндистоннинг шимолий райоnlарига дарий тилини давлат тили ва адабий тил сифатида олиб кирди.ар. Улар қарам қилинган ўлка ҳалқларининг адабий тили тараққиётига тўскинлик қилдилар. Масалан, салжуқий подшоҳлари ва уларнинг вассаллари Озарбайжонда шундай сискат юргизган эдилар. Шунинг учун ҳам улуг озарбайжон шоири Низомий Ганжавий "Лайли ва Мажнун" достонининг муқаддимасида ўз асарларини она тилида — озарбайжон тилида ёзолмай, форс тилида ёзишга мажбур бўлганини ачиниш билан таъкидлаган эди".

Шундай қилиб, тожик-форс тили X—XV асрларда жуда кўп элатларнинг муштарак адабий тили бўлиб хизмат қилиб келган.

Ҳатто улуғ Навоий яшаган даврда — Хурсонда ҳам дастлаб тожик-форс аниъаси кучли эди.

Ўзбек адабий тилига тожик-форс тилидан кирган сұзлар миқдори мумтоз адабистимиз номояндалари асарларида ўзига хосдир. Масалан, Навоий асарларида кўпроқ,

Бобур, Муҳаммад Солиҳ, Хожа, Мажлисий, Абулғози Баҳодирхон асарларида нисбатан оз. Лутфий, Саккокий, Атойи каби Навоий зомондошларининг асарларида ҳам ўзлашган сўзлар ўз қатламга нисбатан оздир.

Тожикча сўз ва шаклларнинг ишлатилишида маълум услубий мақсад ва ўзича ижтимоий сабаблар бўлган бўлиши мумкин. Масалан, Навоий туркий ном билан аталган эски ўзбек тилини тожик тили даражасидаги адабий тилга тенгглаштиришни мақсад қилиб қўйган эди. У ўзининг "Хамса", "Чор девон", "Мажолисун нафоис", "Мезонул авzon", "Маҳбубул қулуб", "Муҳокаматул лугатайн" ва ш. к. ўттиздан ортиқ асарлари билан ўзбек адабисти ва ўзбек адабий тилининг шуҳратини жаҳонга сўйди. Хўш, Навоий бу асарларини ёзишда адабий тилни қайси манбалар ҳисобига бойитди? Таниқли навоийшунос Алибек Рустамовнинг фикрича, Навоий энг кўп фойдаланган ва энг бой манба туркий лаҗжалар бўлди. Иккинчи манба илмий рисолалар ва ўша давр зиёлиларининг оғзаки нутқи. Навоий асарларида учрайдиган тожикча ва арабча сўзлар Навоий давридаги зиёлилар тилида мавжуд бўлган деб тахмин қиласа бўлади. Чунки, оғзаки тилда ишлатилмаслиги аниқ бўлган ўзга тил элементлари Навоий тилида ҳам учрамайди. Туркий лаҗжалардаги луғавий ва грамматик элементлар Навоий асарларида чегараланмаган ҳолда, тожик ва араб тилларига оид элементлар чегаралangan ҳолда ўтган дейиш мумкин.

Навоий асарларида тожикча сўз ва ибораларнинг ҳаддан зиёд мўллигини Хурсон элининг икки тиллилиги билан ҳам изоҳлаш мумкин. Навоийнинг ёзишича: "... туркнинг каттадан кичигигача, хизматкоридан бегигача сарт (тожик-форс) тилидан баҳраманддирлар. Шундайки, ўз тирикчиликларига оид аҳволлар устида сўзлаша олурлар, балки баъзилари адабий равишда сўзлаша олурлар. Ҳаттоқи, турк шоирлари форсий тилда рангдор шеърлар ва ширин ҳикоялар юзага чиқара олурлар". Бунга ўхшаш хусусиятлар ҳозир жумҳуриятимизнинг баъзи шаҳар ва қишлоқларида ҳам кузатилади. Масалан, Бухоро, Самарқанд, Чуст, Косонсой, Риштон аҳолиси икки тилда бамалол сўзлаша олади.

Алишер Навоий. Муҳокаматул лугатайн. Тошкент. 1940, 46-б. (лотин алифбосида).

Бадиий ижоддаги икки тиллилик масаласи эса ХІУ асрдан то XX асргача давом этиб келди. Машхур "Мұхаббатнома" достонининг муаллифи Хоразмийдан то Ҳамза, Фитрат, Айний, Аширматгача бўлган ёзувчилар икки тилда ижод этганлар.

Тожик тилидан кирган сўзларнинг муайян қисми тилимизга шу даража сингиб кетганки, улар янги сўзлар ясашда ҳам иштирок этади ва ўзбекча шакллар қаторида қўлланаверади. Масалан: *йўл + а + ки - йўлаки*; *йўлаки зиёфат* (йўл устидаги, енгил зиёфат). Қиёсланг, тожик тилида *роҳаки* (роҳ + аки); *декча* — қозончада шавла қилибди (тож. *дег + ўзб - ча*); Тож. бардор — бардор — ўзб. *кўтар*: *Ноз қил бардорингга, кўтарса харидорингга* (мақол) ва ш. к.

Шунингдек, тожикча: *-хона, -парвар, -фуруш, -истон (-стон), -парамт, -хон, -паз, -бон, -боз, -дўз, -гоҳ, -бон, -он (равон), -шунос, -ваш* (маҳваш), *-ор* (харидор), *-вачча, -поя, -соз* каби морфемали сўзлар тилимизда кенг қўлланади.

Эски ва ҳозирги адабий тилимизда тожикча изофаляр ҳам сақланган: *Себи Самарқанд дерлар ва аюри Ҳўжанд дерлар* (Бобур); *Кулдиради халқни иши Майсара* (Чустий); *гултоҳижӯroz, гулибеор, Тарафи бозор, Боғишамол, Мозори қўхна* (жой номлари).

Ўзбек (туркий) тилдан ҳам тожик-форс тилига узоқ вақтлаудан бери қўпгина сўз, морфема ва иборалар ўзлашган: *тагин-шаҳзода*, жасур (Фирдавсий "Шоҳнома" сида учрайди); *чорӯқ* (< éagoq) — чориқ, оёқ кийими; *сумак* (< somaq); *қорақат* (барбарис); *тўп* — тўп (пушка); *туфанг* — миљтиқ; *қўшун* — қўшин; *сочма* — сочма (дробь); *қўндоқ* (приклад); *хатер* (< қатыр) — хачир; *сахлов* — гарнизон; *юзбоши* (сотник); *тўшак* — тушак; *элак* — элак; *тумга* — тугма; *қошуқ* — қошиқ; *қайчи* — қайчи; *дўлма* — дўлма; *қаймоқ* — қаймоқ; *ёрлиқ* — подшоҳ ёрлиғи; *ясавул*, *хотун* — малика; *аёқчи* — соқий; *безак* — безак; *кўчак* — кичик; *ғаз* — гоз; *қотирма* — қотирма; *қапиҷи* — швейцар; *суртма* — чана;¹ Ёки Алишер Навоий "Мұҳокаматул лугатайн" датаъкидлашича, *тўппи*, *ёғлиқ*, *қалпоқ*, *терлик*, *бўза*, *совлиқ*, *явош* — ёвош, *елка*, *қирор*, *арғамчи* — арқон, *қимиз*, *тутмоч*, *умоч*, *кўмоч*, *талқон* ва ш. к. сўзлар сарт тилида бўлмагани учун уларни туркча атаганлар.

¹ Пейсиков Л. С. Лексикология современного персидского языка. М., 1975. С.46-49.

АРАБЧА СҮЗЛАР

Ўзбек адабий тили луғат таркибида араб тилидан узлашган сўзлар ҳам мавжуд. Бу сўзларнинг ўзлашув жараёни арабларнинг истилочилик ҳаракатлари билан боғлиқ.

Араблар ЎII асрнинг иккинчи ярми ва ЎIII асрда Ўрта Осиёни босиб олганларидан кейин срли аҳолига мажбуран ислом динини қабул қилдирганилар. Ислом билан бирга араб ёзуви ҳам оммалаша бошлаган. Мактаб, мадраса, диний ва идора ишларида араб тилининг мавқси кучайди. Ана шу жаҳатдан ёндашсак, арабча сўз, шакл ва иборалар ўзбек адабий тилига китобий тил ва қисман сузлашув тили орқали ҳам ўзлашган.

Араблар Ўрта Осиёга келганларидан кейин бу ердаги маҳаллий турк руний, уйғур, хоразмий, сүғд ёзувларини сиқиб чиқарди ва уларнинг ўрнига араб ёзуви ишлатила бошлади. Бу араб тили ва ёзувининг таъсир доирасини янада кенгайтириб юборади. Маданий даврияси жиҳатдан араблардан анча юқори бўлган Ўрта Осиё халқлари уз адабисти ва маданиятларини араблар таъсирида давом эттиришга мажбур бўлганлар. Араб тили илм-фан тилига айланди. Хоразмий, Абу Райхон Беруний, Фаробий, Ибн Сино, Маҳмуд Кошварий каби олимлар ўз асарларини ана шу тилда ёздилар.¹

Алишер Навоий "Муҳокаматул луғатайн" асарида араб тилининг хусусиятларини қўйидагича таърифлаган эди: "Бу тилларнинг барчасидан араб тили нағислик билан ажралган ва бадиийлик безаги билан мўъжиза кўрсатувчандирки, бунда ҳеч бир тил аҳлларининг даъвоси йўқ..."²

Араб тили сомий тилларининг жанубий шаҳобчасига киради. Бу тилда сузлашувчи халқлар Миср, Сурия, Ироқ, Ливан, Тунис, Ливия, Жазоир, Саудия Арабистони, Судан, Яман, Марокаш каби мамлакатларда яшайди. Тарихий жиҳатдан араб тили уч даврга бўлинади: 1) қадимги араб тили; 2) классик араб тили; 3) янги араб тили.

Араб тили билан бирга XIII асрларгача қадимги хоразм тили (Эроний тил) оғзаки ва ёзма шаклларда қўлланиб келгандиги ҳақида маълумотлар бор. Қаранг: Фрейман А. А. Хорезмийский язык. Материалы и исследования. М.—Л., 1951, С. 8.

2

Алишер Навоий.. Муҳокаматул луғатайн. Ўша нашри. 44-б.

Ўрта Осиё халқлари тилларига таъсир қилган классик араб тилининг энг ривожланган даври VII—IX асрлар бўлиб, бу тилда жуда кўп илмий, бадиий асарлар яратилган. Лекин ҳозир бу тил истеъмолдан чиққан.

„...Европада лотин тили бир вақтлар халқаро тил, илм-фан тили булганидек, араб тили ҳам Осиёда уч юз йил давомида шунга ухшаш мавқеда бўлган. Бунда ўзбек ва тоҷик олимлари, ёзувчиларининг роли жуда каттадир...

Агар тоҷикча сўзлар ўзбек тилига сўзлашув тили орқали, адабиёт орқали в. б. йўллар билан кирган бўлса, араб сўзлари, биринчидан, китоб, мадраса, дин орқали, иккинчидан, тоҷик тили орқали кирган¹. Айрим мутахассисларнинг факрича, ҳозирги ўзбек адабий тилида арабча сўзлар бундан 20—25 йил илгари лугат таркибининг 13% дан 20% гача бўлган миқдорини ташкил этган.

Ўзбек тилида ишлатиладиган арабча сўзлар турли соҳаларга оид бўлиб, булар ҳам тоҷик тилидан ўзлашган сўзлар каби фонетик, морфологик ва семантик жиҳатдан ўзбек тилига мослашган ҳолда қўлланади. Масалан, **ئ**-айн товуши сўз бошида ўз хусусиятини йўқотади. Адабий тилимизда (имлода) фақат иккита сўздагина шу ҳолатда ҳ товушига ўтган: **لە**-ҳайит, **لەس**-ҳасса;

ئ — айн сўз охирида и; ә (*e*)га мойил айтилади, лекин ҳозирги имло қондасига биноан айириш (ъ) белгиси ёзилмайди: **ئەن** — моне, **ئەت** — тобе;

ئ — "а" унлисидан кейин келганда, шу унли чўзиқроқ талаффуз қилинади ва чўзиқлик ҳозирги имломизда айириш (ъ) белгиси билан берилади: **ئەن** — таъна, **ئەن** — маъно, **ئەن** — яни; сўз ўргасида икки ундош қават келиб, унинг кейингиси **ئەن** — айн бўлса, ҳозирги ёзувда тушиб қолади: **ئەن** шам, **ئەن** наф, **ئەن** жам каби.

Баъзи арабча сўзлар ўзбек адабий тили ва унинг шеваларида ўз асл маъносига қўлланиши билан бирга, маъноси кенгайган, торайган ва ўзгарган ҳолда ҳам учрайди. Масалан, *Fassol* сўзи араб тилини ва унинг диалектларида, умуман "юкувчи, тозаловчи" маъноларида ишлатилади; идёҳум *Fassolnunen* — улар қўлларини ювиши каби.² Наманган шевасида эса *Fassol* (// фоссол)

¹ Усмонов С. Ўзбек тилининг лугат составида тоҷикча-форсча ва арабча сўзлар. Навоийга армуюн" (Туплам). Тошкент, "Фан", 1968, 123-б.

² Винников И. Н. Словарь диалекта бухарских арабов. Палестинский сборник, вып. 10 (73), М. — Л. 1962, С. 152.

сўзи фақат "ўлик юувчи" (Тошкент шевасида *йўғучи*) маъносини билдиради.

Арабча сўзларнинг айрим фонетик ва грамматик белгилари марҳум профессор С. Усмоновнинг "Ўзбек тилинг лугат составида тожикча-форсча ва арабча сўзлар" мақоласида изчил ёритилган¹.

Ўзбек тилининг лугат таркибида шундай сўзлар ҳам учрайдики, уларни қайси тилга тааллуқли эканини айтиш мушкул. Бу сўзларнинг таркиби ўзбекча + арабча, арабча + тожикча, арабча + ўзбекча, арабча + тожикча + ўзбекча, тожикча + тожикча + арабча ёки унинг аксича тузилганини кўрамиз. Масалан: *атирнок* (ар. *атир* + ўзб. *нок*), уч талоқ (ўзб. уч + ар. *талоқ*), *касалванд* (ар. *касал* + тож. -ванд), *дуогўй* (ар. *дуо* + тож. *гўй*), *димоғдорлик* (ар. *димоғ* + тож. -дор + ўзб. -лик), *соатсоз* (ар. *соат* + тож. *соз*), *ҳасибхўр* (ар. *ҳасиб* + тож. *хур*), *улфатчилик* (ар. *улфат* + ўзб. -чилик), *бекарор* (тож. бе + ар. *қарор*), *ғайрли* (ар. *ғайр* + ўзб. -ли) ва ш. к.

МЎГУЛЧА СЎЗЛАР

Ўзбек тилининг мўгул тили билан алоқаси жуда узоқ даврларга бориб тақалади. Ўзбек тилининг лугат таркибида XIII асртагача ва ундан кейин кириб ўзлашган мўгулча сўзлар мавжуд: *Нарын* < нарийин ингичка, тор, юқа маъносидаги от; овқат номи. Бу сўз мўгулчадан ўтган. Солиштиринг: *Кўз ёшим бўлди мўгулнинг норини* (Бобур). *Норин дарёси* каби;

ўлтон — тагчарм, мол терисидан тайёрланган чарм: *Хом терини ийласанг ўлтон бўлур, Нафсини тийган одам султон бўлур* (Мақол). Мўгул тилида ул — подошва, подметка; шина; полозъя саней, основание, базис, основа; основательно; блок шестерни (МРС, 102). Маҳмуд Кошғарийда улдан — қўй оёғи. Ўрда < ўр — баланд, тепалик, юқорилик; ўрда — баландликка қурилган сарой, қалъа, қароргоҳ. Ўрдукент < ўр+ду+кент — тепаликка жойлашган шаҳар.

Навкар — аскар, мулозим, хизматкор, куёв ўртоқлари маъноларида ишлатилади. Қиёсланг, куёв *навкарлари*; Раис далабеги эмас, *дала навカリ*; улус < мўғ. улс — эл, халқ, кишилар (XIII аср); қўл остидаги мамлакат ва ш.к.

1

Кўрсатилган тўплам, 125 — 127 - бетлар.

Туркий тиллар билан мұғул тилининг келиб чиқишига назар ташласак, уларнинг қариндош тиллар эканлиги күринади. Энг қадимги даврда ҳозирги туркий, мұғул, тунгус-манжур тиллари олтой тили оиласи таркибига кирған. Улар күп сонли уруғ, қабилалар иттифоқидан иборат бўлиб, бир-бирларига яқин лаъжаларда сўзлашганлар. Олтой оиласига кирған тиллар гуруҳлари у вақтда ҳали умумий эди.

Тил тараққиётининг кейинги даврларида туркий ва мұғул тиллари ўзаро ажралиб алоҳида тараққий этганлар. Шунинг учун туркий ва мұғул тиллари ўртасида айрим фонетик фарқларни ҳисобламаганда, бир-бирларига ўхшаш сўзлар анчагина бор. Буларни туркча-мұғулча ёки мұғулча-туркча сўзлар деб аташ мумкин. Ҳозирги ўзбек адабий тили лугат таркибидаги турли соҳаларга оид сўзлар билан мұғулча сўзларни муқояса қилсак, юқоридаги фикримиз янада ойдинлашади.

<i>Ўзбек тилида</i>	<i>Мұғул тилида</i>
ака	ах (а)
хотин	хатан
қуда	худ (// қуда)
божа	баз
овсин	ависан
тойлоқ (бўталоқ)	тайлоқ
хўқиз	ухор
буқа	бух
бурундуқ	бурунтағ
ғунажин	ғунж
қўй	хонъ
эчки	ишиг
арғимоқ	арғамак
така	тәх
қўчқор	хуц
бўй	бие
манглай	магнай
чирай	царай

<i>Ўзбек тилида</i>	<i>Мұғул тилида</i>
сұям	сөөм
қора	хар (а)
күк	хөх
қурут, қурт	хуруд
бұсага	босго
жайрон	әэзрон
йұлбарс	барс
бүгдой	буудай
арпа	арвой
қорамуқ (чеченица)	хармаг
тегирмон	тээрэм
муз	мөс
булоқ	булаг
денгиз	тәңэс
түзон	тоосон
чоғ	цаг
эрта	әрт

ХИТОЙЧА СҮЗЛАР

Ўзбек адабий тили лугат таркибида уйғур тили орқали хитой тилидан ўзлашган сұздар ҳам учрайди.

Тарихий манбалардан маълумки, ўзбек ва уйғур халқлари тилларининг ташкил топиш жараёни кўп жиҳатдан бир-бирларига ухшайди. Ана шу нуқтаи назардан қараганимизда, бошқа туркий тилларга нисбатаң, тил хусусиятларига кура ўзбек ва уйғур тиллари жуда яқин туради. Чунки бу икки тил элат тиллари бўлиб шаклланшида бир манба — қарлук қабилалар уюшмаси тили — лаъжаси асос бўлған эди. Буни ҳозирги ўзбек адабий тили, хусусан, "уйғурлашган"—"умлаутли" шевалар материаллари ҳам тасдиқлайди. Академик К. К. Юдахин: "Ўзбек ва уйғур халқи орасидаги маданий алоқалар бизга қадим замонлардан маълум. Бу масала маҳсус адабиётларда бир неча марта қайд этилган. Қадимги турк адабиёти ёдгорлиги "Қутадғу билиғ" нинг (XI аср) фанда

машхур бўлган уч қўлэзмасидан бири Наманганда топилган... Наманганлик Машраб (XVIII аср) асарлари ўзбеклар орасида тарқалгани каби уйғурлар орасида ҳам қенг куламда тарқалган эди. Ҳозир ҳам уйғурлар Эргаштому билан Қашқар йўлидаги девонни Машраб номи билан атайдилар. ... Ўзбеклар ва уйғурлар орасидаги бой маданий алоқа ва умумийликни кўрсатувчи мисолларни кўплаб келтириш мумкин", — деб ёзган эди¹.

Уйғур тили орқали хитой тилидан ўзлашган барча сўзлар ўзбек адабий тили ва шеваларида қўлланади. Масалан: *басай* — овқатга солинадиган кўкат тури. Хитой тилида *байцай* — кўкат, карам (*бай* — оқ, *цай* — кўкат, сабзвот). Бу сўз уйғур тилида *бәсай* шаклида ишлатилади. Қиёсланг, *Дятда басар* — тог саримсоқ писзи.

Сай — турпдан тайёрланган салат: *Сайни* жуда болгабди. Уйғур тилида: 1) карам ва қисман гўшт аралаштириб тайёрланган салат; 2) умуман кўкатлардан тайёрланган газак. Яна қиёсланг, уйғур тилида: *сәй самса* — кўк сомса; *сәйхана* — сабзвот сақланадиган омбор (хит. *цай* — тој. хона).

Жусай — хушбўй, овқатга соладиган ва гарнир тарзида истеъмол қилинадиган кўкат. Қиёсланг, уйғур тилида *жусай* — хушбўй пиёз; *Лағман* — хамирни чўзиб ёки узун ингичкароқ кесиб тайёрланган, юзига қайла солиб ёниладиган хамир овқат тури. Қиёсланг, уйғур тилида *ләімән* — хитойча *лянмиянъ*, *лян* — совуқ, *мянь* — угра, хамир. Буни айрим манбаларда тунгон уграси, гўштили угра ҳам дейилади.

Шиман — хамири юқа кесилган лағмон. Қиёсланг, уйғур тилида *шимән*. Хитойча *Симянь* (си — юқа, мянь — кесилган хамир, угра); *манти* — хамир орасига гўшт ёки қовоқ (баъзан картошка) солиб, тугиб парда пиширилган овқат. Уйғур тилида *манта*, хитойча *маньтоу*. Лугатларда "манти" сўзи крупные пельмени, вареные на пару — деб изоҳланади. Қиёсланг, *мантипаз*, *мантичи*, *манти қасқон*.

Манпар — хамирни тасмага ўхшатиб кесилиб, *сүнг* узил шурвасига солиб тайёрланадиган хамир овқат тури. Қиёсланг, уйғур тилида *мәңпәр*, хитойча *манпээр*. *Хоршап* — хамир орасига қийма, қовоқ, картошка солиб, ўраб ёғда ва баъзан парда пишириладиган овқат тури. Уйғур

Юдахин К. К. Ўзбек ва уйғур халқлари тилларидаги яқинлик. // ЎТАМ, 1, 1958, 31 - б.

тилида хошаң, хитойча хошан — блины с мясом. Буни бизда күпинча хоним дейилади. Юто-ютоза, хамирни ёйиб, ёғ суртиб воронка шаклига келтириб, парда пишириладиган овқат. Уйгур тилида жутаза, хитойча ютацзы (ю — ёғ, та — баланд, минора). Луғатларда ютаза — слоеный хлеб, выпекаемый на пару деб изохланган.

Чой. Хитойча са, ча — чой. Қиёсланг, чафан (ча — чой, фан — уй, хона) — чайхона.

Шийпон — далада дам оладиган усти ёпиқ жой (шаш, беседка). Уйгур тилида шипаң, ши: пан. Хитойча сифан (си — бўйра, қамиш, фан — уй, хона) — устига қамиш ёки бўйра ёпилган уй, чайла.

Лаза — янчилган гаримдорини ёқقا қориб тайёрланган паста. Уйгур тилида лаза — қизил гаримдори. Хитой тилида лацзы. Қиёсланг, уйгур тилида лазижан — гаримдори пастаси; лазидан — гаримдори идиш.

Таван — патнус, баркаш маъносида. Хитой тилида то-панъ (то — патнус, панъ — тарелка). Уйгур тилида тәвәк, патмус тарзида қўлланади. Қиёсланг, Тошкент шевасида: Нима таван қиб борас — (тўй каби маросимларга) нима пишириқ қиласиз маъносида. Демак таван сўзи адабий тилда ва шеваларда патнус, баркаш, тогорада маросимларга олиб бориладиган пишириқ маъносида ишлатилади. Қиёсланг, таванхона.

Занг — занг урди, Уйгур тилида: жаң чалмақ. Бу сўз хитойча чжан — қўнгироқ, бонг маъноларидағи сўзлардан олинган. Қиёсланг, уйғурча жанчи — қўнгироқ чалувчи (занг урувчи). Бу сўз чжан + -чи тарзида ҳосил бўлган.

Жавон — шкаф, комод. Жавончи — жавон ясайдиган уста, дурадгор. Уйгур тилида жаван — токча, шкаф; жаванчи — жавон ясовчи. Хитойча 1) цзябань — (цзя — рама, бань — доска); 2) цзябань — (цзя — сжимать, бань — доска). Уйгур тилида жаван — хомутнинг ёғоч қисми, кleşня маъносида ҳам қўлланади.

Жимбил — манти пишириш учун маҳсус тайёрланган темир решетка (манти қасқон ичидагини ҳам шундай дейилади. Қиёсланг, уйгур тилида жимбил.

Пўпуса — дўқ, қўрқитиш, юзаки дағдаға. Қиёсланг, уйғур тилида попуза 1) дўқ уриш, қўрқитиш, товлаш; 2) жанжал кутариш. Яна қиёсланг, попузачи — жанжалкаш.

Чұтап — (хитойча чота) — чұтап; қимар, карта ўйинларида ютган томондан олинадиган пул, улуш (про-

цент олиш). Уйгур тилида чота, чотучи — чутал оловчи. Қиёсланг, ўзбекча чўтальчи — қиморда ютуқдан процент оловчи.

Чийлаш, чийламоқ — ўйин картасини аралиштироқ: Картани яхшилаб чийлаб юборинг. Қиёсланг, уйгур тилида шилимақ // чилимақ — аралаштироқ: хитой тилида си — картани аралаштириш.

Шон — этикдўз шони (сапожный клин). Уйгур тилида шан; хитойча шан.

Жоди — беда, бичан, сомон қирқадиган махсус асбоб. Қиёсланг, Faфур Гуломда:

Беда тамаъида
Бўйинни чўзиб
Боши жоди ичра қолган
Эшакдай —
Манфур, чинқироқ
Овозингни радиодан
Хамма эшилди
(“Мен яҳудий” шеъридан).

Уйгур тилида жаду. Хитой тилида бу сўз асли чжадао (чжа — қирқмоқ, дао — пичоқ).

Жужунча — уст кийим учун 70-йилларгача кенг ишлатилиб келинган қалинроқ, оқ-сағириш рангдаги ипак газлами: Хитой жужунчаси: жужун камзул; жужун шим каби. Қиёсланг; уйгур тилида чочунча.

Шоти — нарвон. Бу сўз хитойча шатанг сўзидан олинган бўлиб, Фарғона водийсидаги деярли барча шеваларда шати, шоти, шўти каби шаклларда кенг қўлланади.

Тай-тай — 1) болаларнинг дастлабки қадам босиши, юриш; шу юриш пайтида айтиладиган сўз: тай-тай, тай-тай қилинг каби. Қиёсланг, хитой тилида тайтай; уйгур тилида тәйтәйләтип манғузмақ — болаларни қўлидан ушлаб юргизмоқ.

2) тайтай сўзи хитой тилида (уйгурлар тилида ҳам) хоним, бека маъноларида ҳам ишлатилади.¹

Эслатма: 20-йиллар охири ва 30-йиллар бошида ҳозирги Эс-кижўвада оёқлари болаларнинг оёғи сингари кичкина, лекин гавдали хитой аёллари турли рангдаги юқа (хитой) қогозлардан ўйинчоқлар, елпигич ва коптоклар сотишарди. Ана шу кичкина оёқли хитой аёлларини Тошкентда тай-тай деб атаганлар.

1

Юқоридаги хитойча сұзлар ҳақида қараңг: Уйгурско-русский словарь. М., 1939; Уйгурско-китайско-русский словарь. Пекин, 1952; Уйгурско-русский словарь. М., 1968; Рахимов Т. Р. Китайские элементы в современном уйгурском языке. М., 1970.

РУСЧА-ЕВРОПАЧА СҮЗЛАР

Ўзбек тили лугат таркибининг маълум қисмини рус тили ва у орқали Европа халқлари тилларидан кирган сўзлар ташкил қиласди.

Ўзбек ва рус халқи Октябрь инқилобидан илгари ҳам иқтисодий, маданий ҳаётда ўзаро муносабатда бўлиб келган. Агар биз Ўрта Осиё хонликларининг Москва давлати билан XVI — XVII ва XIX асрларда олиб борган савдо ва дипломатик алоқаларига оид турли ёрлиқлар, элчилар мактублари, тарихий-илмий ҳужжатларига назар ташласак, *ўрус, кноз, пут (пуд), дужна (дюжина), яшик (ящик), самовар, конфут (конфета), патнус (поднос), лампа қаби сўзларни ўзбек тилида кўлланганини кўрамиз.* Ушбу сўзлар кўпроқ сўзлашув орқали киргани учун фонетик ўзгаришларга учраб ўзбек тилининг ички тараққиёт қонунларига бўйсунган.

Ўзбек ва рус халқлари ўртасидаги муносабатлар XIX асрнинг II ярмига келиб, яъни Ўрта Осиё рус мустамла-качилари томонидан истило қилингандан кейин кенг қулоч ёйди. Натижада ўзбек тилининг лугат таркибига савдо, транспорт, молия, почта-телеграф, саноат, ҳарбий, маъмурий, уй анжомлари, табобат, санъат-адабиёт ва бошқа соҳаларга оид кўпгина сўз ва атамалар ўзлаша бошлаган. Бу сўзларнинг кўпчилиги русча ва у орқали ўзлашган Европа халқларининг тилига мансубdir. Масалан: *поезд, вагон, вокзал, почта, телеграф, конфет, адрес, завод, фабрика, машина, вексель, банк, доктор, фельдшер, газета, генерал, губернатор, фонар, суд, солдат, пристав, дума, печь, лампа, поднос, тарелка, картошка ва ш. к.* Ўзбек тили лексикасига рус тилидан кирган сўзларнинг аксарияти от туркумига киравчи сўзлар ва қисман нисбий сифатлардан иборат бўлган. Юқорида келтирилган сўзлар ўзбек тилида айнан, фонетик ўзгаришлар билан ва калька ҳолида ишлатилиб келинган.

Айниқса, рус тилидан кирган сўз-атамалар Улуғ Ватан уруши ва ундан кейинги йилларда ҳаддан ташқари кўпайиб кетди. Бу даврда ўзбек тилида илгаридан ишла-

тилиб келган сўз-атамалар русчаси билан алмаштирилиб қўлланаверилди.

Ўзбек тилига давлат мақоми берилиши муносабати билан жуда кўп сўз ва атамалар тилимизнинг табиатини ҳисобга олиб, янгиланмоқда ва эскилари қайтадан тикланиб кенг қўлланмоқда.

Хуллас, ўзбек адабий тилининг лугат таркибида ўзбекча — умумтуркӣ шу билан бир қаторда, тоҷикча-форсча, арабча, русча-европача, хитойча ўзлашган сўзларнинг ишлатилиши тилимизнинг лугавий бой ва мураккаб жараённи босиб ўтганлигини кўрсатади.

ЎЗБЕК АДАБИЙ ТИЛИНИНГ НОМЛАНИШ ТАРИХИ

Ўзбеклар йирик туркий халқлардан бўлиб, тарихий манбаларнинг гувоҳлик беришича, уларнинг ота-боболари қадимдан Ўрта Осиё худудининг асосий аҳолиси бўлган. Ўзбеклар умумбашарий маданиятни яратувчи бошқа халқлар қаторида узоқ вақтлардан бери жаҳон маданияти хазинасига ўз улушини қўшиб келмоқда. Аждодларимиз инсониятга жуда кўп буюк фан ва маданият арбобларини етказиб берди. Улар фан-маданиятнинг турли соҳаларида ақл-заковатлари билан инсониятни ҳайратда қолдиради.

Ўзбек халқи ўзининг узоқ тарихига эга бўлиб, ўтмишдан то XIX асрнинг II ярмигача турк, сарт, чигатой ва ниҳоят ўзбек атамалари билан юритилиб келган.

Турк атамаси ҳақида. Даставвал ўзбек халқи турк номи билан юритилган. Шуни ҳам айтиш керакки, ўзбекларгина эмас, Ўрта ва Марказий Осиёда яшайдиган барча туркий халқлар турк номи билан юритилган. Жумладан, қорақалпоқ, қозоқ, қирғиз, туркман, уйғур, Волга бўйидаги татар, бошқирд, чуваш; Кавказдаги озарбайжон, қумиқ, нўғой ва Сибирдаги олтой, хакас, тува, ёқут каби халқлар ҳам турк деб аталган. Уларнинг тиллари эса туркий тил дейилган.

Турк атамасининг келиб чиқиши кўп олимларни қизиқтириб келади. Бунга бағишлиланган тадқиқотлар бўлишига қарамай, ҳалигача турк атамасининг келиб чиқиши масаласи аниқ ҳал қилинмаган. Турк атамаси ҳақида маълумотлар Шарқ манбаларида милодий VI асрдан, гарб манбаларида эса VII асрдан учрайди. В. В. Бар-

тольднинг фикрича, турк атамаси дастлаб сиёсий-ижтимоий маънони англатган. У қабилалар ҳарбий уюшмасининг номини билдирган. Кейинчалик элат ва тил гуруҳининг номи маъносида қўлланган. Бу фикрни А. Н. Бернштам ва С. П. Толстов ҳам қувватлайди.¹ Агар биз урхун-энасой битигларидағи *турк* атамасини назарда тутсак, у қабилалар уюшмаси маъносидадир.

VI аср ўрталарида Олтой, Еттисув ва Марказий Осиёдаги турли, лекин бир-бирига яқин лаҗжаларда сўзлашувчи қабила ва элатлар бирлашиб, йирик турк хоқонлигини барпо этганлар.

VI—VIII асрларда ана шу турк хоқонлиғи сиёсий-ижтимоий уюшмасига кирган қабилалар гуруҳига "турклар" деган умумий ном берилган эди.²

Урхун-энасой битигтошларида бу атама "турк бўдун", "қора бўдун" ёки "кўк турк" тарзида кенг қўлланилган. "Бўдун" сўзи халқ дегани "қора бўдун" оддий халқни, кўк турк даги "кўк" эса "эркин, озод" маъносини англатган.

Хитой йилномаларида ҳам *турк* номи учрайди. У манабаларда тук-ю~туг-ю шаклида қўлланган. Яъни хитойларда *r* товуш ишлатилмаган. Булардан ташқари хитой тилининг Контон диалектида *mark* (~ торк) — ут — турклар сўзи учрайди, у дубулға (шлем), алоҳида жангчилар, қуролсозлар тоифасини англатган.

Суй династияси тарихининг изоҳларида (580—619) туг-ю сўзининг дубулға сўзига алоқадорлиги таъкидланган. Қадим эрон тилида ҳам *mark* сўзи дубулға маъносини билдирган. *Турк* номи аскарларнинг бош кийимига нисбатан берилганлиги ҳам эҳтимолдан ҳоли эмас.

Тарихда айрим халқларнинг номланиши уларнинг бош кийимларига нисбатан бўлганлиги ҳақида таҳминлар бор. Масалан: қорақалпоқлар, қизил бошлар.

1

Бартольд В. В. Очерк истории туркменского народа.—"Туркмения", I. Л., 1929. С. 9; Бернштам А. Н. Происхождение турок. К постановке проблемы.— Проблемы истории докапиталистических обществ. М.—Л., 1935, NS, 6. С.43—54; Толстов С. П. К истории древнетюркской социальной терминологии.— ВДИ, 1938, 1(2). С.81.

Бернштам А. Н. К вопросу о возникновении классов и государства у турок VI—VIII вв. н. э. (отдельный оттиск), С. 888-889.

Алишер Навоий "Муҳокаматул лугатайн" асарида ўзбек халқини турк, унинг тилини турк тили деб, амалда турк, туркий, турк улуси, турк тили, туркий тил, туркий алфоз каби сўз ва ибораларни кенг қўллаган.

"Бобурнома"да ва уйғур ёзуви қадимги ёдгорликларда турк сўзи "кучли, қудратли" маъноларида қўлланган: Турк ва мардана киши эди (Бобурнома).

В. В. Радлов турк атамаси устида тўхталиб, VI — VIII асрлардаги уруғ номидан келиб чиққан дейди.

Г. Вамберининг фикрича, турк сўзи "садда" маъносини билдирган. Қиёсланг, туркона одам, турканда дори каби.. А. Н. Кононов "Турк атамаси таҳлилидан бир тажриба" мақоласида "турк" сўзи этимологиясига алоқадор тадқиқотларга анча мукаммалроқ изоҳ беради¹.

Г. Ф. Благованинг ҳам "турк" сўзининг рус тилида қўлланиб келган варианatlари хусусига бағишлиланган мақоласида ушбу сўзининг ишлатилиш тарихи атрофлича тадқиқ қилинган.²

Шундай қилиб, турк сўзининг ўтмишда уруғ, элат, кучли, қудратли, алоҳида жангчилар гуруҳи, қуролсозлар, дубулға, содда маънолари бўлган. Шунингдек бу ном ўзбек ва бошқа туркий тилли халқларга нисбатан ҳам қўлланган (туркий, қашқар туркийси, ўзбек туркийси, туркман туркийси ва ш. к.).³

Сарт атамаси ҳақида. XVI асрдан кейин ўзбекларнинг маълум бир қисми — шаҳар аҳолиси *сарт* деб аталадиган бўлди.

Сарт сўзининг маъноси ҳақида турли қараашлар мавжуд. Айрим манбаларда *сарт* атамаси ўзбек ва тоҷиклардан бошқа алоҳида элатни ифодалайди деб таъкидланса, бошқа манбаларда бу сўз маҳаллий халқни камситиш

1

Турк атамаси ҳақида қаранг: Кононов А. Н. Опыт анализа термина турк.— СЭ, 1, 1, 1949, С. 42 и сл.

2

Благова Г. Ф. Вариантные заимствования турок // турк в русском языке. "Тюркологический сборник", 1972, М., 1973, С. 93-140. Шу мақолада адабиётлар рўйхати ҳам берилган.

3

Н. А. Басқаков турк сўзи ҳақида қўйидагиларни ёзади: "Этнонимы по названию родственных огнонений свойства, например турк монг. туркун — торкун — торхом — родители и родня замужней женщины". Басқаков Н. А. Модели тюркских этнонимов и их типологическая классификация.— Ономастика Востока. М., 1980. С.199—207.

учун рус мустамлакачилари томонидан ўйлаб чиқарилган — ҳақоратни билдирувчи сўз дейилади,

Бизнингча, *сарт* атамаси алоҳида элатнинг номини билдирган эмас. Шунингдек, ўзбекларни таҳқирлаш учун ҳам ишлатилмаган (умуман, мустамлакачи амалдорлар маҳаллий халққа паст назарда бўлгани тарихий ҳақиқат). XVI асрдан бошлаб, Чирчиқ, Оҳангарон, Қорадарё ва Норин дарёси водийсида яшовчи аҳоли, уларнинг қайси тилда сўзлашишларидан қатъи назар, *сартлар* дейилган. Бундан сўнгроқ Зарафшон водийси ва Хоразм воҳасидаги ўтроқ деҳқон-косиб, ҳунарманҷ аҳоли ҳам *сарт* номи билан юритила бошлаган эди.

Демак, *сарт* атамаси этник маънони эмас, кишиларнинг касби, ҳўжалиги, турмуш тарзини англатган.

Сарт атамаси биринчи марта Юсуф Ҳос Ҳожибининг "Қутадғу билиг" (XI аср) асарида учрайди: Эшиктил нәкү тэр бу *сартлар* башы. Бунда сартлар алоҳида гуруҳ бўлиб, уларнинг бошлиқлари ҳам бўлгани хусусида гап боради. Маҳмуд Кошгариининг "Девону луғатит турк" асарида ҳам *сарт* сўзи "савдогар" маъносида қўлланган.

Рашидиддиннинг "Жоме-ут-таворих" китобида мўгуллар қарлуқларни *сарт* деб атаганликлари тўғрисида маълумот берилган. Араблар эса Ўрта Осиёдаги мусулмонларни *сарт* номи билан аташган.

Навоий ва Бобур *сарт* атамасини тожик-форсларга нисбатан қўллаганлар. Умуман, XVI асргача Ўрта Осиё шаҳарларида яшовчи тожикларни *сарт* дейилган. Шайбоний истилосидан кейин бу ерлардаги ўтроқ туркий аҳоли ҳам кўчманчи ўзбеклар томонидан *сарт* деб юритилгани маълум.

Венгер олими Вамбери "Ўрта Осиё бўйлаб саёҳат" (1865 йил) асарида *сарт* сўзи шаҳарлик маъносини билдиради деб ёзган эди. М. Қодиров бу фикрни таъкидлаб ёзади: "Ҳақиқатан ҳам, шаҳар сўзидағи ш қипчоқлар талаффузида с га ўтган бўлиши мумкин: яъни шаар — саар шаклида. Сўз ўртасидаги ҳ товушининг тушиб қолиши тилимизда ҳозир ҳам учрайди".²

¹ "Сарт" атамасига оид айрим фикрларни баён қилиндида М. Ваҳобовнинг китобидан ҳам фойдаландик. Қаранг, Ваҳобов М. Ўзбек социалистик милллати. Тошкент, 1960, 30-32-6.

² Қодиров М. Сўз мулкига саёҳат. "Меҳнат ва турмуш", 4, 1972, 20-21-6.

Сарт атамаси аслида санскрит тилида олинган бўлиб, "карвонбоши, савдогар, шаҳарлик" маъноларини англатган. Кейинчалик, хусусан, XIX аср II ярмидан кейин *сарт* атамаси ўзбек маъносида ишлатиладиган бўлди: сартия эли, сартия лисони (лисони сартия, сарт тили, сарт иборати, сарт қавмлари, "Сартча-русча сўзлук" ва ш. к.)

Чигатой атамаси ҳақида. Чигатой атамаси мӯғуллар истилосидан кейин пайдо бўлган. Чингизхон вафотидан олдин босиб олган қўйл остидаги ўлкалари ўғил ва набиралари ўртасида тақсимланган эди. Шунда Ўрта Осиё ва Шимолий Афғонистон замини ўртанча фарзанди Чигатойга берилган. Чигатоихон тасарруфига қарайдиган ерлар чигатой юрти, эли; элатлар эса Чигатой улуси; бу худудда яратилган адабий, тарихий асарлар чигатой адабиёти, унинг тили (умуман шу худуддаги ҳалқлар тили) чигатой тили номи билан юритиладиган бўлди. Демак, чигатой атамаси ҳукмдор номи билан боғланган.

Навоий "Чор девон" ида чигатой, жўжи атамалари уруғ (қабила) кишилар тўдаси, гуруҳи номларини билдиргани ҳақида маълумот берилган: *Турк қавмлари жўжидур, инок, чигатой*.

Чигатой номи ҳозир ҳам жумҳуриятимизнинг турли ерларидаги жой, сув номларида, кишилар исмида сақланган: Чигатой Оқтепа, Чигатой қўчаси, Чигатой маҳалла, Чигатой қишлоғи, Чигатоихон, Чигатойниса, Чигатоев ва ш. к.

Туркшуносликда баъзан чигатой адабиёти ва чигатой тили, чигатой туркийси атамалари учрайди. Бу ўриндаги чигатой адабиёти атамасини, ўзбек мумтоз адабиёти деб тушунмоқ керак. Чигатой тили, чигатой туркийси атамаси эса эски ўзбек адабий тилини англатади.

Изоҳ: Мавлоно Лутфий ўз девонига кирган бир газалда Чигатой сўзини Тошкент вилояти ёки Туркистон эли маъносида ишлатгани маълум:

Сендек санамни кўрмади Лутфий Чигатоидга,
Чин сўйла Хито кўбларига не бўлурсен деб.

Ўзбек атамаси ҳақида. Ўзбек ҳалқининг келиб чиқиши, унинг номланиш тарихи хусусида С. П. Толстов, А. Ю. Якубовский, Я. Ф. Гуломов, Л. В. Ошанин, М. Баҳобов, А. Асқаров, Б. Аҳмедов, И. Жабборов, Х. До ниёров каби олимларнинг ҳар хил йўналишдаги тадқиқотлари мавжуд. Қадимда бу сўз нимани англатгани аниқ

эмас. Марҳум адабиётшунос Абдураҳмон Саъдий тадқиқотларидан бирида: "Азизий деган шоир дашти қипчоқ ва Сирдарё бўйларида яшаган кучманчи қабилалардан эди. Бу қабилалар темурийлар сиқигида яшаб келганлар. Темурийлар устидан галаба қылганларидан сўнг мустақил беклик, хонликка эришганлар. "Ўзи беклик ўзбекка чирой" мақоли ҳам шунга алоқадор", — деб ёзган эди.

М. Ваҳобовнинг ёзишича: "... Ўзбек сўзининг лугавий маъноси "ўзи бек"ни ифода қиласа ҳам, аммо тарихда бу сўз қабила номи эдими, ёки фақат атоқли исмгина эдими, бизга маълум эмас. Шуни айтиб ўтиш жоизки, ҳозирги Жиззахнинг Ўзбек қишлоғида яшовчи аҳоли ўзини, биз ўзбеклар уругидан, деб ҳисоблади. Бироқ, ўтмишда бундай алоҳида ўзбек уруғи бизга ҳозирча маълум эмас. Ўзбек сўзи тарихий ёдгорликларда биринчи марта Рашидиддиннинг "Мӯғуллар тарихи" деган китобида учрайди... Бундан кейин ўзбек сўзи Олтин Ўрда хонларидан Ўзбекхоннинг (1312 — 1342) исми сифатида учрайди. Алишер Навоий "Садди Искандарий" да ўзбек сўзини уруғ ёки қабила номи сифатида талқин қиласди... Муҳаммад Солиҳ ҳам ўзбек сўзини қабила ва уруғ номи сифатида ишлатади. "Абдулланома" китобида ўзбек сўзи "отлиқ қўшин" маъносини билдирган. Тарихий асарларда Шайбонийхон бошлилигида Ўрта Осиёни ишғол қилган барча қабила ва уруғлар ўзбеклар деб аталади.

Ўзбек сўзининг дастлабки маъноси нимадан иборат бўлишидан қатъи назар, бизнинг фикримизча, Шайбонийхон томонидан Ўрта Осиёning истило қилиниши даврида ўзбек сўзи Абулхайрхон ва унинг невараси Шайбонийхон теварагига тўпланган барча уруғ ва қабилаларнинг умумий — йиғма номи эди".¹

Ўзбеклар Тошкент, Хоразм воҳалари, Фарғона, Қашқадарё, Сурхондарё, Зарафшоннинг шаҳар ва қишлоқларида яшовчи асосий ва қадимий аҳоли эди.

Аирим манбаларда курсатилишича, ўзбек тилининг келиб чиқиши Дашиб Қипчоқда ташкил топган Оқ Ўрда ва шайбон улусида, яъни Волга буйлари оралиғидаги кенг худудда кўчиб юрган, XIV аср ўрталаридан бошлаб ўзбеклар деб юритилган турк-мўғул қабилалари билан боғлиқдир. Бу қабилалар XV аср давомида ниҳоятда зўр

1

Ваҳобов М. Ўзбек социалистик миляти. Тошкент, 1960, 49-6.

ҳарбий сиссий кучга эга бўлган давлат ташкил қилиб, XVI аср бошларидан Муҳаммад Шайбонийхон бошчилигида Ўрта Осиёга, шу жумладан, ҳозирги Ўзбекистон худудига бостириб киради ва ўрнаша бошлайди.

Айрим тадқиқотчилар ўзбек ҳалқининг келиб чиқиш тарихини мазкур истило даври билан боғлаб, ўзбекларнинг шаклланиши XV — XVI асрлардан бошланади, деган мутлақо ғайри илмий фикр юритиб келган эдилар.¹

Ваҳоланки, XI аср охири ва XII асрларда қарлуқ қабила диалекти таркибига чигил, аргу, тухси, яғмо каби қабила диалектлари қўшилиб, қарлуқ қабилалар уюшмаси ва лаҗжасини ташкил этган. Ана шу қарлуқ қабила лаҗжаси негизида ўзбек әлати ва тили шаклланган. Ўзбек әлати тилининг шаклланишида ўғуз ва қипчоқ лаҗжаларининг излари ҳам сезиларни даражада бўлган. Лекин бу даврда ўзбек атамаси әлат ва унинг тили маъносида оммалашмаган эди. Б. Аҳмедов ўзбекларнинг келиб чиқиши тарихига бағишлиланган рисоласида ўзбекларнинг номланиши ҳақидаги Н. А. Аристов, А. Ю. Якубовский, П. П. Иванов, Г. Хаворс, А. Вамбери каби олимларнинг фикрларини умумлаштириб шундай ёзади: "Ўзбек сўзи Жувайний ва Рашидиддин (XIII аср) замонидан маълум. Илхон Абақаҳон (1265 — 1282) замонида я'чаган Пури Баҳо (Тожиддин ибн Баҳоиддин) нинг мўгул қасидасида ва Рашидиддиннинг "Жомеут таворих" асарида ҳам ўзбек сўзи учрайди... Рашидиддиннинг китобида келтирилган ўзбек сўзи ҳам бирор қабила ёки уруғнинг номи бўлмай, балки Жўгихоннинг ўғли шаҳзода Ўзбекнинг набираси, Мингқударнинг ўғли шаҳзода Ўзбекнинг номидир... Кўчманчи ўзбеклар Тўхтамишон қўшинининг асосий қисмини ташкил қилган эди... Ҳондамир бу тўғрида анча қимматли маълумотлар қолдирган... У 1388 — 1391 йил воқеалари тўғрисида, яъни Темур билан Тўхтамишон ўртасида бўлиб ўтган урушлар тўғрисида ҳикоя қилас экан, Тўхтамишон қўл остида бўлган қўшинни ҳамиша "ўзбек сипоҳи" ("сипоҳи ўзбек"), деб атайди... Юқорида келтирилганлардан кўриниб турибдики, XIV асрнинг II ярмида Даشتி Қипчоқнинг катта қисми, хусусан, Оқ Ўрда ва Шайбон улусида кўчиб юрган

¹ Набиев А. Тарихий үлкашунослик. Тошкент, "Ўқитувчи", 1979, 63-74-б.

турк-мұғул қабилалари ўзбеклар, бу бепоён худуд ўзбеклар виляти, деб атала бошланди. Бундан ўзбеклар Дасти Қипчоқда фақат XIV асрнинг II ярмидан пайдо бўлган, деган хуоса келиб чиқмайди".¹

Ўзбек сўзи Фарғона водийсидаги қипчоқ гурӯҳ шеваларида өзвәк-өзбәк шаклида талаффуз этилади ва содда, тўғри, инсофли одам маъноларида ишлатилади: Мунуц атасы жықа өзвәк; Өзвәклик қып қаған. Қиёсланг, Муҳаммад Солиҳнинг "Шайбонийнома" сида:

Холи анинг ери Туркистондур,
Ўзбак элига муazzам ҳондур.

Ўзбек сўзининг келиб чиқиши ва юритилиши ҳақида проф. Х. Дониёровнинг мақоласида ҳам анча батафсил маълумот берилади. Муаллиф манбаларга суюниб ўзбек атамасининг XI асрда ҳам ишлатилганлигини таъкидлайди. У ёзади: "Ўзбек номининг профессор А. Ю. Якубовский, академик А. А. Асқаров ва бошқа кўпгина тарихчилар айтганидек, фақат XIV ёки XVI асрдан кейин пайдо бўлмасдан, балки анча илгари юзага келганлиги, шунингдек шу билан аталувчи қавмларнинг ҳозирги Ўзбекистон, Ўрта Осиё ва ҳатто араб мамлакатлари териториясида ҳам анча илгаридан бери яшаб келаётганлиигига қўйидаги мисоллар жуда ёрқин далил бўла олади. Масалан, XI асрда Суриядаги яшаган араб тарихчиси Исома ибн Мунқизнинг "Китоб ал эътибор" ("Ибратли китоб") деган асарида ёзилишича, "ўзбек" қавмига мансуб бўлган кишилар ўша вақтдаёқ Арабистонда анча мавқе эгаллаганлар ва европаликларнинг салб юришларида мусулмонлар томонида туриб жанг қилганлар. Исома ибн Мунқизнинг ўзи ҳам шу жангнинг иштирокчиси бўлган: "509 йил (ҳижрий ҳисоби билан — Х. Д.) отам, Тангри уни раҳмат қилин, қўшин билан лашкарбоши Бурсуқ ибн Бурсуқ ҳузурига чиқди. Бурсуқ сultonнинг амири билан урушга отланган эди. У билан кўпчилик халқ бирга бўлиб, бир жамоа амирлар уни кузатиб борар эди, улар орасида қўшин амири (отабеги) Мавсил ҳокими Ўзбек, Ваҳба ҳокими Сунқур Дириз, амир Кунтуғди, Бош Ҳожиб Бектемир Зангий ибн Бурсуқ каби баҳодирлар ҳамда Темирақ, И smoил Бекчи ва бошқа амирлар бор эди... "яна"..."

¹ Аҳмедов Б. Ўзбекларнинг келиб чиқиши тарихидан. Тошкент, 1962, 3 — 6-0.

Бурсуқ унга құшинлар амири Ўзбек бошлиқ уч минг отлиқ аскарни юборди".

Күринадики, ўзбек қавмiga мансуб бўлган кишилар у ерга фақат европаликларга қарши уруш қилиш учун борган эмас, балки аввалдан у ерларда яшаб келган, баъзилари эса кичик бўлса ҳам, ўша срдаги шаҳарларга ҳоким бўлганлар ва уларнинг ихтиёрларида ўз лашкарлари бўлган (айниқса, турк, жамладан, ўзбек аскарлари бошқалар орасида ўзларининг жасурликлари билан машҳур бўлган).

Ўзбек сўзи уруғ, қабила, элат, саҳий, одамохун, дилтортувчи, суюкли маъноларида Лугфий, Атойи, Навоий асарларида ҳам учрайди:

Тузуб ўзбак шилошининг қўйини,
Суپуруб юз била қайсан ўйини.

(Лутфий).

Бу улус то хублар кўрдик эй ўзбеким,
Дилраболиқда сизингдек шўхи
раъно кўрмадук.

(Атойи).

Ўзбаки гулнора тўндун куйдум, аммо ўлтурур,
Лемун терлик аниңг остидаким жонон кияр

(Навоий)

Шоҳу тожу хильятиким, мен томоша қилғали,
Ўзбаким бошида қалпоқ, эгнида ширдоғи бас
Ҳалол она сутидеклур гар ўзбаким тутса,
Табуқ қилиб юкунуб тустиғон ичинда қимиз

(Навоий).

Хуллас, ўзбеклар ўзининг узоқ утмиш тарихига, ёзув маданиятига эга бўлган қадимги халқлардандир. Ўтмишда бу халқ турк, сарт, чигатой ва ўзбек атамалари билан юритилиб келган. Юқоридагилардан маълум бўладики, халқ ва тилнинг номланиш тарихи ўша халқ ва унинг тилининг таркиб топиш жараёни билан доим teng бўлавермайди. Халқ ва тилнинг номланиши унинг келиб чиқиш тарихини белгиламайди.

¹ Дониёрөв X. Ўз тарихимизни биламиزمи? "Гулистон" журнали, 9, 1990, 14-б..

ТУРКИЙ ТИЛЛАР ВА УЛАР ОРАСИДА ЎЗБЕК ТИЛИНИНГ ТУТГАН ЎРНИ

Ўзбек тили туркий тилларга мансуб булиб, олтой назариясига кўра мӯғул, тунгус-манжур, корейс ва япон тиллари билан биргаликда оиласини ташкил қилади.

Шунга кўра туркий тилларнинг, жумладан, ўзбек тилининг тарихи, олтой тилларнинг қадимда бир тил бўлган — олтой давридан бошланади. Олтой бобо тили дастлаб тунгус-манжур ва турк-мӯғул тилларига; турк-мӯғул тили эса турк ва мӯғул тилларига ажралган. Шундан сўнг туркий тиллар тарихида хун даври (милоддан аввалги учинчи асрдан мелодий тўртиччи асрғача) бошланиб, туркий тиллар икки тармоқча — шарқий хун ва ғарбий хун тилларига бўлинади. Туркий тиллар тарихида хун даврининг алоҳида кўрсатилишига ўша даврда Марказий Осиёдан Шарқий Европагача бўлган худудни ишғол қилган хун хонлигининг вужудга келиб, кейинчалик иккига ажралиши асос қилиб олинади.

Сўнгра мелоднинг бешинчи асридан ўнинчи асригача бўлган узоқ вақтни ўз ичига олган турк даври келади. Умумхалқ ўзбек тилининг тарихи олтой давридан бошланса, ўзбек адабий тилининг тарихи ёзма ёдгорликлари маълум бўлган қадимги турк давридан бошланади. Бу даврининг обидалари барча туркий халқлар учун муштаракдир.¹

Ҳозирги ўзбек тили қадимги туркий тилидан ажралиб чиқкан. Туркий тиллар ўртасидаги қариндошлиқ, яқинлик синтактик қурилмаларнинг бирлигига, сўз ўзгартувчи, сўз ясовчи, шакл ясовчи аффиксларнинг ўхшашлигига, товуш тузилиши ва лугат бойлигидаги барқарор, зарурий тушунчаларни билдирадиган сўзларнинг умумийлигига яққол кўринади. Ана шу умумий белгиларга тўғри келмайдиган фонстик, лексик ва қисман грамматик фарқлар тил тарихи тараққиётининг сўнгги давларида пайдо бўлган хусусиятларидир. Ҳозирги туркий тилларнинг ўзига хос хусусиятлари уларнинг мустақил тиллар сифатида тараққий этишидан² далолат беради. Буни қўйидаги схемада кўрамиз:

¹ Абдураҳмонов F. Рустамов A. Қадимги туркий тил. Тошкент, 1982.
² 3-б.

Айрим мисоллар транскрипцияси узгаририлди.

Ўзбек тилида	Урхун — Энасой ёдгорликларида	Үйгүр тилида	Қозоқ тилида	Қарақалпоқ тилида	Киргиз тилида	Тува тилида	Хакас тилида	Туркман тилида
көз (кӯз)	көз	көз	көз	көз	көз	қарақ	харах	гөз
қош	қаш	қаш	қас	қас	қаш	хавақ, кирбии	кәмиска	гаш
Күн	күн	күн; қуяш	күн	күн	күн	хүн	күн	гүн
ер	йәр	йәр	жер	жәр	жер	чөр	чир	йер
көк	көк	көк	көк	көк	көк	көк	көк	көк
қызыл	қызыл	қызыл	қызыл	қызыл	қызыл	кызыл	кызыл	гызыл
кичкина кичик	кичиғ	кичкина қичик	кишкине	кишкине	кичине	биче	кичиғ	кичи
уч	уч	уч	уш	юш	уч	уш	уч	уч
түрт	төрт	төрт	төрт	төрт	төрт	төрт	төрт	дөрт
етти	йәти	йәттә	жети	жети	жети	чеди	чити	йеди
түксөн	тоқуз он	тохсән	тоқсан	тоқсан	тоқсон	тозаң	тогызон	торсан
мен	мән -бән	мәни	мен	мен	мен	мен	мин	мен
сиз, сизлар	сиз	сиз; силар	сиз	сиз	сиз, силер	силер	силер, сирер	сиз
кел (моқ)	кәл	кәл	келү	келинү	келүү			гүлмәк

Ўзбек тили туркий гурухга кирувчи тиллардан бири булиб, ундағы фонетик, морфологик, синтактик, лексик үхашашликлар Марказий Осиёда истиқомат қилувчи уйғур, қозоқ, қорақалпоқ, қирғиз, туркман халқларининг тилларида кўпроқ учрайди. Бу ўзбек халқининг тил жиҳатдан юқоридаги халқлар билан узоқ вақтлардан бўён ижтимоий муносабатда булиб келганлигининг натижасидир. Шунинг учун ҳам маъдум ўзига хосликни ҳисобламаганда, ўзбек, қозоқ, қирғиз, уйғур, қорақалпоқлар бир-бирларини қийналмасдан тушуна олади. Уларнинг яшаш шароитлари, урф-одатлари ва диний эътиқодларида ҳам муштараклик бор. Агар ёқут, тува, хакас тилларини олсак, буларда ўзбек тили билан муштараклик бўлса ҳам, лекин узоқ вақтлардан бери ижтимоий алоқанинг бўлмаганлиги (руслар билан бўлгани), яшаш шароитларининг, тирикчилигининг ҳар хиллиги туфайли тил хусусиятларида фарқлар кўп. Биргина лексикасини олсак, масалан, ёқут тилида чорвачилик бўйича кийик, лос тармоқлари ривожланган. Ана шу соҳага оид сўз-атамалар жуда кўп. Боғдорчилик, пахтачилик, полиз экинларига оид сўз-атамалар йўқ. Ўзбек тилида эса бу соҳага хос сўзлар жуда кўп.

Бундай ўхашашлик ва фарқларни Волгабўйи, Кавказ, Сибирь ва бошқа худудларда яшайдиган туркий халқларнинг тилларида ҳам учратиш мумкин. Туркий тиллар ўртасидаги ўхашаш ва фарқли хусусиятлар фонетика, морфологиядагина эмас, балки лексикада ҳам яқол кўринади. Масалан: ўзбек тилида бошоқ; уйғур тилида баشاқ-машақ; қозоқ, қорақалпоқ тилларида масақ; туркман тилида суммул (ар. сумбула); ёқут тилида куолас (рус, колос) ва ш. к.

Туркий тилли халқлар миқдор жиҳатдан дунёда катта ўрин тутади. Улар:

I. Мустақил давлатларига эга бўлган туркий халқлар: 1) турк, 2) ўзбек, 3) қозоқ, 4) туркман, 5) озарбайжон, 6) қирғиз.

II. Мухтор жумҳуриятлардаги туркий халқлар: 7) қорақалпоқ, 8) татар, 9) бошқирд, 10) тува, 11) чуваш, 12) ёқут.

III. Мухтор вилоятлардаги туркий халқлар: 13) олтой, 14) хакас.

IV. Кўпмиллатли жумҳуриятлар ва мухтор жумҳуриятларда яшовчи туркий халқлар: 15) гагауз (Молдова),

16) қорачой-болқор (Кабардин-Болқор мухтор жумҳурияти ва Қорачой-Черкас мухтор вилояти), 17) қрим-татар (Қрим, Ўзбекистон ва Қозогистон), 18) қумиқ (Дөғистон мухтор жумҳурияти), 19) нүгой (Россия).

V. 20) уйғур (Шарқий Туркистон, шунингдек, Қозогистон ва Ўзбекистонда ҳам яшайди).

Туркий тилда сўзлашувчи яна шундай элатлар мавжудки, уларнинг она тили асосан маший ҳаётда фойдаланилади, ижтимоий вазифаси жуда чегараланган. Улар ўзларининг расмий ёзувларига эга эмас. Зарурат туғилганда, эски алифбодан фойдаланадилар. Бунга караим, шор, чулим тиллари киради. Ушбу тиллар бўйича илмий тадқиқот ишлари олиб борилган.¹

Туркий тилда сўзлашувчи халқлар Афғонистон, Эрон, Хитой, Югославия, Албания, Греция ва бошқа хорижий мамлакатларда ҳам яшайди.

Булардан биргина ўзбекларни олсак, Ўзбекистон жумҳуриятидан бошқа Тожикистон, Қозогистон, Туркманистон, Қирғизистон ва Қорақалпоғистонда ҳам бу тилда сўзлашувчи миллионлаб ўзбеклар истиқомат қиласди.

Ўзбеклар хорижий ўлкалардан Афғонистонда, Хитойнинг уйғурлар яшайдиган вилоятларида, Туркия, Эрон, қисман Германия, Америка ва бошқа жойларда турғун бўлиб қолганлар.

Ўзбек тилининг туркшуносликдаги обрўйи кейинги йилларда ортиб бормоқда. Бу тил ҳозир Американинг кўпгина университетларида, Германия, Туркия, Ҳиндистон ва Афғонистонда алоҳида ўрганилмоқда. Ўзбек тили, унинг тарихи ва мумтоз адабиётимизга оид китоблар, илмий тадқиқотларнинг хорижда нашр қилинишининг ўзиёқ фикримизни тасдиқлайди.

XV аср оламида улуғ мутафаккир шоир, маданият ва давлат арбоби Алишер Навоийнинг машаққатли меҳнати, изланишлари ҳамда Ҳусайн Бойқаронинг хомийлиги туфайли туркий тиллар орасида ўзбек тилининг мавқеи жаҳон миқёсига кўтарилган эди. Ана ўша вақтда адабий тил бўла олади деб амалий ва назарий жиҳатдан исботланган эски ўзбек (туркий) тилимиз бизнинг давримизгача ўзининг асосий фонетик, грамматик қурилиши ва лугат хусусиятларини сақлаган ҳолда етиб келди. Ҳозирги ти-

1

Юқоридаги тасниф Н. А. Басқаков рисоласидан олинди. Қаранг, Алтайская семья языков и ее изучение. М., "Наука", 1981, С. 118-119.

лимиз эски ўзбек адабий тилининг давоми — ўзбек халқининг давлат тили сифатида кенг халқ оммасига хизмат қилиб келмоқда.

ҚАДИМГИ ТУРКИЙ АДАБИЙ ТИЛ

Туркий халқларнинг бизга маълум бўлган энг қадимги ёзма ёдгорликлари эрамизнинг V — X асрларига мансуб бўлиб, туркшуносликда бу даврни қадимги туркий тил деб юритилади. Ёзма ёдгорликлар тили адабий тил меъёрларини белгилашда асос бўла олади. Чунки ёзма тил, маълум даражада, тартибга солинган, меъёrlаштирилган булади. Шунинг учун ҳам ўзбек адабий тилининг тарихи ёзма ёдгорликлари маълум бўлган қадимги турк давридан бошланади.

Шуни таъкидлаш лозимки, энг кўхна ёдгорликлар тили ҳар қандай фикрни ифодалашга қодир, ривожланган, фонетик, грамматик, услубий жиҳатдан мукаммал тил бўлган. Демак, туркий тил бунга қадар ҳам улкан тараққиёт даврини босиб ўтган деган хуносага келиш мумкин. Лекин у даврларга оид ёзма ёдгорликлар сақланмаган.

Қадимги турк даврига мансуб ёдгорликлар турк руний (урхун-энасой), уйтур, монивий, сүфд, брахма, сурсний ёзувларидадир.

ТУРК РУНИЙ ЁЗУВИ ВА УНИНГ ЁДГОРИКЛАРИ

Ҳозирги пайтда "турк руний", "урхун-энасой" атамаси билан юритилувчи ёзув туркий халқларнинг бизга маълум бўлган энг эски хатидир. Турк руний ёдгорликлари XVII асрнинг иккинчи ярмидан маълум бўла бошлаганига қарамай, уларни тўлиқ урганиш ишлари бирмунча кеч — ушбу ёзувни ўқий бошлаганларидан кейин авж олди.

Турк руний ёдгорликларининг энг йириклари турк амалдорлари хотирасига қўйилган қабр тошларидир. Бу хатнинг тошлардан ташқари олтин, кумуш, суюк, ёғоч, сопол буюмларга ёзилган намуналари ҳам бор. Шунингдек, Шарқий Туркистондан қоғозга битилган ёдгорлик ҳам топилган.

¹ Ёдгорликларнинг топилиши ва урганилиши ҳақида қаранг. Айдаров Г. Язык орхонских памятников древнетюркской письменности VIII века. Алма-Ата. 1971 (кириш қисми).

Жуғрофий ўрни, тил ва ёзув хусусиятларига күра руний ёдгорликларини уч гуруҳга ажратиш мумкин:

1. Энасой ёдгорликлари.
2. Талас ёдгорликлари.
3. Урхун ёдгорликлари.

Энасой атрофлари, Тува, Олтой, Хакасия, Красноярск ўлкаларидан топилган битиклар Энасой ёдгорликлари гуруҳига киради. Улар тошларга, қояларга битилган бўлиб орасида танга, металл буюмлар, олтин ва кумушга ёзилганилари ҳам учрайди. Энасой ёдгорликлари у қадар йирик эмас: энг йириклари ўн-ўн беш йўлли, кичиклари — бир, икки, уч йўлли матнлардир. Энасой ёдгорликлари руний битигларининг қадимиylаридан булиб, V — VII юзйилларга тўғри келади. Ҳозирги кунда ушбу ёдгорликлар Қизил, Минусинск, Абакан, Красноярск, Москва, Хельсинки ҳамда Санкт-Петербург музейларида сақланмоқда. Уларнинг ялпи сони 150 га яқинлашади.

Талас ёдгорликлари насбатан оз:ўн икки битиг топилган. Улар асосан қояларга, тош ва таёқчаларга ўйиб ёзилган.

Урхун комплексига кирувчи битиглар турк руний ёдгорликларининг энг йириклиридан. Улар VII — VIII асрларга мансуб булиб, Урхун ва Селенга дарёлари яқиндан топилган. Қутлуг хоқон (Унгин), Билга хоқон, Култигин, Тўнюқуқ, Куличур, Мўюнчур битигтошлари шулар жумласидандир. Ушбу битигтошлар машҳур турк хоқон ва амалдорлари шарафига ўрнатилган. Улар туркий ёзма адабиётнинг илк намуналари, шу билан бирга, амалдорлар билан боғлиқ тарихий воқеаларни баён қилувчи йирик ҳажмли тарихий-бадиий асарлардир. Характерли томони шундаки, ёдномаларда тарихий фактлар тўғридан-тугри санаб ўтилмайди, балки бадиий усуlda ҳикоя қилинади. Улар бадиий тасвир воситаларига бой. Буни қуйидаги мисоллардан ҳам кузатса бўлади:

Ол сабыг эшидип тун удысықым кәлмәди, кунтуз олурсықым кәлмәди — Ўша гапни эшишиб, тун ухлагим келмади, кундуз ўтиргим келмади (Тўн. 12); Йиқа иркилиг топулғалы учуз эрмиши, йинчга иркилиг үзгэли учуз, йўйқа қалын болсар, топулғулук алп эрмиши, йинчга ўған болсар, үзгүлук алп эрмиш — Юлқа йигин тор-мор қилишига осон эмиш, ингичка йигин узишга осон. Юлқа қалин бўлса, тор-мор қиладиган баҳодир эмиш, ингичка йуғон бўлса, узадиган баҳодир эмиш (Тўн. 13—14); Тәңри

күч бәртүк үчүн қаңым қаған сүси бөри-тәг әрмис, үағысы қон-тәг әрмис — Тангри күч бергани учун отам хоқоннинг лашкари бўридай экан, душмани қўйдай экан (КТу, 12); Қамуғы бәш отуз сүләдимиз, уч йигирми сүнгидимиз, аллигиг элсирэтдимиз, қаганлығы қаган-сыратдымыз, тизлигиг сөқуртимиз, башлығы үйқунтүртимиз — Ҳаммаси бўлиб йигирма беш (марта) лашкар тортдик, ўн уч марта жанг қилдик. Давлатлини давлатсизлантирилди, хоқонлини хоқонсизлантирилди, тиззаси борни чўқкалатдик, боши борни таъзим эттирилди (КТу, 18); *Иним Култигин кәргәк болты, өзум сақынтым: көрүр көзүм көрмәз-тәг, билир билигим билмәз-тәг болты* — Иним Култигин вафот этди, ўзим алам чекдим: кўрар кўзим кўрмәётгандай, билар ақлим билмаётгандай бўлди (яъни эс-ҳушимдан ажралдим) (КТу, 50).

Битигларда туркий қавмларнинг душманга қарши мустақиллик учун олиб борган кураши ўз ифодасини топган. Бинобарин, ёдномаларнинг муҳим фояси ҳам туркий қавмларни бирлаштириш, душманга қарши курашдир.

Ёдномаларда мадҳ этилган саркардалар халқ мустақиллиги учун курашадилар, уни ташки душмандан ҳимоя қиласадилар. Улар халқ ижодига хос руҳда тасвиранади. Қаҳрамонларнинг мардлиги оғиздан-оғизга кўчиб юрган. Булар таъсирида оғзаки ижод намуналари ҳам юзага келгани эҳтимолдан холи эмас. Шу боисдан бўлса керак, тадқиқотчилар ҳозирги туркий халқлар орасидаги айрим достонларнинг илдизларини ўша даврларга боғлаб, урхун ёдномалари билан улар орасида яқинлик қидирадилар.

Урхун ёдномалари қадимги туркларнинг бадий ижоди намунаси сифатида катта ўрин тутади. Улар адабиёт тарихини ўрганиш учун муҳим манбадир.

Яна бир муҳим томони ёдномаларда туркларнинг VI — VIII юз йилликлар оралигидаги тарихи, ижтимоий ҳаёти, қўшни халқлар билан муносабати, жангу жадаллари ҳақида аниқ маълумотлар бор. Шу жиҳатдан ёдномаларни қадимги туркларнинг тарихий хроникаси дейиш мумкин. Улардаги маълумотлар тарихчилар учун ҳам қимматлидир.

Ёдномаларни битувчилар, албатта, оддий кишилардан бўлмаган. Бу ишларни ўта билимли, шоиртабиат, ўз даврининг фозил кишилари бажарган.

Ана шундай ёдномалардан бири иккинчи турк хоқонлигига асос соглан Элтарис (Қутлуғ) хоқоннинг маслаҳатчиси ва саркарда Тўнюқуқча аatab тахминан 712—716

йилларда ўрнатылған битигтошдир. Тұньюқуқ ушбу битигни тирикlig өзінде 62 сатрдан иборат матн иккита тош устунга үйиб өзилганды. Үнда саркарда Тұньюқуқнинг үзи қатнашған тарихий воқеалар ҳикоя қилинады. Едномада өзилишича, Тұньюқуқ табғач давлатида таҳсил олды. Хитой манбаларыда у Ашиде Юанчжен деб юритилған, Тұньюқуқ исмени эса кейинчалик олған.

Едномалардан энг йириги 732 йилда Күлтигин шарасындағы құйилған ёдгорликтердің Баландлигінде метрдан ортиқроқ бұлған тошнинг юз томонига 40 сатр, үнг ва чап томонларыда 13 сатрдан, тарошланған ён қирраларында 4 та туркій өзув битилған. 13 сатрлы матнни кичик битиг, 40 сатрлесини эса улуғ битиг деб атайдылар. Битигнинг орқа томонига хитой тилемде уннан ўрнатылыш тарихи ва яна 14 сатр хитойча өзув битилған. Хитойча битигнинг ёнида ҳам икки сатр түркча битиг бор.

Ёдгорликта қайд этилишича, уни табғач хоқонининг саройидан чақыртирилған наққош ишлаган. Битигтош маҳсус зиёратгоҳға ўрнатылған бұлғын, атрофи сайргоҳ бұлған. Бу ҳақда битигда шундай маълумот бор: Анар адынчығ барақ йаратурттым, ичин ташын, адынчығ бәдиз уртурутум, таш тоқытдым, көңүлтәки сабымын ол... [он оқ оғлын] а татыңа тәғи буны көрү билиң! Бәңгү таш тоқытдым, б [у әриг] әрсәр мат, қа әриг йәртә әрсәр! анча әриг йәртә бәңгү таш тоқытдым, битидим... (Унга маҳсус зиёратгоҳ яраттирдим. Ичи тошига маҳсус нақш солдирдим, тош ўрнаттирдим, күнгилдаги сұзларимни ул... [үн үқ авлоди] га, тотгача буни күриб, билиң! Мангу тош ўрнаттирдим. Бу сайргоҳ бұлғач, мақбара сайргоҳ ерда бўлса! Шундай сайргоҳ ерда мангутош ўрнатдим, [битиг] битидим). (КТк, 12—13).

Кичик битигда уннан ўрнатылыш сабаби баён этилади. Улуғ битигда түркларнинг узоқ үтмиши, мустақиллік учун олиб борған қураши ҳикоя қилинады. Муаллиф үтмишни әслаш билан түрк давлати ва уннан мустақиллігини сақлаб қолишига чақиради. Асар мазмунини марказлашған давлатни мустаҳкамлаш, халқларни бирлаштиришга чақириқ ташкыл этиади. Эътибор берилса, Күлтигин ёдномасидаги бир ўрин Үнгин ёдгорлигидегі ҳам, Билга хоқон битигида ҳам шунга яқын мазмунда тақрорланады. Бу эса ёдномаларнинг ғоявий жиҳатдан үзаро яқинлигини күрсатади.

Ёдномада Култигиннинг фаолияти, душман билан бўлган курашлар бирин-кетин ҳикоя қилинади. Матн сўнгидаги Култигин ўлимининг санаси қайд этилган: Култигин қон йылқа йётийигирмике учды, тоқузынч ай йёти отузқа йоғ эртүртимиз. Барқын бәдизин битигташ [ын] бичин йылқа йётинч ай йёти отузқа қоп алқды (м) ўз (Култигин қўй йилида, ўн еттинчи [кун] да учди (ўлди). Тўқизинчи ой [нинг] йигирма еттисида азасини ўтказдик. Биносини, нақшини, битигтошини маймун йилида, еттинчи ой [нинг] йигирма еттисида бутунлай тугатдик (КТу, 53).

Битигнинг муаллифи Йўллуғ тигиндир.

Култигин битигтошидан унча узоқ бўлмаган ерда унинг акаси Билга хоқон (Мўғилон) шарафига қўйилган ёдгорлик бор. Билга хоқон 683 йилда туғилиб, 734 йилда вафот этган. Битигтош унинг ўлимидан бир йил кейин қўйилган. У 80 сатрдан иборат бўлиб, қариндоши Йўллуғ тигин томонидан ёзилган. Бу ҳақда ёдгорликда шундай қайд этилади: Билга қаған б(итигин) Йоллуғ тэгин битидим, бунча барқығ бәдизиг узуғ... қаған атыси Йоллуғ тэгин мэн ай артуқы төрт кун олуроп битидим, бәдизтим (Билга хоқон битигини Йўллуғ тигин ёздим. Бундай иморатни, нақшни, санъатни... хоқон биродарзодаси Йўллуғ тигин мен бир ою тўрт кун ўтириб ёздим, нақшладим) (БХ, 1).

Унгин (такхминан 731 й.), Куличур (такхминан 721), Мўюнчур (такхминан 759 й.) номлари билан юритиладиган битигтошлар ҳам ана шундай йирик ёдгорликлар бўлиб, тарихий ва адабий манба сифатида жуда қадрлидир.

УЙФУР ЁЗУВИ ВА УНИНГ ЁДГОРЛИКЛАРИ

Қадимда туркий халқлар қўллаган алифболардан яна бири ҳозир фанда "уйфур ёзуви" деб юритилади. Ушбу ёзув эрамизнинг VI — VIIaslariida сүғд хати негизида шаклланди ва узоқ асрлар мобайнинда туркларнинг асосий ёзувларидан бири бўлиб келди. Маҳмуд Кошгари ўзининг "Девону луғатит турк" асарида уни "турк ёзуви" деб атайди ва унинг қадимиyllигини таъкидлаб ёзади: "Барча хоқонлар ва сultonларнинг китоблари, ёзувлари қадимги замонлардан шу кунгача, Қашқардан Чингача — ҳамма турк шўҳарларида шу ёзув билан юритилган" (1, 50).

Маълумки, 960 йилда қорахонийлар давлатида ислом расман қабул қилинди. Шу муносабат билан араб ёзуви

ҳам оммалашди. Ана шу кезлардан бошлаб турклар ҳар икки ёзувни қўлладилар. Уйғур хати кейинчалик ҳам турк дунёсида шуҳрат топди. XIII асрда ундан мўғул кати, мўғул хатидан эса манжур ёзуви ажраб чиқди. Олтин Ўрда давлатида уйғур хатига эътибор кучли бўлган. Темурийлар ҳам ўзларининг давлат ишларида мазкур ёзувни кенг қўлладилар. Айниқса, XIV — XV аср Мовароунаҳр ва Хурросон маданий муҳитида ушбу ёзувнинг ўрни катта бўлди.

Уйғур ёзуви Ўрта Осиёning туркий халқлари орасида XV аср охирларига қадар араб хати билан ёнма-ён қўлланилди. Кейинги асрдан бошлаб унинг ўрнини тамоман араб ёзуви эгаллади. Ислом таъсири ҳали тўла етиб бормаган шароитда Турфондаги будда ибодатхоналарида XVII асрда ҳам ундан фойдаландилар.

Кўринадики, руний хатидаги ёдгорликлар қадимги турк давригагина мансуб бўлса, бизгача сақланиб қолган уйғур ёзувли ёдгорликларнинг даври бирмунча кенг: улар қадимги туркий (V—X асрлар), эски туркий (XI—XIV) ва ҳатто эски ўзбек тили (XV) даврларига мансуб.

Уйғур хатидаги ёдгорликларнинг энг қадимилари VI—X асрларга мансуб. Бу даврга оид жуда кўп ёзма ёдгорликлар маълум. Айниқса, улар орасида Шарқий турк маданий муҳитида яратилган обидаларнинг ўрни катта. Маълумки, VIII асрнинг иккинчи ярмида иккинчи турк хоқонлигининг емирилиши натижасида маркази аввал Қорақурум, кейинроқ Турфонда бўлган уйғур хоқонлифи ташкил топди. Энди туркий адабиёт ва маданиятнинг маркази ҳам шу ерга кўчди. Шарқий туркларда Энасой туркларидан фарқли ҳолда монивийлик, буддизм ва қисман христианликка ҳам амал қилинди. Бу, ўз навбатида, таржима адабиётнинг ривожланувига йўл очиб берди. Турклар билан қўшни яшаган халқлар тилидан ана шу диний қараашларни акс эттирувчи асарлар таржима қилина бошлади. Будда, монивий диний гояларини туркларга сингдиришда бундай таржималар қулай восита сифатида кенг тарқалди.

Уйғур хатидаги қадимги турк даврига оид диний-фалсафий асарлар уч гуруҳга бўлинади: будда, монивий ва христиан ёдгорликлари. Улар орасида энг кўп тарқалгани будда ёдгорликларидир.

Будда ёдгорликларидан бири санскритча "Суварнапрабхаса" асарининг хитойча вариантидан қадимги туркий

тилга қилинган таржимадир. Унинг туркча номи "Алтун өңүлгү йаруқ йалтырьлыг қопда көтрүлмүш ном элиги" ("Олтин рангли нур товланадиган, ҳаммадан буюк бүлган китоб тождори") бўлиб туркшунослигимизда қисқача "Олтун ёруқ" дейилади. Мазкур асарни X асрда Бешбалиқда яшаган Сингқу Сели тутунг хитой тилидан таржима қилган. "Олтун ёруқ" нинг ўнга яқин қўлёзмаси маълум. Бошқаларига нисбатан тўлиқ бўлган бир қўлёзмаси XVII аср охирларида кўчирилган бўлиб, ҳозир Россия ФА Шарқшунослик институтининг Санкт-Петербург бўлимида сақланмоқда. Уни С. Е. Малов 1910 йилда Шарқий Туркистонга экспедицияси чоғида олиб келган. Мана шу қўлёзмани В. В. Радлов ва С. Е. Малов нашр эттирилар. F. Абдураҳмонов ва А. Рустамов ҳам ўзларининг "Қадимги туркй тил" китобига ушбу асарнинг бир бўлагини киритдилар.

Будда адабиётининг нодир ёдгорликларидан яна бири "Майтри симит" ("Майтри симит ном битиг") деб юритилади. *Майтри* — бўлғуси будда, *симит* — учрашув, яъни "Майтри билан учрашув" деган маънени беради. Ушбу асарнинг ҳам бир қанча қўлёзмаси маълум. Уларнинг энг мукаммали 1959 йилда Қумул яқинидан топилган (Шарқий Туркистон).

"Майтри симит" асли анаткак (санскрит) тилидаги асар бўлиб, анаткак тилидан тўхри тили (эроний тиллардан бири)га, ундан эса Партанаракшит исмли шахс қадимги туркй тилга ўтирган. Бу ҳақда асарнинг ўзида ҳам маълумот берилади. Лекин асар қачон туркй тилга таржима қилинганилиги маълум эмас. Шунингдек, Қумул қўлёзмасининг кўчирилиш санаси ҳам бирон ўринда қайд этилмаган. Ҳар икки масала юзасидан бир қанча фикрлар билдирилган: баъзи олимлар маълум белгилари асосида асар туркй тилга VIII—IX асрлар оралиғида таржима қилинган деса, бошқа бирлари X, ҳатто XI асрга ҳам нисбат берадилар.

Асар тилининг урхун-энасой ёдгорликлари тилига яқинлиги мазкур ёдгорлик туркй тилга таҳминан IX асрда таржима қилинган дейишга имкон беради. Қумул қўлёзмасининг хати ҳам кўхна ёзув туридадир. Мазкур қўлёзма китобни туркларнинг ажойиб ва нодир ёдгорлиги деса бўлади.

"Майтри симит" қадимги туркй адабиётининг илк драматик асаридир. У 27 бўлимдан иборат бўлиб, ҳар

қайсисида дастлаб воқеа ўрни тасвирланади. Шундан сұнг қаҳрамонлар суҳбати диалог шаклида берилади.

Немис олимаси А. Ф. Габен 1957, 1961 йилларда ушбу асарнинг маълум қисми фотосини нашр эттирган. Шинжон ҳалқ нашриёти (Урумчи) эса 1988 йилда Қумул қўләзмасининг маълум қисмини чоп этди. Будда ёдгорликлари орасида Турфондан топилган "Секиз юкмак", "Тишаствистик" сутраси, "Шаҳзодалар Қалянамқара ва Папамқара ҳақида қисса" ва будда афсоналаридан парчалар ҳам бор.

Монивий ёдгорликларига мисол қилиб "Хуастуанифт" ("Монивийларнинг тавбаномаси") асарини кўрсатиш мумкин. "Хуастуанифт"нинг уч қўләзмаси маълум: Турфон яқинидаги Остона деган жойдан топилган Санкт-Петербург қўләзмаси уйғур ёзувида. Турфондан ҳамда Минг будда горидан топилган Берлинда ва Лондонда сақланаётган қўләзмалари эса монивий хатидадир. Асарнинг чет элдаги қўләзмалари А. Лекок томонидан немис ва инглиз тилларида, уйғур ёзуви нусхаси В. В. Радлов томонидан немис тилидаги таржимаси билан нашр этилган. 1963 йилда Л. В. Дмитриева ҳар учала қўләзмаси асосидаги матнини рус тилига таржимаси ва изоҳлари билан нашр этириди.

Асар дастлаб қадимги эроний тиллардан бирида яратилган бўлиб, кейин қадимги туркий тилга ўгирилган. Лекин қачон таржима этилганлиги маълум эмас. В. В. Радлов айрим белгиларига асосланиб, таржима У асрга мансуб дейди. С. Е. Малов ҳам унинг араб истилосигача таржима этилганлигини тан олган эди. Асар тилининг урхун-энсой ёдгорликлари тилига яқинлиги унинг қадимги турк даврида таржима қилинганлигини кўрсатади.

Қадимги турклар орасида қисман насторийлик (христианлик) ҳам ёйилган. Лекин туркий тилда насторийликка мансуб ёдгорликлар жуда кам. Уларга мисол қилиб, "Христианликнинг сигиниш битиги"ни кўрсатиш мумкин.

ҚАДИМГИ ТУРКИЙ АДАБИЙ ТИЛ ФОНЕТИКАСИ ВОКАЛИЗМ

Ёзма ёдгорликлар қадимги туркий тилда саккиста унли товуш мавжуд бўлганлигини кўрсатади: *a, ə, ы, ү, о, ө, у, ү*. Бу унлилар ҳосил бўлиш ўрнига кўра иккига бўлинади:

Орқа қатор унлилар: *a*, *ы*, *о*, *у*.

Олд қатор унлилар: *ә*, *и*, *ө*, *ү*.

Лабларнинг иштирокига кўра ҳам икки хил:

Лабланмаган унлилар: *a*, *ә*, *ы*, *и*.

Лабланган унлилар: *о*, *ө*, *у*, *ү*.

Қадимги туркий тилда сўзлар ҳам, морфемалар ҳам қаттиқ ва юмшоқ турларга бўлинади. Қаттиқ ўзакли сўз ва шакллар фақат орқа қатор унлилар ва ундошларнинг қаттиқ талаффуз этилувчи вариантларидан тузилган бўлади. Юмшоқ ўзакли сўз ва шакллар эса олд қатор унлилар ва ундошларнинг юмшоқ талаффузли вариантларидан тузилади.

Ҳозирги ўзбек адабий тилидаги *а* унлиси ёдгорликлар тилида икки мустақил товуш: орқа қатор *а* ва олд қатор *ә* сифатида фарқланади. Орқа қатор *а* унлиси қаттиқ морфемаларда, *ә* эса юмшоқларида келади:

аб "ов", *ат* "от", *ал-* "ол"-

әб "уй", *әт* "эт, гўшт", *әл* "қўл"

ы билан *и* ҳам мустақил товушдир. Биринчиси қаттиқ морфемаларда, кейингиси юмшоқларида келади:

йығ-"ийғ"-, *тық-*"тиқ"-

йиг "яхши", *тиқ-*"тиқ"-

Қадимги туркий тилда лабланган орқа қатор *о* лабланган олд қатор *ө* га қарама-қарши қўйилади:

от "олов", *тор* "тузоқ" бол-(быть), *ол* "у"

өт "дори", *төр* "йининг тўри", *బөл-*(делить) *өл-*"ўл"-

Ёдгорликлар тилида у билан *ү* ҳам мустақил товушлардир: *уч* "тугаш жой", *туз* "ош тузи"

уч "З", *туз* "тўгри, чин".

Қадимги туркий тилда бирламчи чўзиқ унлилар ҳам фарқланган. Бундай чўзиқлик турк руний хатида маҳсус усул билан, уйғур ва монивий ёзувларида эса ҳарфларни иккилантириш йўли билан ифода этилган. Жумладан, урхун-энасой ёдгорликларида қўйидаги сўзларда чўзиқликни учратамиш: *а:т* "исм, от", *а:чсық* "оч", *а:рқада* "орқада"; *ба:й* "бой", *йа:ш*"ёш", *та:ш* "ташқи" ва б. Уйғур ёзувли ёдгорликларда: *ө:ч* "уч, қасос", *о:т* "олов" *йи:л* "ел, шамол" ва б. Мазкур чўзиқлик мустақил эмас, балки қисқа унлиларнинг фонетик вариантидир деб қараш тўгрироқ бўлади.

КОНСОНАНТИЗМ

Урхун-энасой ёдгорликлари тилида жарангиз *n*, *m*, *s*, *и*, *ч*, *к* ундошлари, жарангли *b*, *d*, *з*, *ғ*, *г* ундошлари, *m*, *н~ñ*, *ң*, *p*, *л*, *й* сонорлари фарқланган. Уйгур ёзувли ёдгорликлар тилида эса *ө*, ўзлашган сўзлар таркибида *х*, *ж*, *ф* лар ҳам учрайди.

Қадимги туркий тилнинг қўйидаги хусусиятлари мавжуд. Жумладан, сўз бошида *м* билан бир қаторда б ҳам кела олган. Бу хусусият ёдгорликларга қараб бир-биридан фарқ қилган: руний битигларида *б* (бән, бүн, биң), уйгур ёзувли ёдгорликларда *м* келган (мән, мүң, миң). Ҳар икки гуруҳ ёдгорликларнинг бир-биридан айириб турувчи яна бир хусусияти бор: урхун-энасой ёдгорликларидан олинган қўйидаги мисолларни кузатинг: *табғач*, *табар*, *әб*, *суб*, *саб*, *чаб*. Бу сўзлардаги *б* ўрнида уйгур ёзувли ёдгорликларда *в* келган: *тавғач*, *тавар*, *сув*, *сав*, *чав* каби.

Қадимги туркий тилда *д*-лашиш кучли: *бод* "бўй", *қод*"қўй"-, *тод*"тўй"-, *ыд*- "юбор", *әдег* "эзгу", *қадғу* "қайғу"; *адғыр* "айғир", *адақ* "оёқ" ва б. Ўша даврда *д* билан келган сўзлар ҳозирги ўзбек тилида *й*, *з*, *ғ* га айланган: *қадғу* > *қайғу*, *тод*->*тўй*; *әдгу* > *эзгу*; *иди* > *иїә* >*эга*. Баъзан ҳозирги тилимизда қадимги *д* нинг қолдиқлари ҳам учрайди: *қудук*, *идиши*.

Урхун ёдгорликлари тилида назаллашган һ ҳам учрайди: *қоń* "қўй", *чығай* "камбағал".

Урхун-энасой ёдгорликларида *х* йўқ; унинг ўрнида қ келади: *қаган* "хоқон", *қалық* "осмон", *қалы* "агар", *қатун* "хотин" каби.

УНДОШЛАРДАГИ ЮМШОҚЛИҚ ВА ҚАТТИҚЛИҚ

Ёзма ёдгорликлар тилида олд қатор унлилар билан ёндош келган ундошлар уйғунлик қонунига мувофиқ уларга мослашиб юмшоқ талаффуз этилади. Жумладан, *билиг*, *көнгүл*, *тәңри* каби сўзларда олд қатор унлилар таъсирида ундошлар ҳам юмшоқ (*б'*, *л'*, *ғ'*, *к'*, *ң'*, *т'*, *р'*) талаффуз этилади. Йол, *қаган*, *ат* каби сўзларда орқа қатор унлилар билан фақат қаттиқ ундошлар (*й*, *л*, *ғ*, *ғ*, *и*, *т*) келади. Маълумки, *к*, *ғ* фақат қаттиқ сўз ва шаклларда, *к*, *ғ* эса юмшоқларида келади. Лекин қолган ундошларни ҳам қўйидаги юмшоқ ва қаттиқ вариантларга ажратиш мумкин: *б—б'*, *д—д'*, *й—й'*, *л—л'*, *и—и'*, *т—т'*, *ң—ң'* ва б.

Руний хатида туркий тилнинг ана шу хусусияти жуда уйлаб ҳисобга олинган эди. Бу ёзувда бир қатор ундошларнинг юмшоқ ва қаттиқ варианatlарига алоҳида-алоҳида ҳарфлар бор. Уйғур ёзувидаги ундаи эмас. Бир ҳарф товушнинг ҳар икки вариантини ифода этавсрган.

СИНГАРМОНИЗМ

Сингармонизм деб сўздаги товушларнинг бир-бирига ҳамда қўшимчаларнинг талаффузига кўра мослашувига айтилади. Ёдгорликлар тилида сингармонизмнинг қўйидаги турлари кузатилади:

1. **Унлилар уйғунлиги.** Бу қонун икки хил:

1) Танглай уйғунлиги: сўздаги товушларнинг бир-бирига ва қўшимчаларнинг ўзакка қаторда ва қалин-ингичкаликда мослашуви. Мазкур қонунга кўра ўзак-негизга қўшиладиган аффикслар ҳам фонетик варианtlардан иборат бўлади:

қапығ "эшик", билиғ "билим"
қағанқа "хоқонга" ёбкә "уйга"
оғузғару "ўғузга" илгару "олдинга"

2. Лаб уйғунлиги: биринчи бўғиндаги унлига кейинги бўғиндаги унлиниң ёки ўзакнинг охирги бўғинидаги унлига қўшимчадаги унлиниң лабланиш жиҳатдан мослашуви:

әлимиз "давлатимиз" сўмуз "лашкаримиз"
атым "отим" бодунум "халқим"

Бу қонунга кўра ҳам бир қатор аффиксларнинг лабланган унлили ва лабланмаган унлили варианtlари бўлган. Жумладан; қаратқиу аффикси -ның, -ниң нинг -нуң, -нуң варианти, сифат ясовчи -лығ, -лиғ аффиксининг -луғ, -луг варианти ҳам бор.

II. Ундошлардаги жаранглилик ва жарангисизлик уйғунлиги. Мазкур қонунга мувофиқ ўзак-негиз жарангисиз ундош билан тугаса, қўшимчанинг биринчи товуши ҳам шунга мослашади, яъни жарангисиз ундошли бўлади: отқа "оловга", тиләккә "тилакка". Ўзак-негиз унли товуш, жарангли ёки сонор билан тугаган бўлса, унда аффикснинг жарангли ундош билан бошланувчи варианти қўшилади: йулғуч "омбир", бардуқ "борган".

Қадимги туркий тилда ўзак-негиз унли, жарангли ёки сонор билан тугаган ҳолда ҳам қўшимчанинг фақат

жарангсиз ундошли варианти қўшилиши мумкин. Жумладан, урхун ёдномаларида жуналиш келишиги аффикснинг -қа, -кә вариантигина қўлланилган. Ўзак-негиз охирги товуши қандай булишидан қатъи назар шу варианти қўшилган; *тағқа* "тотга", *қапығқа* "эшикка", *йәрқа* "срға", *өғузқа* "дарёга" ва б. Бу хусусият эски туркий тил даврида ҳам қисман давом этган. Жумладан, эски туркий тилнинг "Кутадғу билиг", "Девону луғатит турк" каби ёдгорликларида ҳам бу шакл устун. Шу билан бирга унинг -ға, -ғә варианти ҳам учрайди. Кўринадики, жаранглилик ва жарангсизлик уйғунилиги кейинчалик кенгроқ амал қила бошлаган.

Жаранглилик ва жарангсизлик уйғунилиги қонуни асосида аффиксларнинг жарангли ундош билан бошланувчи ҳамда жарангсиз ундош билан бошланувчи вариантлари бўлган. Жумладан, сифатдошнинг -дуқ, -дук // -туқ, -туқ; -дачы, -дәчи // -тачы, -тәчи, равишдошнинг -ғалы, -ғәли // -қалы, -қәли аффиксли вариантлари қўлланилган ва б.

ҚАДИМГИ ТУРКИЙ АДАБИЙ ТИЛИНИНГ МОРФОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ

Қадимги туркий адабий тили морфем тузилишининг ҳозирги ўзбек адабий тили билан мос келувчи ва фарқ қилувчи томонлари бор. Баъзи шакллар истеъмолдан чиққан бўлса, баъзиларининг вазифаси ўзгарган. Айримлари турли фонетик ўзгаришларда ҳозирги тилимизда ҳам учрайди. Қадимги туркий тилда мавжуд бўлиб, ҳозирги ўзбек адабий тилида сақланмаган, лекин умумхалқ тилида ёки бошқа туркий тилларда учрайдиганлари ҳам бор. Қадимги туркийда фаол саналган айрим шакллар ҳозирги ўзбек тилида қолдиқ сифатида ҳам учраши мумкин.

Маълумки, давр ўтиши билан морфемалар маъно ўзгаришига учраши мумкин; сўз-морфема ҳам, аффикс-морфема ҳам ўз маъносини йўқотади. Яъни улардан бири истеъмолдан чиқади. Шунда тарихан мустақил морфемалар бир сўзга айланиб, ҳозирги пайтда маъноли қисмларга бўлинмайдиган бўлиб қолади. Жумладан, ҳозирги бошла, ишила сўзларини биз осонлик билан икки морфемага ажратади. Улар қадимда ҳам шундай бўлинган: *баш-ла*, *иш-ла*. Лекин ула сўзи ҳозирги тилимизда иккига ажралмайди. Қадимги туркий тилда эса икки морфемага бўлинган: *у — боғ*, *-ла — феъл ясовчи*. Ҳозирги тилимизда

бир булак сифатида қарайдиган алда сүзи ҳам қадимги туркий тилда икки: ўзак (ал—җийла) ва аффикс (да—фесьл ясовчи) морфемаларга ажралади. Биз құллайдиган қишин-ёзиндаги -ин ҳозирги тилимиз учун мавхумдир. Шунинг учун биз ҳозирги тилимиз меъёрига биноан уларни морфемаларга бўла олмаймиз. Лекин тарихан -ин восита келишигининг кўрсаткичи бўлган ва шунга биноан морфема ҳисобланган: қышын, йазын. Ҳозирги тилимизда восита келишиги ўринини кўмакчилар эгаллаган. Шунинг учун бу сўзларни ҳозирги тилимизга қиши билан, ёзи билан деб ўғирамиз. Ҳозирги илгари, ташқари, юқори сўзларимиз ҳам тарихан икки морфемага бўлинган: илгәру, таш-қару, йук-(қ) ару. Ушбу мисоллардаги -қару, гәру жўналиш аффиксининг тарихий шаклидир.

Ёдгорликларни кузатар эканмиз апасы, элчиси сўзларини қуйидаги тартибда морфемаларга бўла оламиз: ана-сы, эл-чи-си. Чунки ана, элчи сўзларининг маъноси маълум. Энди усы сўзи биз учун бир оз мураккаб, чунки у ҳозирги тилимизда учрамайди. Қадимги туркий тилда бу сўз "уйқу" маъносини англатган. Шунинг учун усы сўзи тарихан икки морфемага ажралган: у-сы "уйқуси. Оғулиқа даги -қа жўналиш келишиги кўрсаткичи. ықа даги -қа ҳам худди шу аффикснинг ўзи. Сабаби ы қадимги туркийда "ут, ўсимлик" маъносини билдирган (ықа—утга).

Демак, ёдгорликлар тилини морфологик таҳлил этганда ҳозирги тил нуқтаи назаридан эмас, балки морфемаларнинг ўша даврдаги ҳолатидан келиб чиқиб бўлакларга ажратмоғимиз лозим.

Муҳим томони яна шундаки, қадимги туркий тил морфемалари ҳозирги адабий тилимиздагидан фонстик вариантларининг борлиги билан фарқланади. Ҳозирги адабий тилимизда кўпроқ морфологик принципга амал қилинса, ўтмишда фонетик принцип устун бўлган. Яъни талаффуз қандай бўлса, ёзувда ҳам кўпроқ шунга амал қилинган ва бу адабий тил меъёри ҳисобланган.

Энди қадимги туркий адабий тилининг сўз туркумларига хос муҳим хусусиятларни қўриб чиқамиз.

ОТГА ХОС ХУСУСИЯТЛАР

Кўплик. Қадимги туркий тилда кўпликнинг асосий ва кенг қўлланилган қўшимчаси -лар, -лэр дир: атлар

"отлар", бәгләр "беклар", әрләр "эрлар", күдәсүләр "куёвлар".

Бундан ташқари қўпликнинг бошқа кўрсаткичлари ҳам бўлган. Жумладан, -ан, -эн: оғул—оғлан, әр—әрән. -т аффикси: тәгин (шаҳзода)—тәгит (шаҳзодалар), тарқан (тархон)—тарқат (тархонлар).

Қадимда биз, сиз сўзларидағи з қўпликни англатган деган факрлар бор (би—мен, си—сен сўзларидан). Шунингдек, мазкур аффикс тарихан иккиликни ҳам англатган дейиш мумкин: мөңуз "шоҳ", көкүз "кўкрак", мәңиз "юз", икиз "эгизак".

Келишик. Қадимги туркий тилда келишиклар еттига:

1. Бош к.—
2. Қаратқич к. -ның, -ниң // -нүң, нүң; -ың, -иң// -уң, уң.
3. Жўналиш к. -қа, -қә // -ға, -ғә; -ғару, -ғару // -қару, -қару; -а, -ә; -ру, -рү; -ра, -рә.
4. Тушум к. -н; -ны, -ни; -ы, -и; -ғ, -ғ (-ығ, -иғ // -уғ, -уғ).
5. Ўрин-пайт к. -та, -тә // -да, -дә.
6. Чиқиш к. -дын, -дин // -тын, -тин; -дан, -дән // -тан, -тән, -да, -дә // -та, -тә.
7. Восита к. -н (-ын, -ин // -ун, -ун).

Жадвалдан қўринадики, қаратқич қўшимчаси -ның, -ниң; -ың, -иң, шунингдек, ўзак-негизнинг охириги бўгинида лабланган унли бўлган тақдирда ана шуларнинг -нуң, -нүң; -уң, -үң варианти қўшилган.

Қадимги туркий тилда жўналиш келишигининг кўрсаткичи бир қанча бўлган. Урхун ёдгорликларида жўналишнинг -ға варианти ўрнида ҳам -қа, -қә қўлланилган: тағқа "тоғга", қапығқа "қопиққа", йәрқә "ерга", өғүзқә "дарёга", Жўналишнинг -ға, -ғә шакли энасой ёдгорликларидагина қўлланилган: қунчуйымға "бекачимга", эдгүгэ "эзгуга". Тарькидлаш лозимки, қадимги туркийда -қа, -қә устун эди.

Ёдгорликларда жўналишнинг -ғару, -ғару // -қару, -қару (-қа + - ру) қўшимчаси ҳам қўлланилган: оғузғару "үгизга", йоқ (қ) ару "юқорига", илғару "илгарига", эбгәрү "уйга".

-а (-йа), -ә (-йә) аффикси: бодунума "халқимга", қаныңа "хонингга", инимә "инимга", биршиә "ўнгга", йырайа "сўлга".

-*ру*, -*ру* күрсаткичи: *аңару* "унга қараб". -*ра*, -*ре*: *ташра* "сиртга", *ицрә* "ичга".

Қадимги, қисман әски туркий тилга ҳос бўлган -*ғару*, -*ғәрү* аффиксининг қолдиқларини ҳозирги ўзбек тилида ҳам учратамиз. Ҳозирги *ичкари*, *тескари*, *ташқари*, *юқори* сўзларидаги -*қари*, -*кари* бўлаклари қадимги жўналиш қўшимчасининг қолдиқлариdir. Лекин у ҳозирги тилимизда ўз маъносини йўқотиб, сўз таркибида сингиб кетган. Шунинг учун бу сўзларга жўналиш қўшимчаси қўшиб ҳам, қўшмай ҳам қўллаш мумкин. Солиштириинг: *ичкари* *кирди* — *ичкарига* *кирди*, *тескари* *ўғирилди* — *тескарига* *ўғирилди*, *ташқари* *чиқди* — *ташқарига* *чиқди*... қаби.

Қадимги туркий адабий тилида тушум келишигининг -*и*; -*ны*, -*ни*; -*ы*, -*и* аффикслари билан бир қаторда -*ғ*, -*г* аффикси ҳам кенг қўлланилган. Бу аффикс ундош билан тугаган сўз ва шаклларга қўшилганда олдида бир тор унли пайдо бўлади. У негизнинг қалин-ингичкалиги, охирги бўғин унлисининг лабланган-лабланмаганлигига боғлиқ: *бодунуғ* "халқни", *сұғ* "лашкарни", *исиг* "ишни", *ташығ* "тошни".

Ўрин-пайт қўшимчаси -*та*, -*тә* // -*да*, -*дә* дир: *әлтә*", "элда", *қағанта* "хоқонда", *тағда* "тогда".

Чиқиш келишигини ифодалаш учун -*дын*, -*дин* // -*тын*, -*тин*; -*дан*, -*дән* // -*тан*, -*тән* билан бирга -*да*, -*дә* // -*та*, *тә* ҳам қўлланилган.

Қадимги туркий тилда ҳозиргидан фарқли ҳолда еттинчи — восита келишиги ҳам қўлланилган. Бу келишик аффикси -*и* бўлиб, сўзнинг табиатига боғлиқ ҳолда -*ын*, -*ин* // -*ун*, -*үн* шаклига эга бўлади: Көзун көрмәдүк, қулқақын эситмәдүк "Кўзи билан кўрмаган, қулоғи билан эшишмаган".

Восита келишигининг қолдиқлари ҳозирги ўзбек тилида ҳам учраб туради. Жумладан, у қишин-ёзин сўzlари таркибида сақланиб қолган (қиши билан, ёзи билан ёки қиши бўйи, ёз бўйи).

СИФАТГА ХОС ХУСУСИЯТЛАР

Қадимги туркий тилда *көк*, *қызыл*, *йашыл*, *сәмиз*, *улуғ*, *кичиг* каби аслий сифатлар билан бир қаторда *йағысыз*, *йылсығ* (давлатли), *қой-тәг* (қўйдек) каби нисбий сифатлар ҳам қўлланилган. Шунингдек, ҳозирги ўзбек тилидаги каби қадимги ёдгорликлар тилидаги сифатларни ҳам уч

даражага ажратиш мүмкін: 1) оддий даража: қызыл "қизил", қара "қора"; 2) қиёсий даража -рақ, -рәк аффикси билан ясалған; 3) орттирма даража маҳсус сұз құшиб ясалған: әң илки "анг аввал".

СОНГА ХОС ХУСУСИЯТЛАР

Қадимги туркій тилде тартиб сон -нти; -нч аффикслари билан ясалған: иккінчи, үчүнч "учинчи", бисинч "бешинчи", йәттінч "еттінчи", онүнч "үнинчи", йигірмінч "йигірманчи". Ёдгорликларда "аввалги, биринчи" сүзи баштыңқы, илки; "үттізинчи" эса отузқы шаклларида ҳам ураган.

Жамловчи сон -ағу, -әгү аффикси билан ясалған: үчәгу "учов". Тақсим сон - (р) ар, (р) -әр құшимчаси билан ифодаланған: бирәр "биттадан", икірәр "иккитадан".

Қадимги туркій тилде иккі хонали сонларда қуйидаги тартиб бўлган:

1) аввал бирлик айтилиб, кейин шу сон қўшилған ўнлик эмас, балки ундан юқори ўнлик айтилған: йәти йигірми "17", сәкіз йигірми "18", алты отуз "26", бис йигірми "15"; 2) ҳозиргига яқин тартиб бўлиб, фақат ўнликдан сўнг артуқы сүзи қўшилған: отуз артуқы төрт "34". Кўринадики, туркій тилларнинг кейинги тараққиёт даврида иккінчи усул устун даражага кўтарилди.

Қадимги ёдгорликларда аз (оз), қоп (кўп) үкүш (кўп), қамуғ (бари) сонлари ҳам қўлланилг ین.

ОЛМОШЛАР

Қадимги туркій тилде қуйидаги олмошлар қўлланилған: Кишилик олмошлари:

I ш. мән, бән биз

II ш. син, сэн сиз

III ш. ол олар

Кўрсатиш олмошлари: бу, ол.

Ўзлик олмошлари: өз, кәнтуғ.

Суроқ олмошлари: ким?, кимкә?, нә?, нәкә?, қаны?

Белгилаш олмошлари: қамуғ (ҳамма), бары, барча, бунча.

Инкор олмоши: нәң "ҳеч".

ФЕЛЬГА ХОС ХУСУСИЯТЛАР

Сифатдош. Қадимги туркӣ тилда сифатдошларнинг қўйидаги аффиксли шакллари қўлланилган:

-тачы, -тәчи // -дачы, -дәчи аффиксли сифатдош: қалтачы — қолувчи, өлтәчи — ўлувчи, болдачы — бўладиган.

-дуқ, -дүк // -туқ, -түк аффиксли сифатдош: бардуқ — борган, қазғантуқ — фойдаланган, кәлмәдүк — келмаган.

-мыш, -миш // -мыс, -мис // -муш, -мүш аффиксли сифатдош: болмыш — бўлган, кәлмиш — келган, өтүнмүш — ўтинган.

-р аффиксли сифатдош: көрүр көзум — кўрас кўзим, билир билигим — биладиган ақлим. Бу аффикс баъзан -йур, -йур шаклида ҳам қўшилган: Атығ ықа байур эртимиз — Отни бутага бойлар эдик.

Келаси замон сифатдошининг бўлишсиз шакли -маз, -мәз аффиксини қўшиб ясалган: кәлмәз — келмас, билмәз — билмас.

-ғу, -ғу аффиксли сифатдош: барғу — бориладиган, кирғу — кириладиган.

-ғлы, -ғли аффиксли сифатдош: барығлы — борадиган, көлигли — келадиган, көрүгли — кўрадиган.

-ғма, -ғмә аффиксли сифатдош: йаратағма — ясалган, тутуғма — тутадиган, көрүнғмә — кўринадиган, кўринувчи.

-ғучы, -ғучи // -қучы, -қучи аффиксли сифатдош: айғучы — маслаҳатчи, кўлғучи — кулувчи.

-сық, -сик // -сук, -сук; сығ, -сиг // -суғ, -сүғ аффиксли сифатдош: алқансық — олқишланувчи, тутусуғ — тутишлик.

Равишдош. Қўйидаги аффикслар равишдош ясаган:

-п (-ып, -ип // -уп, -үп) аффикси: қылып — қилиб, олуруп — ўтириб, төп — деб, сунгушуп — урушиб.

-а, -ә аффикси: ача — очиб, кәчә — кечиб, уча — учиб.

-у, -ү (-у, -йү) аффикси: өлу — ўлиб, сүләйү — урушиб, көрү — кўриб.

-пан, -пән аффикси: йорыпан — юрибон, кәлипән — келибон, тутупан — тутибон.

-ғалы, -ғәли // -қалы, -қали аффикси: алғалы — олгани, уққалы — уққани, олурғалы — ўтиргани, өлғәли — ўлгани.

Замон шакллари. Ўтган замоннинг биринчи шахс бирлиги -дым, -дим/-тым, -тим аффикси билан (бардым), учинчи шахс бирлиги эса -ды, -ди // -ты, -ти аффикси билан ясалган:

өлти — ўлди, қалмады — қолмади каби. Биринчи шахс күплиги эса -миз, -биз құшимчаси билан ясалған: сүңғасди-
миз — урушдик, тәгдимиз — стдик.

Иккінчи шахс бирлиги -дығ, -диг // -тығ, -тиғ аффикси билан ҳам ясалған; адырыштығ — айрилдинг. Күпликда унға -ыз, -из құшилған: әртегиз — әрдингиз.

Бошқа замон шакллари сифатдош, равищдош құшимчалари билан ясалади.

Буйруқ шакли. Ёдгорликларда буйруқнинг иккінчи шахс бирлиги феъл негизи билан бир хил: *бар-*, бил-каби. Күплиги эса ана шу шаклига -қ, құшимчасини құшиб ясалған: *барың*, *билиң*.

Буйруқнинг учинчи шахс бирлиги қадимги туркий тилда -зун, -зүн аффикси билан ясалған: *йарлақазун* — ёрақасин, *барзун* — борсин.

Ёдгорликларда буйруқ шакли -ғыл, -ғыл // -қыл, -қил аффикси билан ҳам ясалған: *урғыл* — ургин, *әсидғил* — әшитғил.

Истак шаклининг биринчи шахс бирлиги -(а) йын, -(ә) йин аффикси билан ясалади: *айтайын* — айтай, *болайын* — бўлай, *тилэйин* — тилай. Биринчи шахс күплиги эса -(а) лым, -(ә) лим аффикси билан ясалған: *қабысалым* — бирикайлик, *баралым* — борайлик, *сулалим* — урушайлик.

Шарт шакли -сар, -сәр аффикси билан ясалған: *тод-сар* — тўйса, *суламәсар* — лашкар тортмаса, *келсәр* — келса.

ЭСКИ ТУРКИЙ АДАБИЙ ТИЛ

ЭСКИ ТУРКИЙ АДАБИЙ ТИЛИНИНГ НОМЛАНИШИ

Халқ тили билан адабий тил қадимги даврлардан оқ фарқланған. Биз ҳозирда "эски туркий адабий тил" деб атаётган тил ёзма манбаларда халқ тилидан фарқли ўлароқ бир қанча ном билан юритилған.

Маҳмуд Кошғарий туркий тилларни текширап экан, аввал бор диалектлар билан адабий тил орасидаги фарқни күрсатиб берди. Уларни чуқур таҳлил қилиб, илмий хуласалар чиқарди.

Маълумки, XI асрда туркий тилларнинг фарбий диалектлари шарқий диалектлардан ўзаро фонетик, лексик, морфологик, услубий жиҳатдан фарқ қиласр эди. Маҳмуд Кошғарий диалектлар орасидаги ана шу үзига хосликларни күрди ва уларни тасниф қилди. У фарбий диалектларни

асосан "үгүз тили", шарқий диалектларни эса "турк тили" номи остида умумлаштириди. Етакчи шарқий диалектларга асосланган "турк тили" қадимги туркий адабий тилининг давоми бўлиб, у қорахонийлар ўлкасида асосий шеваларни асос қилган адабий тил эди. Маҳмуд Кошгарий қорахонийлар марказий ўлкасида яшайдиган халқининг тилини умумий адабий тилнинг асоси деб ҳисоблаган. Шунинг учун у адабий тилни марказий ўлкаларга нисбат бериб баъзан "хоқония тили" деб ҳам айтади. У шундай ёзади: "Тилларнинг енгили үғузча, энг тӯғриси, яхшиси йагма, тухсы кабиларнинг тили ва шунингдек, Ила, Эртиш, Ямар, Этил водийларидан уйғур шаҳарларигача бўлган жойларда яшовчилар тилидир. Буларнинг ичидаги очиқ ва равон тил — хоқония ўлкасида яшовчиларнинг тилидир. Баласағунылиқлар сүфдча ва туркча сўзлайдилар. Тыраз ва Мадинатулбайза шаҳарларининг халқлари сүфдча, ҳам туркча сўзлайдилар. Испижаб [ҳозирги Чимкент] дан то Баласағунгача бўлған аргу шаҳарларининг ҳаммасида яшовчиларнинг тилида ҳам камчилик бор. Қашқарда канжакча сўзлашадиган қишлоқлар бор. Шаҳар ўртасида турувчилар хоқоний турккасида сўзлайдилар" (I, 66). Демак, "Девону лугатит турк" да бошқа туркий диалектларга нисбатан айтилган "турк тили", "хоқония тили" атамалари бу адабий тилдир.

Юсуф Хос Ҳожиб "Қутадгу билиг" достонининг кириш қисмида шундай жумлани ўқиймиз: Мачин алимлари ва ҳакимлари қамуғ иттифақ болдылар-ким Машриқ вилоятинда, Тўркистён эллариндэ Буғрахон тилинчэ бу китабдаги йахширақ ҳаргэз ким эрсэ тасниф қылмады (Мочин олимлари, донишмандлари бир қарорга келдиларки, Машриқ вилоятида, Туркистон элларида Буғрахон тилида бирор кимса ҳаргиз бу китобдан яхшироқ (китоб) ёзган эмас).

Жумлада "Буғрахон тили" деган атама бор. Бу ўринда "Буғрахон тили" қандайдир ҳукмрон табақаларга хос тил эмас, балки Буғрахон тасарруфидаги хақларга тушунарли бўлган адабий тилдир.

Адаб Аҳмад Юғнакийнинг "Хибату-л-ҳақойиқ" асарида "Кошгар тили" деган атама қўлланилган:

Тамамы эрўр Кашгарый тил билә,
Айытмыш адъиб риққати тил билә.
Агар билса Кашгар тилин ар киши,
Билўр ол адабибыц нәким аймыши.

(Асарнинг тили бошдан-оёқ кашғарчадир. Адіб (ана шу) бадиий тил билан айтган. Агар ҳар киши кашғар тилини билса, у киши адібнинг барча айтганларини билади).

Кўринадики, бу байтларда тилга олинган "кашғарий тил"— бу адабий тилдир. Адіб Аҳмад ўз асарини ана шу адабий тилда яратган.

Демак, ёзма манбаларда тилга олинган "турк тили", "хоқония тили", "Бухрахон тили", "Кошгар тили"— буларнинг ҳаммаси адабий тилнинг атамалари. Кейинчалик, XIV—XV асрлардан бу номлар ўрнида "чиғатой тили", "чиғатой туркийси" атамалари қўлланила бошлаган.

ЭСКИ ТУРКИЙ АДАБИЙ ТИЛИНИНГ ЁЗМА ЁДГОРЛИКЛАРИ

"ҚУТАДФУ БИЛИГ"

"Қутадфу билиг" ("Бахтга етказувчи билим")¹ XI аср туркй бадиий ёзма адабиётининг энг қимматли ёдгорлики. "Қутадфу билиг"— ўн уч минг мисрадан зиёд, маснавийда битилган достон. Унинг муаллифи бала-сағунлик Юсуф Ҳос Ҳожиб бўлиб, муаллиф, китобнинг ёзилиш тарихи ҳақидаги маълумотларни асарнинг ўзидангина оламиз. Бирон манбада ҳозирча бу ҳақда қўшимча хабар учрамайди. Юсуф достонини ёзган пайтида ёши элликдан ошган эди. Бу ҳақда китобда шундай қайд этилади:

Тэгурди мэнэ әлги эллик йашым,
Қугу қылды қузғун түси-тэг башым.
Оқыр эмди алтмыш мэнэ кэл тэйү,
Пусуг чықмаса йолда бардым сайу.
"Эллик ёшим менга қўл тегизди,
Қора (қузғун) тусиdek бошимни оқ қилди.
Олтмиш ёш энди менга кел деб чорламоқда,
Йўлда тўсиқ [бевақт ўлим] чиқмаса, (у) сари бораман".

Китоб Кошгарда ҳижрийнинг 462 сида (мелодий 1069—1070) ёзиб тугалланган. Бу ҳақда шундай қайд этилади:

Йыл алтмыш эки эрди төрт йўз билэ,
Битийу түгэттим бу сез үлгўла.

¹ Юсуф Ҳос Ҳожиб. Қутадфу билиг (нашрга тайёрловчи К. Каримов). Тошкент, 1971.

"Тұрт қоң олтмиш иккінчи йил әди,
Бу сүз (лар) ни үлчаб, ёзиб тугатдым".

Юсуф үз асарини қисқа муддатда — бор-йүғи үн саккиз ойда ёзиб тамомлады:

Тұғал оң сәкіз айда айдым бу сәз.
"Бу сүз (лар) ни үн саккиз ойда тугалладым".

Асардан яна маълум бұлишича, муаллиф уни ёзиб тугаллагач, қорахоний ұқымдорлардан бұлган Тавғач Бұғрахонга тортиқ қиласы. Хон Юсуфни тақдирлаб, унға хос ұжыблик унвонини беради. Қорахонийлар замонида саройдаги юқори лавозимлардан бири ана шу унвон билан юритиларды.

Асар үз даврида жуда катта шұхрат топди. У Шарқда туркій шоғнома даражасига күтарилди. Муқаддимада қайд этилишича, Туркистан әлларыда, турк тилида ҳеч ким үша даврда бу китобдан яхшироқ китоб ёза олмаган. Асар қайси мамлакатға бориб етса, ғоят яхшилиғидан, жозибасидан үша эллининг донишмандлари, олимлари уни қабул қилиб, ҳар қайсилари бир түрли ном бердилар. Чинликлар "Адабу-л-мулук", мочинликлар "Айину-л-мамлакат", машриқлиқлар "Зийнату-л-умаро", әронликлар "Шоғномайи түркій", баъзилар "Пандномайи мулук" дедилар. Туранликлар уни "Құтадғу билиг" деб атадилар.

"Құтадғу билиг" нинг бізга қадар уч құләзмаси сақлашиб қолған. Венада сақланған құләзмаси уйғур ёзувида, қолған иккі — Наманған ва Қоҳира құләзмаси эса араб хатидадыр.

Үйғур хатидаги құләзмасини 1439 йилда ҳиротлик котиб Ҳасан Қора Сайыл Шамс күчирған. Мазкур құләзма Ҳиротдан Туркияning Тұқат шаҳриға, бу ердан эса 1474 йилда Истанбулга келтирилған. XIX асрға келиб европалық шарқшунос Хаммер Пургштал Истанбулдан уни сотиб олиб, Вена сарой кутубхонасига олиб бориб топширади. Асарни бириңчи бўлиб Жауберт Амеде фанга маълум қилди. 1870 йилда венгер олими Херман Вамбери асарнинг мұхим қисмларини таржимаси билан нашр қилдирди. Үтган юзийлликнинг 90-йиллардан бошлаб бу нодир асарни ўрганиш ишига В. В. Радлов киришди.

1896 йилга келиб Қоҳирадан асарнинг яна бир құләзмаси топилди. Бу құләзманинг охирги саҳифалари бўлмаганлиги туғайли күчирілған даврини аниқ кўрсатиш

қийин. Мутахассислар китобнинг ёзув хусусиятларига таяниб, уни XІУ асрда кўчирилган деб тахмин қиладилар.

Асарнинг учинчи қўлёзмаси 1913 йилда Намангандан топилди. Бу қўлёзма фанда Наманган (баъзан Фарғона) нускаси деб юритилади. Ҳозир у Ўзбекистон ФА нинг Шарқшунослик институтида сақланмоқда. Унинг ҳам охирги варақлари бўлмагани учун, кўчирилган даври аниқ эмас. Хат турига қараб бу қўлёзмани сақланган нусхаларнинг энг эскиси деб ҳисоблайдилар (XIII—XІУ асрлар).

"Қутадғу ғалиг"нинг тузилиши шундай. Асар қисқача насрый муқаддима билан бошланади. Унда ўз даври таомилига кўра тангрига ҳамд, пайғамбар ва чоҳар ёрларга наът айтилади. Сўнгра ушбу китобнинг аҳамияти, номланиши, хонга тортиқ қилинишию муаллифга хос ҳожиблик унвонининг берилиши, шунингдек, асар тўрт рамзий ҳаҳрамоннинг савол-жавоблари, мунозараси асосига қурилганлиги ҳақида маълумот берилади.

Насрий муқаддимадан кейин 77 байти шеърий муқаддима келади. Унда ҳам юқорида баён этилганлар энди шеърий тарзда берилади. Сўнгра асар мундарижаси берилиб, мавзуга ўтилади.

"Қутадғу билиг" 73 бобдан иборат. Боблардан дастлабки ўн биттаси дебочадир. Уларда анъанавий ҳамд, сано, наът, Тавғач Буғрахонга мадҳ, етти сайёра ва ўн икки бурж, билимнинг қадри, тилнинг фойда ва зарари, китоб эгасининг узри, эзгулик, билим, уқув-идрокнинг хосияти, китобга ном берилиши ҳақида гап боради. Ўн иккичи бобдан асар мазмуни бошланади. Бобларнинг энг сўнгисида асар муаллифининг ўз-ўзига панди баён этилади.

"Қутадғу билиг"— дидактик достон. Унинг сюжети у қадар мураккаб эмас. Муаллиф асар ҳаҳрамонлари қилиб тўрт рамзий образни танлайди: Құнтуғды (чиққан кун)— адолат тимсоли бўлиб, элиг ўрнида, Айттолды (тўлган ой)— давлат тимсоли бўлиб, вазир ўрнида, Өгдўлмиш (ақли расо)— ақл тимсоли бўлиб, вазирнинг ўғли ўрнида, Озғурмыш (уйғонган)— қаноат тимсоли бўлиб, вазирнинг қариндоши бўлиб келади. Асар давомида мана шу ҳаҳрамонлар орасида савол-жавоб, мунозара кечади. Уларнинг суҳбатлари асносида муаллиф ўзининг илғор фалсафий қарашларини, ахлоқ-одоб меъёрларини, жамият турли табакаларининг бурчу фарзини, қўйингки, ижтимоий ҳаётнинг ҳамма томонлари ҳақидаги фикрларини баён этади.

Айрим тадқиқотчилар Юсуф ўз асарини арунда ёзганилиги, муқаддимада унинг "Шоҳномайи туркий" деб аталганлиги, булардан ташқари Афрасиёб, Фаридун, Заҳҳокларнинг тилга олиниши каби бир қанча мисолларни кўрсатиб, "Қутадғу билиг" Фирдавсийнинг "Шоҳнома" си таъсирида ёзилган, деган фикрни айтадилар. Юқоридаги далиллар Юсуфнинг Фирдавсий асари билан яқиндан таниш бўлганлигини сира ҳам инкор этмайди. Лекин бу кўрсатилганлар асар "Шоҳнома" таъсирида ёзилган деган қатъий фикрни айтишга етарли асос бўла олмайди (асарда фалончи шоирдан таъсирланиб ёздим деган маълумотнинг ўзи ҳам йўқ). Бу дегани, Юсуф асарининг яратилишида ташқи адабий таъсирнинг ўрни умуман йўқ дегани эмас. Таъкидлаш лозимки, муаллиф бу асарини туркий адабиётнинг ўз анъаналари асосида яратди. Бунга "Қутадғу билиг" сюжетининг Фирдавсий танлаган сюжетга тамоман ўхшамаслиги, ўзига хослигини мисол қилиб кўрсатиш мумкин. Маълумки, "Шоҳнома" афсонавий ва тарихий шоҳлар тарихи ҳақидаги асар. Юсуф асарининг сюжети эса тамоман бошқа. Юсуф Хос Ҳожиб "Шоҳнома" таъсирида эмас, балки баён услубига мувофиқлиги учун маснавийни танлади. Фирдавсий қаҳрамонларининг тилга олиниши муаллиф дунёқарашининг кенглиги, қўшни халқлар адабиётини чуқур билганлигини кўрсатади. Бинобарин, Юсуф ўзининг фалсафий-ахлоқий қарашларини "Шоҳнома" даги каби афсонавий, тарихий воқеаларга боғлаб эмас, балки тўрт рамзий қаҳрамон ўртасидаги муносабатлар, уларнинг ўзаро суҳбати орқали баён этади. Ана шу жиҳатлари билан "Қутадғу билиг" соф маънода туркий адабиётнинг анъаналари асосида яратилган мустақил асардир. Шунинг учун у турк элидагина эмас, балки бутун Шарқда шуҳрат қозонди. Туркий адабиётнинг илгор томонларини ўзида мужассамлаштиргани, ўзига хос оригиналлиги туфайли ҳам бу асар "Шоҳнома" дек буюк даражага кўтарилди. Турли элларда унинг ҳар хил ном билан аталиши бежиз эмас.

МАҲМУД КОШГАРИЙНИНГ "ДЕВОНУ ЛУФАТИТ ТУРК" АСАРИ
ВА УНИНГ ТУРКИЙ ТИЛЛАР ТАРИХИНИ
ҮРГАНИШДАГИ АҲАМИЯТИ

XI асрда яшаб ўтган буюк олим, туркшуносликнинг асосчиси Маҳмуд Кошғарийнинг бизгача "Девону луфатит

турк" ("Туркий сўзлар девони") асари¹ сақланиб қолган. Мазкур асарда кўрсатилишича (I, 62), унинг туркий тил грамматикасига оид "Жавоҳиран наҳви фи лугатит турк" ("Туркий тилларнинг наҳвига оид гавҳарлар") номли асари ҳам бўлган. Лекин у китоби бизгача сақланмаган.

Девоннинг биргина қўлёзма нусхаси маълум. Мазкур нусхани, унинг ўзида қайд этилишича, Маҳмуд Кошгарийнинг ўз қўли билан ёзилган нусхадан дамашқелик котиб Муҳаммад бинни Абу Бакир ибни Абдулфатҳ ҳижрий ёб4 (мелодий 1265—1266) йилда кўчирган. Бу ноёб қўлёзма ҳозир Истанбулда сақланмоқда.

"Девону лугатит турк" ҳижрий 466 (мелодий 1074) йилда ёзib тугалланган. Маҳмуд ўз асарини ёзib тугатгач, уни ҳошимийлар сулоласидан, аббосийлар авлодидан бўлган Абулқосим Абдуллоҳ бинни Муҳаммадил Муқтадо биамриллоҳга армуғон қилди. Муаллифнинг ёзишича, у лугат устида узоқ йиллар давомида иш олиб борган. Фойдаланувчи ўзига керакли сўзларни осонлик билан топиши учун сўзлар жой-жойига қўйилган.

Мундарижасига кўра девон икки бўлимдан иборат: муқаддима ва лугат қисми. Муқаддимада турк тилининг тутган ўрни, муаллифнинг девонни ёзишдан мақсади, сўз танлаш ва уларни жойлаштириш принциплари баён этилади. Шунингдек, турклар қўллаган ёзув ва унинг хусусиятлари, сўз ясалиши ва бошқа айрим грамматик қоидалар ёритилади. Сўнгра турк қабила ва уруғлари, туркий тил хусусиятлари, диалектларнинг фарқли томонлари ҳақида сўз боради. Муаллиф туркий халқлар яшаган ўлкалар акс эттирилган харитани ҳам келтиради. Ушбу маълумотлардан кейин сўзлар изоҳига ўтилади.

Мазкур бўлимда, ўзининг таъкидлашича, у ўша даврда асосан истеъмолда бўлган сўзларнингина берган. Турмушда қўлланилмайдиган (яъни эскирган) сўзларнинг айримларини қиёс ўрнида киритган холос. Бу эса XI аср тили ҳақида атрофлича хулоса чиқаришимизга имкон беради.

Лугат тузишда Маҳмуд Кошгарий араб лугатчилигидаги йўлни танлади. Девонда аввал исмлар, кейин феъллар келади. Исмларда ҳам, феълларда ҳам олдин сўз бошида ҳамзали сўзлар, кейин бошқа ҳарфлар билан бошланган сўзлар изоҳланади. У жаъми саккиз бўлимдан

1

Маҳмуд Кошгарий. Девону лугатит турк. I—III. Тошкент, 1960—1963 (таржимон ва нашрга тайёрловчи С. Муталлибов).

иборат. Хар қайси бўлимда аввал икки ҳарфли сўзлар, кейин уч, тўрт ва шунга ўхшаш кўп ҳарфлилар жойлаштирилган. Бунда араб ҳарфлари назарда тутилади. Унда асосан ёзувдаги белгилар асосга олиниб, сўз нечта ҳарф билан ёзилса, шунча ҳарфли сўз ҳисобланган. Жумладан:

Икки ҳарфли сўзлар: ^{أَتْ}ат "от", ^{أَتْ}ом "ут, үсимлик".

Уч ҳарфлилар: ^{أَلْبَ}алп "ботир", ^{أَوْجَ}уч "нарсанинг учи" ва б.

Мудими, мазкур тартибда сўзлар такрорланган ундоши, таркибида бурун товушининг қатнашганилиги ва бошқа қатор хусусиятига кўра бўлимларга ажратилган.

"Девону лугатит турк" да муаллиф туркий сўзларнинг маъносини очиб бериш учун жуда кўп ҳалқ мақоллари, ибора, қўшиқлардан келтиради. Бу ҳақда у шундай ёзади: "Мен бу китобни махсус алифбо тартибда ҳикматли сўзлар, сажълар (қофияли наср), мақоллар, қўшиқлар, раЖаз (ботирлар қаҳрамонлигини тасвирловчи парчалар) ва наср деб аталган адабий парчалар билан безадим" (I, 44—45).

Биз Маҳмуд Кошгарийга қадар туркий тил ҳақида махсус илмий асар яратган, туркий тилнинг қонун-қоидалари ҳақида фикр юритган олимни ҳали билмаймиз. Унинг "Девону лугатит турк" асари туркшуносликнинг дастлабки илмий асаридир. Мазкур асар дастлабкигина бўлиб қолмай, туркшунослик тарихида яратилган асарларнинг энг мукаммал ва буюгидир. Шунга мувофиқ, биз Маҳмуд Кошгариини буюк тилшунос ва туркшунослигимизнинг асосчиси дея оламиз.

"Девону лугатит турк"— туркий-арабий изоҳли лугат. Лекин китоб араблар ва арабчани фан тили сифатида қўлловчилар учун тузилган оддийгина лугат эмас. У қораҳонийлар давридаги бутун туркларнинг иқтисодий, маданий, илм-фан соҳасидаги муваффақиятларини, давлат юритиш тадбирларини, фалсафий-иқтисодий қарашларини, урф-одатларини бой тил материали орқали таништирадиган мукаммал қомусдир. Ўз даври адабий ва умумхалқ тилининг бутун бир кўринишини акс эттирган, қонун-қоидаларини маълум қолипга туширган илмий тадқиқот асаридир.

Девонда тахминан етти ярим мингдан зиёд сўз ва иборалар келтирилган. Маҳмуд Кошгарий ўз китобида туркий ҳалқларга доир тарихий воқеаларни ҳам ёзиб

қолдирган. Унинг бу маълумотлари қадимги хитойча китобларда, араб, форс сайёхларининг хотиralарида қайд қилинган маълумотларга деярли мос келади. Баъзан уларнинг мужмал жойларини ҳам тўлдиришга ёрдам беради. Яна бир эътиборга лойиқ томони шундаки, муаллиф туркий халқлар тўғрисидаги маълумотларни китоблардан-гина олмай, халқ орасидаги жонли далиллар, ривоятлар асосида ҳам ёритиб берган.

"Девону лугатит турк" да сўз ва бирикмаларнинг маъноларини изоҳлаш мақсадида адабий парчалардан ҳам келтирилади. Мазкур адабий парчалар қадимги туркий халқларнинг бадиий ижоди намуналариридир. Девонда 242 та адабий парча келтирилган. Ушбу парчалар ўша кезларда эл орасида машҳур бўлган достонлар, марсиялар, меҳнат ва муҳаббат, табиат тасвири, юрт манзаралари, қаҳрамонлик, овчилик тўғрисидаги халқ қўшиқларидан олинган. Девонда сўз ва иборалар маъносини изоҳлаш учун келтирилган мақоллар сони икки юздан ошади.

"Девону лугатит турк"— қомусий асар. Унда ижтимоий-сиёсий ҳаётнинг барча соҳасига оид сўз топиш мумкин. Шунингдек, жуда кўп соҳага доир маълумотлар келтирилади.

Жумладан, асарда ўсимликлар дунёси, чорвачилик, ҳайвонот оламига оид сўзлар ҳам келтирилади. Улар орқали биз ўша даврдаги туркларнинг ҳаёт тарзи, табиат билан муносабатини билиб оламиз. Асарда келтирилган қасб-ҳунарга оид лексика эса бизга X—XI аср ҳунармандилиги, маданий ҳаёти қайдаража тараққий қилгани ҳақида тасаввур беради. Шунингдек, китобда маданий-маиший ҳаётни кўрсатувчи далилларга ҳам дуч келамиз. Айниқса, овқатларни тайёрлаш йўллари, май ачитиш усувлари, чолғу асбоблари, кийим-кечаклар, турли маросимлар билан боғлиқ расм-руsumлар ҳақидаги маълумотлар қизиқ.

"Девону лугатит турк" да ўша давр ҳокимият қурилишига доир атамалар, даражаю унвонлар, табақаю гурӯҳларни ифодаловчи сўзлардан берилади. Асарни ўқиб ўша замон ҳарбий ишларину тактикасигача тасаввурга эга бўлиш мумкин.

Унда бирон бир воқеа-ҳодисага боғлиқ халқ афсона ва ривоятларидан келтирилади. Ўрни билан айрим сўзларнинг этимологияси ҳам берилади. Қўйингки, "Девону лугатит турк" туркий халқлар ўтмишининг, тилининг кўринишидир.

АҲМАД ЯССАВИЙ ДЕВОНИНИНГ ТИЛИ МАСАЛАСИ

Аҳмад Яссавийнинг номи Марказий ва Кичик Осиё, Афғонистон, Эрон, Кавказ орти мамлакатларида кенг шуҳрат топган. Эл орасида ҳатто "Мадинада Муҳаммад, Туркистонда Хўжа Аҳмад" деган сўз юради.

Аҳмад Яссавий 1103 йили Сайрамда таваллуд топиб, 1166 йили Туркистонда вафот этган деб тахмин қилинади. Шунга қарамай, айrim манбаларда, масалан, Мавлоно Ҳисомиддин Сигнакийнинг рисоласида кўрсатилишича, Яссавий 130 йил ҳаёт кечирган.

Яссавийнинг бизгача "Девони ҳикмат" асари етиб келган. Унинг ўз даври ва унга яқин даврларда кўчирилган нусхалари йўқ. XV асрга оид айrim шеърий парчалар ва XVII асрда кўчирилган нусхаларигина маълум. "Девони ҳикмат" XIX асрнинг II ярми ва XX аср бошларида Тошкент, Қозон ва Истанбулда тошбосмада бир неча марта нашр этилган.

Аҳмад Яссавий ижодиёти туркий адабиёт ва адабий тилининг жуда мураккаб даври бўлиб, яқин ўтмишда чала ўрганилган, ўрганилса ҳам, нотўғри таҳлил қилиб келинган.

Маълумки, Яссавий XII асрда ўз мактабини яратган буюк дин арбоби ва машҳур туркигўй шоирдир. Шунинг учун унинг издошлиари, муридлари кўп бўлган. "Девони ҳикмат" нинг сўнги тошбосма нусхаларида Яссавий муридлари томонидан тўқилган ҳикматлар ҳам учрайди. Бундай ҳодиса ўзбек адабиёти тарихида учраб туради. Чунончи, уни "Девони Машраб" да ҳам кузатиш мумкин. Ёки улуғ Алишер Навоий устози Мавлоно Лутфийга ўз ҳурматини билдириб, унинг баъзи шеърларини девонига киритган, айrim ҳолларда ўз фикрини исботлаш учун Лутфий ижодига муражгаат қилган эди.

Яссавий шеърларида айrim мисралар ўзидан кейин ўтган муаллифлар асарларида ҳам баъзи ўзгаришлар билан такрорланади. Жумладан, уни "Бақирғон китоби" га солишириб кўрайлик.

Чунончи, "Девони ҳикмат" да:

Хожа Аҳмад қул бул турур сатыб йэсун дарвэшлар.
Эй, Хожа Аҳмад сэн бўкун қылғыл ибадат тұн-күн.
Қул Хожа Аҳмад суҳбатда, дам урармэн аҳадда.

"Бақирғон китоби" да:

Ҳаким Сулаймân құлдур, сатыб йэсүн дарвэшлар.
Құл Сулаймân билдиң, бұтғын қыл ибадат тұн-күн.
Құл Сулаймân суҳбатда дамба-даммән аҳадда ва б.

Бу мисралардаги каби ўхшашликлар Яссавий, Навоий, Сұфи Оллоёр, Хувайдо ва Чустий шеърларида ҳам күзга ташланади. Масалан, Яссавийда:

Хар сары барса ошал йары парваз этәр.

Навоийда:

Хар дам аны көргәли көңлүм құшы парваз этәр.

Яссавийда:

Ахл дил болған киши ғамғин көңүлни шад этәр.

Навоийда:

Қыл умид (и) бирлә ғамғин хатиirimни шад этәр.

Ушбу мисралар орқали улуғ Алишер Навоий устоз сұфи шоир Аҳмад Яссавий ҳикматларидан хабардор бўлгани, ундан илҳомланганини кўрамиз.

"Девони ҳикмат" эски туркй адабиёт ва адабий тилининг обидаларидан бири сифатида катта аҳамиятга эга. Ундаги шеърларнинг кўпчилиги ҳалқ оғзаки ижодида кенг ёйилган қўшиқ шаклидаги тўртликлардан ташкил топган. Тўртлик — қўшиқ шақлида яратилган шеърлар ҳалқ сўзлашув тилига яқин бўлганлиги билан характерланади. Маълумки, бу шеърлар, асосан, қадимдан мавжуд бўлган бармоқ ва аruz вазнида яратилган. Шунга кўра Яссавий шеърларида умумхалқ тилига хос сўз ва шакллар, бадиий тасвир воситалари кенг ишлатилган. Унинг шеърларининг оммага тушунарли бўлганлиги, содда, равон ва ҳалқ қўшиқлари услубида ёзилганлиги сабабли туркй тилини ҳалқлар орасида тилдан-тилга ўтиб, ҳозиргача кўйланиб келмоқда.

Яссавий ҳикматлари тилининг ҳалқ тилига ва ҳозирги ўзбек адабий тилига яқинлиги бежиз эмас. Ҳикматларни қадимги турклар томонидан айтилиб келинган қўшиқлар тилидаги соддаликнинг, вазн ва услубдаги оддийликнинг анъанавий давоми сифатида қараш, бизнингча, тўғри бўлса керак. Агар Маҳмуд Кошғарийнинг "Девону луғатит турк" асарида келтирилган мавсум-маросим қўшиқларини кўздан кечирсак, бунинг гувоҳи бўламиз. Чунончи, Маҳмуд Кошғарийда:

Көрүб нэчүк қачмадың,
Йамар сувын кәмәдиң,
Ташарыңны сачмадың,
Йэсүн сәни а:р бөри.

Тұрлұг чәчәк йарылды
Барчың һағым кәрілди,
Учмақай эри көрүлди,
Тұмлұғ йана көлгүсүз.

Ахмад Яссавийда:

Дүния мәниң дәгәнләр,
Жиңан малын алғанлар,
Кәркес қүшдәк болубан,
Ул харамга батышлар.

Мулла муфти болғанлар,
Нәхақ да' вә қылғанлар,
Ақни қара қылғанлар,
Ул тамуққа кирмишләр.

Қазы, имам болғанлар,
Нәхақ да' вә қылғанлар,
Химәр йаңлығ болубан,
Йүк астыда қалмышлар.

Ҳаррам йәгән җакимлар,
Ришват алыб йәгәнләр,
Өз бармагын тишеләбен,
Қорқуб туруб қалмышлар.

Татлығ-татлығ йәгәнләр,
Тұрлұқ-тұрлұқ йәгәнләр,
Алтун таҳт олтурганлар,
Туфрақ ара йатмышлар.

Сулаймон Бақирғонийда:

Барча йахши, биз йаман,
Барча бугдай, биз саман.

Ўзбек адабиёти тарихининг билимдони Мақсуд Шайхзода Ахмад Яссавий асарларининг тили ва услуби ҳақида қўйидаги фикрни билдирган эди: "Шубҳасизки, Ҳұжа — Ахмад Яссавийнинг ёзиб қолдирган "Ҳикмат" китоби кейинча тил жиҳатдан ва маъно томонидан қанчалик ўзгаришларга дучор бўлмасин, унинг асл вазни аввалги ҳолича қолган. Чунки бирорлар илгариги вазни шунча

илдизидан ўзгартириб, қайтадан ишлашлари амри маҳол булар эди. Бу асарнинг вазни эса автори аввалида ўзи ўйлаб ишлаган ҳолида сақланиб қолган".

Юқоридаги фикрга асосланиб, Аҳмад Яссавийнинг "Девони ҳикмат" асари асл нусхада этиб келмагани учун унинг тил хусусиятларини ўрганишда кейинги даврда кўчирилган ва нашр этилган нусхаларидаги айrim фарқларни рўкач қилмасдан, балки "Ҳикмат"ларни эски туркий адабий тилнинг манбаларидан бири сифатида ўрганиш мақсадга мувофиқдир. Унинг "Ҳикматлар" девони XII аср туркий адабий тилининг тараққиётини белгилашда бой манба бўла олади. Шунинг учун ҳеч иккilanmasdan "Девони ҳикмат" асари XII асрдаги эски турк адабий тилининг лугати ва муҳим грамматик хусусиятларини кўрсатувчи асосий манба сифатида ўрганилавериши керак.

Улуғ аллома Аҳмад Яссавийнинг адабий тил тарихидаги энг катта хизмати адабий тилни жонли сўзлашув тилига яқинлаштириш бўлган эди. "Девони ҳикмат"ни ҳозирги ҳар бир ўзбек ёки туркий халқлар вакили ўқиб bemalol тушуна олишининг ўзи фикримизнинг далилидир.

Аҳмад Яссавий шеърларидаги инсоний гоялар — аҳлоқ, одоб, поклик, тўғрилик, ислом дини ақидалари ва ҳадисда илгари сурилган маърифий фикрлар содда, равон тилда баён қилиб берилади. Ана шу нуқтаи назардан қараганимизда, ҳозирги ўзбек адабий тили анъанавий тарихий адабий тилнинг давоми эканлиги аён бўлади. Табиийки, "ҳозирги ўзбек адабий тили туркий руи (урхун-энасой) ёдномаларига, шунингдек, Маҳмуд Кошварийнинг "Девону лугатит турк", Юсуф Хос Ҳожибининг "Қутадгу билиг", Аҳмад Яссавийнинг "Девони ҳикмат", Аҳмад Юғнакийнинг "Ҳибату-л-ҳақойик", сунгроқ Навоий, Заҳириддин Бобур асарларигача бориб тақалади.

Яссавий асарларининг диалектал хусусиятлари ҳақида турлича қарашлар маълум. Машҳур олим Фуад Кўпрулузода Яссавий асарлари қарлуқ лаҗжаси негизида тараққий этиб, ўғуз лаҗжаси таъсири сезиларли бўлган

¹ Аҳмад Яссавий. Ҳикматлар. Тошкент, FaFuР Гулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. 1991, 23-б.

шарқий турк тилида яратылған, дейди. Үнинг тил хусусиятлари "Қутадғу билиг" асари тилига яқынлигини күрсатади.

Т. Менцел Яссавий "Девон"и шарқий турк тилида ёзилған. Үнинг тили "Қутадғу билиг" ва урхун битиглари тилига яқындыр дейди. Проф. А. К. Боровков эса Яссавий асарларининг нодир ва ишончли нұсқалари етиб келмагани учун үнинг тил хусусиятлари ҳақида аниқ фикр билдириш мүмкін эмаслигини бир неча бор тақрорлайды. Таъкидлаш керакки, Яссавий девонининг тили ва услубияти бўйича кузатувлар Кўпрулуздада ва Менцелларнинг қарашларини, асосан, тасдиқлади.

Аҳмад Яссавий асарларида ишлатылған сўзларнинг аксарияти XI—XII асрларда қарлуқ қабила уюшмаси тили — лаҳжаси негизида ташкил топған — шаклланган ва XIII—XIV асрларда анчагина ривожланган туркий әлат адабий тили асосида яратылған бадий асарлар лугат таркибида мавжуд эди. Бу адабий тилнинг негизини қарлуқ (чиғил, уйғур, аргу, тухси) лаҳжаси ташкил қилиши билан үнинг шаклланишида ўғуз ва қипчоқ хусусиятларининг иштироки ҳам сезилари бўлган эди.

Хуллас, Аҳмад Яссавий давридаги эски туркий адабий тилининг негизини Тошкент, Самарқанд—Бухоро, Сайрам—Қорабулоқ—Туркистон тип шеваларидан излаш мумкин.

Аҳмад Яссавий "Девон"ининг лексик хусусиятлари бўйича кузатувлар кўрсатадики, унда, асосан, эски туркий лексик қатламга оид сўзлар билан бирга, араб ва тожикфорс тилларидан ўзлашган сўзлар ҳам бор. Хусусан, арабча сўз ва шакллар ўзлашган қатламнинг катта қисмини ишғол этади.

Шу нарса маълумки, XII аср, Аҳмад Яссавий асарларидан бошлаб бадий асарлар тилида соддаликка интилиш, халқ сўзлашув тилига яқин тилда ёзиш анъанаси кучайган эди. Бу анъана Навоий илк замондошлари Лутфий, Атойи, Саккокий, Ҳофиз Хоразмий, Юсуф Амирий, Гадоий шеъриятида ҳам давом этган.

Қиёсланг, Яссавийда:

Мэниң бир дафтарым бар йўз минчә ҳикмат,
Оқыған бандалар көргэй фарагат.

Бу аламда мәниң төрт дафтарым бар.
Киши хәр әйләсә болгай өзи хәр.

Лутфийда:

Мәни шайдә қыладурған бу көңүлдүр, бу көңүл,
Хәрү расвә қыладурған бу көңүлдүр, бу көңүл.

Саккокийда:

Қара көз бирлә ғамза қылыб йұз миң жаға қылма,
Карашма бирлә әламны мәниң-тәг мубталә қылма.
Мәниң бу хаста жаңымға сәнниң дардың әрүр марҳам,
Қийаматта тәги ҳарғиз бу дардыңға дава қылма.

XI— XII асрлар Мовароуннахр, Афғонистон, Эрон, Кавказ орти ва шимолий Ҳиндистонда адабий тил анъанасида тохик-форс тилининг үрни катта эди. Марказий Осиёда қорахонийлар ҳукмронлиги бошланиши билан туркий тилининг мавқеи орта борган. Аҳмад Яссавий ана шу даврда яшаб, туркий тилда ижод қылған эди.

Хуллас, улуғ аллома Хўжа Аҳмад Яссавий XII асрда ўзининг асарлари орқали туркий адабиёт ва адабий тилининг мавқеини жаҳон миқёсига кўтарган.

Ҳибату-л-ҳақойиқ. Эски туркий тилининг муҳим ёдгорликларидан бири XI—XIII асрда яшаб ижод этган адаб Аҳмад Юғнакий (Адаб Аҳмад ибн Маҳмуд Юғнакий) нинг "Ҳибату-л-ҳақойиқ" ("Ҳақиқатлар армуғони") асариdir.¹ Асарнинг номи қўлёзмаларда турлича тилга олинади: бирида "Айбату-л-ақайиқ", иккинчисида "Ҳибату-л-ҳақайиқ", уйғур хатидаги бошқа бир нусхасида "Атабату-л-ҳақайиқ" (Ҳақиқатлар эшиги) деб ном қўйилган. Мазкур асар 250 байтдан ошироқ, маснавийда ёзилган бўлиб, мазмунан панд-насиҳат руҳидадир. "Ҳибату-л-ҳақойиқ" нинг бизгача олти қўлёзма нусхаси етиб келган. Шулардан учтаси тўла ҳажмли нусхалар, қолганлари асадан олинган парчалардир.

Улардан дастлабкиси (фанда А нусха деб юритилади) уйғур хатида бўлиб, 1444 йилда Самарқандда Зайнул Обидин исмли котиб томонидан кўчирилган. Асарнинг бу

1

Қаранг: Маҳмудов Аҳмад Юғнакийнинг "Ҳибатул ҳақойиқ" асари ҳақида. Тошкент, 1972.

нусхаси 246 байтдан иборат. У ҳозир Истанбулда сақланмоқда.

Асарнинг иккинчи нусхаси (фанда Б нусха деб юритилади) 1480 йили Истанбулда Шайхзода Абдураззоқ бахши томонидан уст сатрида уйгур, остида араб ҳарфлари билан күчирилган. Мазкур нусха Истанбулдаги Аёсофия кутубхонасида сақланастган 4757 рақамли мажмуанинг биринчи асаридир.

"Ҳибату-л-ҳақойиқ"нинг навбатдаги нусхаси (С нусха) фақат араб хатида күчирилган бўлиб, 242 байтдан иборат. Олимлар таҳминига кўра XV аср охири XVI аср бошлирида кўчирилган.

Р. Р. Аратнинг маълумотига кўра¹ Анқарадаги Маориф кутубхонасида сақланувчи мажмуада туркча байт ва тўртликлар орасида "Ҳибату-л-ҳақойиқ"дан олинган бир жуфт байт ҳам бор.

"Ҳибату-л-ҳақойиқ"дан олинган яна бир кичик парча Берлин Фанлар академияси қўллэзмалар фондининг туркий матнлари орасида сақланади.

"Ҳибату-л-ҳақойиқ" фанга маълум бўлгандан бери мутахассислар томонидан кенг ўрганилмоқда. Туркияда Н. Осим, Р. Р. Арат каби олимлар уни эълон қилди. Ўзбекистонда мазкур асарни ҳар томонлама ўргангандан олимлардан бири Қ. Маҳмудовдир. У асарнинг тили бўйича тадқиқот ишлари яратди. асарнинг танқидий матнини тузиб, ҳозирги ўзбек тилига ўғирди. Қозогистонлик олимлар А. Қуришжонов ва Б. Сағиндиқловлар ҳам асарни нашр эттирилалар.

Ўғузнома.² "Ўғузнома" туркий халқлар орасида қадим замонлардан кенг тарқалган, узоқ тарихий жараённи ўзида акс эттирган қаҳрамонлик достонидир. Бу достон халқ оғзаки ижодининг характерли хусусиятларини ўзига сингдирлиб, бадиий жиҳатдан мустаҳкамланиб, оғиздан-оғизга кўчиб келган.

Ўғузхон ҳақидаги ривоятлар бизгача бир қанча вариантда етиб келган. XIII аср тарихчиси Рашидиддиннинг "Жоме-ут-таворих"ида, уйгур хатидаги "Ўғузнома" достонида, Абулғози Баҳодирхоннинг "Шажарайи турк"

¹ Edid Ahmed Yugneki. Atebetu'l-hakajik. R. R. Arat. Istanbul, 1951, S. 34—36.

² Қаранг: Щербак А. М. Огуз-наме. Мухаббат-наме. М., 1959. С. 13—110.

ва "Шажарай тарокима" асарларида, "Дода Құрқут" китобида Үгүзхон ҳақида ҳикоя қилинади. Булардан ташқары "Үгүзнома" достонининг Истанбулда сақланувчи араб ёзуви варианти ҳам бор. Үгүзхон ҳақидаги асарлардан энг қадимгиси уйғур хатидаги "Үгүзнома" достонидир. У ҳозир Париж Миллий кутубхонасида сақланмоқда. Асарнинг ана шу варианти эски туркий тил даврида күчирілгани туфайли бу давр тилини ўрганишдаги аҳамияти каттадир.

Құләзма 21 варақ (42 саҳифа) дан иборат. Құләзманинг ёзилган даври ҳақида ҳар түрли фикрлар айтишади: айримлар уни XIII аср охири XIV аср бошларига мансуб десалар, бошқалар XV аср құләзмаси дейдилар. Бундай фикрларга унинг бирон ерида күчирілганды қайда иштегендеги, шунингдек, ёзув хусусияти билан уйғур хатидаги бошқа матнлардан ажралиб туриши сабаб бўлган. Мазкур нусха, албатта, дастлабки эмас, у қандайдир бошқа құләзмадан күчирілган.

"Үгүзнома"— бадий жиҳатдан пишиқ асар. У қадимги туркларнинг афсона, ривоятларини ўзида умумлаштирган. Достонда акс этган воқеаларни туркий халқларнинг жуда қадимги ҳаёти билан боғлашга асосимиз бор. Унда акс этган воқеалар ўз илдизи билан узоқ даврларга бориб тақалади. Шу жиҳатлари билан бу асарнинг қадимги туркий адабиётимизни ўрганишдаги аҳамияти катта. Асар, ўз навбатида, эски туркий тилнинг муҳим ёдгорлиги ҳамдир. Унинг тилида қадимги туркий тилга хос хусусиятлар (жумладан, *адақ* "оёқ", *адуғ* "айқ", сұғы "суви", *қағар* "қор" каби) билан бир қаторда эски туркий тилга хос хусусиятлар (жумладан, мұғулча сұзларнинг құлланилиши каби) аралаш кузатилади.

Асар тили содда, халқ тилига яқин.

Муқаддамату-л-адаб. Эски туркий тилнинг муҳим ёзма ёдгорликларидан яна бири XI асрнинг охири XII асрнинг бошларида яшаб ижод этган хоразмлик олим Маҳмуд ибн Умар Замахшарий¹нинг "Муқаддамату-л-адаб" ("Адаб илмига кириш") номли асаридир.

Маҳмуд Замахшарий ўз даврининг удумига күра асарларини араб тилида яратди. У назм ва наср билан ёзилган бадий асарлар, шу билан бирга тилшуюнослик, адабиёт-

1

Қаранг: Рустамов А. Маҳмуд Замахшарий. Тошкент, 1971.

шунослик, фалсафа, ислом тарихи ва бошқа фанларга оид әллиқдан ортиқ илмий асарлар муаллифидир. Бу асарлари билан у Ўрта Осиё илми тараққиётига самарали ҳисса қўшди. Олим меросининг маълум қисми бизгача сақланниб қолган.

Замахшарий буюк тилшунос ҳамdir. У ўз асарлари билан араб адабий тилининг ва араб тилшунослигининг ривожига катта ҳисса қўшди. Шу билан бирга унинг туркшунослик тарихидаги хизматлари ҳам оз эмас. "Муқаддамату-л-адаб" бунинг яққол далилидир.

Асар кўп тилли лугатdir. Унда араб лексикаси ва грамматикаси материаллари форсча, баъзи нусхаларида хоразмча, туркча ва мӯгулча таржимаси билан берилган. Унинг қўлёзмалари Германия, Миср, Ҳиндистон, Туркия, Эрон, Россия ва Ўзбекистон фондларида сақланмоқда. Асар қўлёзмаларининг ҳаммаси бир хил эмас: баъзиларида арабча-форсча сўзликнинг ўзи бўлса, бошқаларида туркий ва мӯгулча сўзлик ҳам киритилган (қадимий нусхаларидан бирида маълум гуруҳ хоразмча сўзлар ҳам бор). Ўзбек тарихий тилшунослиги, жумладан, лексикографияси учун, табиийки, унинг туркий таржимаси бор нусхалари қимматидир.

Тошкентда туркий сўзлик киритилган қўлёзмалардан бир қанчаси сақланади.¹ Улар Ўзбекистон ФА Шарқшунослик ҳамда Қўлёзмалар институтларининг фондларидаидир.

"Муқаддамату-л-адаб" беш қисмдан иборат. Улар: исмлар, феъллар, ёрдамчи сўзлар, исмларнинг турланиши, феълларнинг тусланиши. Маҳмуд Замахшарий ўз асарида сўзларнинг асл маъносинигина бериб қолмасдан, уларнинг кўчма маъноларини ҳам муфассал келтиради. Туркий сўзларнинг ҳам арабча, ҳам форсча таржималарининг мавжудлиги бундай сўзларнинг маъносини тўғри аниқлашда катта ёрдам беради.

Лугат тузилиши ҳақида тушунча ҳосил қилиш учун қўйидаги мисолларни келтирамиз:

¹ Исломов З. "Муқаддамату-л-адаб"нинг Тошкент нусхалари. "Адабий мерос". Тошкент, 1988, 3(45), 41—45-6.

Арабча	Форсча	Туркий	Маъноси
ибил	шутурон	тэвэлэр	туялар
савр	гов	өкүз	хўкиз
бақара	модагов	инж	сигир
калла албаъири	мондэ шуд шутур	арды тэвэ	туя чарчади
шабба алфарасу	баржаст ва бози кард асп	сзкреди ойнады ат	от сакради ва ўйнади

Туркий тафсир. Туркшуносликда "Ўрта Осиё тафсири" номи билан юритилувчи асар Қуръони Карим бир бўлагининг туркий таржимаси ва унинг шарҳидир. Чунончи, дастлабки қисмлари таржима, сўнгги бўлимлар сураларнинг шарҳидан иборат. Асар қўлёзмаси Қаршидан топилган бўлиб, ҳозир Россия ФА Шаркшунослик институтининг Санкт-Петербург бўлимида сақланмоқда. Асарнинг яратилган пайти ҳам, Қарши қўлёзмасининг кўчирилган даври ҳам номаълум; бирор ерида қайд этилмаган. Тахминларга кўра XII—XIII асрларга мансуб.

Тафсир тилида ڇ лашибдан ӣ лашибга бўлган фонетик жараён ($\text{з} > \text{з} > \text{й}$) акс этган. Шунинг учун унда бир сўзининг ڇ билан бирга з ёки ӣ ли шакли ҳам учрайди: құзы—қузы—қууу (қуий) каби. Бундай хусусият "Қисаси Рабғузий" асарида ҳам кузатилади. Шунингдек, асар тилида ўғуз гуруҳ лаҳжаларига хос ҳодисалар ҳам мавжуд. Чунончи, сўз бошидаги т ундоши жарангли д га айланади: дэгүл—эмас, дэгрә—доира, чекка, дўксәләр — (агар) тўксалар. Суз охирида -ғ ва -г тушиши мумкин: улу — улуғ, қану — эшик, толу — толы — тўлиқ, элли — 50. Баъзан морфологияда ҳам шундай ҳодиса кузатилади: гөрән — кўрган (сифатдош шакли), жўналиш келишиги қисман -а, -ә қўшимчаси билан ясалган: йэрә — ерга, ашақа — пастга.

Асар лексик жиҳатдан "Қутадгу билиг", "Девону луғатит турк", "Ҳибату-л-ҳақоиқ" асарлари тилига яқин. Бу асарлар луғатида қулланилган кўхна сўзларнинг катта гуруҳи ушбу ёдгорликда ҳам учрайди. Масалан: асығ — фойда, ашну — аввал, ал — ҳийла, найранг, азу — азу — ёки, элиг — қўл, эт-өз — тану жон, йиг — касаллик, йумғы — бари, отру — рӯпара, өрүқ — оқ, баса — сўнг,

¹ Қаранг: Боровков А. К. Лексика Среднеазиатского тифсира XII—XIII вв. М., 1963.

өгди — мақтов, *саңчы* — элчи, *су* — лашкар, *тапуғ* — хизмат, *тумлуғ* — совуқ ва б. Асар тилида синонимлардан унумли фойдаланилган. Жумладан "аёл, хотин" маъносида *урагут*, *хатун*, *аэрмат*, *айал*, *киши*, *тиши* сўзлари, "қўл" маъносида эл, элиг, қол, "шаҳар" маъносида эл, улус, *кәнт*, *урам*, *шаҳар*, *шахристон* сўзлари қўлланилган ва б. Синонимик қатордаги сўзлар келиб чиқишига қўра тарихан турли тиллардан ўзлашган бўлиши мумкин. Масалан, юқоридаги синонимлар орасида *аэрмат*, *айал* сўзлари арабчадан, *кәнт* суғчадан, *шаҳар*, *шахристон* тожик-форс тилларидан ўзлашган.

Синоним сўзларни жуфтлаш орқали ҳам янги маъно ҳосил қилинади: *эш-барқ* — *турап* жой, *қап-қазаш* — қариндош-уруг, қон-қардош, *тога-көзсуз* ёки *қарагу-көзсуз* — кўр, қендулус — шаҳар, *ортак-эш* — дўст, ўртоқ. Мисоллар: Эши-барқы *байт-ул-муқаддасда* эрди — унинг уйи Байтул муқаддасда эди; *Қапы-қазашы* тәрди — Қариндош уруғларини терди (ийғди). *Үкуш* қэндләр-улуслар бар эрди — Кўп шаҳарлар бор эди.

Умуман туркий тафсир тили эски туркий тилни ўрганишда ўта қимматли маңба бўла олади.

"Аттуҳфа".¹ Араб тилида ёзилган ушбу асар туркий тил (қипчоқ тили) грамматикасига бағишиланган. Унинг тўлиқ номи "Аттуҳфатуз закияту филлугатит туркия" ("Туркий тиллар ҳақида ноёб туҳфа") бўлиб, туркшуносликда қисқача қилиб "Аттуҳфа" деб атайдилар. "Аттуҳфа" бизгacha бир нусхадагина етиб келган. Қўлёзма ҳозир Истанбулда сақланади. Асарнинг ёзилган даври, ўрни, муаллифи ҳақида бирон ерда қайд этилмаган. Муаллифнинг "Мен бу асарда қипчоқ тили (хусусиятлари)га асосландим. Чунки энг кўп қўлланадиган тил қипчоқ тилидир" деган маълумотига асосланаб, мутахассислар асар қипчоқларнинг салтанати даврида (XIII аср) Мисрда ёзилган деган фикри айтадилар.²

"Аттуҳфа" уч бўлимдан иборат.

Биринчи бўлимда асарнинг яратилиш тарихи, қипчоқ тилининг товуш қурилиши ва имло хусусиятлари ҳақида қисқача маълумот берилади.

1

Аттуҳфатуз закияту филлугатит туркия. Тошкент, 1968 (Таржимон ва нашрга тайёрловчи С. М. Муталибов).

2

Ўша асар, 5-б (суз боши).

Иккинчи бўлим араб-турк луғатидан иборат. Мазкур луғат бўлимида сўзлар араб лексикографияси қоидасига мувофиқ тартибда жойлаштирилган. Бу қоидага кўра арабча сўзлар, бошида келган ҳарфларга қараб, алифбо тартибда гуруҳларга ажратилган (ҳамзали сўзлар, ҳарфлилар, Ҳ ҳарфлилар, Ҷ ҳарфлилар, Ҷ ҳарфлилар бўлими... тоъҳарфлиларгача). Ҳар қайси бўлим яна ўз ичидаги бир қанча (энди бош ҳарфларига қараб эмас, балки сўзларнинг маъносига қараб) гуруҳларга бўлинган. Бунда ҳам қатъий қоида бор: аввал исмлар, кейин феъллар келади (жумладан, сўз бошида ҳамза келган сўзлар қўйидаги гуруҳларга ажратилган: от ранглари, от асбоблари, ер ва унга боғлиқ нарсалар, ейиладиганлар, замон ва пайт, томонлар. Шундан сўнг феълларга ўтилади). Мана шу тартибда жойлашган сўзлар қаршисида уларнинг туркий таржимаси ҳам келтирилади. Мисоллар келтирамиз:

اوردک	بیط	ئەردىк (ўрдак)
اوی و او	بیت	уй ва э:в (уй)
تاب	پو	қапу (эшик)
کانت	بلان	кэнт (шаҳар, қишлоқ)

Луғатда ўша давр лексикасида мавжуд бўлган сўзларнинг катта қисми акс этган. Унда қумған // көкәвүр (қумғон), тавшан // қыйан (қүён), үлкәр // йәдикәр (Хулкар) каби синонимлар ҳам, ҳатто сўзларнинг фонетик варианatlари ҳам, ўрни билан, келтириб ўтилган (жумладан, а:вурчук // а:ғырчақ (чарх), тәлик // тәшик (тешик) каби).

Асарнинг учинчи бўлимида туркий тилнинг грамматик қонун-қоидалари баён этилади. Мазкур бўлимда сўз таркиби, сўз ва шакл ҳосил қилувчилар, ҳар қайси туркумга хос категориялар, синтактик муносабатлар ва туркий тилнинг бошқа шу каби хусусиятлари ўша давр тилшунослиги нуқтаи назаридан таҳлил этилган. Маълум бир қоида айтилгач, мисоллар билан таъкидланади. Бу бўлимдан эски туркий тил грамматикасига оид жуда кўп материал олиш мумкин.

Умуман, "Аттуҳфа" туркий тилнинг мукаммал илмий грамматикасидир. Шунинг учун ушбу асарнинг эски туркий адабий тилини ўрганишдаги аҳамияти катта.

Қисаси Рабғузий¹. XIV аср турк насрининг қимматли ёдгорликларидан бири Бурхон ўғли Насируддин Рабғузийнинг "Қисаси Рабғузий" асариdir. Рабғузий Хоразмдаги Работ үғуз деган жойнинг қозиси эди. Бу ҳақда асар муқаддимасида шундай таъкидланади: "... Бу китабны түзгән, тә'атт ийолында тизгән, ма'сийатт ийабанын көзгән, аз азуклуғ, көп иазуклуғ Рабат оғузының қазиси Бурхан оғлы Насируддин уруғы... андағ айттур". Рабғузий ушбу асарини мусулмон мұғұл белгелерден бири Насируддин Гүқбуганинг илтимосига күра ҳижрий 709 (мелодий 1309—1310) йилда ёзған. Тажу-л-умара² ва муҳиббу-л-улама³ бәгләр уруғы, иигитләр арығы, улуг атлығ, құтлуғ зәттәліғ, әзгу қылқылғы, ислам йарығлық, мөгүл санылығ, мусулман динлығ, әдамийлар инәнчи, мо'минлар күвәнчи, ҳимматы әдиз, ақлы тәғиз бәғимиз Насируддин Тоқбуға.."

Муқаддимада таъкидланишича, Рабғузий пайғамбарлар ҳақида яратылған қиссаларнинг билимдөни эди. У үзига қадар яратылған қиссаларнинг ишончлilarини ҳам, аниқ бүлмаганларини ҳам яхши биларди. Шунинг учун уңдан улуғ анбиёлар ҳақида асар ёзіб беришини илтимос қиладилар. "Тарих ийз эллиниң аввалида қасуд битилдиким, пайғамбарлар қиссаларынға ғайат рағбатым бар. Тәкмә ийэрдә тәкмә ким әрсәдә булынур ба'зисы мустақим бар, ба'зисы нағастақым. Бир анчасы муқаррар ва бир анчасы мубаттар бар. Бир азының сөзләри кәсүк бар, бир азының мақсұлдары өксүк. Эмде сәнүң зиямандын чықған, қаламуңдын ақған, китабатма сәниң, ибаратта сәниң болуб бизге "Қисасу-л-анбийа" болса, оқумақға кәрәкlig, өгрәнмәкгә ىарағлығ болғай эрди, тәб илтимәс ىаңлығ ишәрәт болды әрсә, нәчәмә өзүмни ул ишқа лайық, ул амалға мұвағиқ әрмәсін билмиши әркән өзүмни ағырлаб нағс сақламыш болуб оғур болсун тәб бу ишқа оғрадымыз."

"Қисаси Рабғузий"нинг турли давларда күчирилған құләзмалари бизгача етиб келган. Мавжуд құләзмаларнинг энг экиси ХУ асрға мансуб бўлиб, ҳозир Британ музейида сақланмоқда. Эски құләзмалардан яна бири Россия ФА Шарқшунослик институтининг Санкт-Петербург бўлимида

¹

Насируддин Бурхонуддин Рабғузий. Қисаси Рабғузий. I—II (Нашрга тайёрловчилар: Э. Фозилов, А. Юнусов, Ҳ. Дағабаев). Тошкент, 1990—1991.

С—245 рақами остида сақланмоқда. У XV—XVI асрларда күчирилганды деб таҳмин қилинади.

Асарнинг бошқа құләзмалари кейинги асрларда күчирилганды бұлиб, уларнинг тили вақтта қозосига күра ўзгариб борган. XIX асрнинг иккінчи ярми ва XX аср бошларыда асар Тошкент, Қозон шаҳарларыда литография асосида ҳам бир неча бор нашр қилинған.

Хусрав ва Ширин.¹ XIV аср туркий адабиётининг муҳим асарларыдан бири Қутбнинг "Хусрав ва Ширин" достонидир. Асар Низомийнинг шу номлы достонига ўхшатма тарзда яратылған. Уннинг близгача бир құләзмаси сақланған холос (жамы 280 саҳифа). Құләзма 1383 йилда Мисрда күчирилганды бұлиб, ҳозыр Париж Миллий кутубхонасида сақланмоқда.

Қутб ўз достонини Олтин Үрда хонларыдан бири Тинибекка бағишлидай. Асар 90 бобдан иборатдир.

Асар тили фонетик, лексик, морфологик жиһатдан ўзи билан деярлы олдинма-кетин Олтин Үрда адабий муҳитида яратылған Хоразмийнинг "Мұхаббатнома"си, 1391 йилда Мисрда яратылған Сайфи Саройининг "Гулистон" асарлары тилидан фарқланади. Асар тили эски туркийдан эски ўзбек тилиге ўтиш жараёнини акс эттирган дейиш мүмкін. Уннинг тили ҳақида тасаввур тұғдириш мақсадида асардан қойылады шеърий парчани көлтирамиз:

Нэтэг шаҳ таптыңа бир барға-мэн тәб
Бу көңүл қазгусыны тарға-мэн тәб
Көрүб көңлүм ким асру рагбатым бар
Буйурды ким қатығлан эмди эй йәр
Равайн эй Қутб тәркин көч болор бил
Нә билгәйләр сәни сезләтмәсәң тил
Низәмий назмы йаңлығ түз сезүнды
Анын билгүт ханыңға бу өзүнни
Ханым бирлә малика атыңа бир
Китабы қылғуқа қыл тәди тадбир

Наҳжу-л-Фарадис². XIУ аср туркий насли намуналаидан бири Маҳмуд бин Али бин ас-Саройининг "Наҳжу-л-Фарадис" асаридир. Буннинг маъносини асар сұнгыда берилған қойылады жумладан билиш мүмкін: Бу китабқә Наҳжу-л-Фарадис дәйіу исм қызынды ма'нисы учмақлар-

1

Қаранг. Наджип Э. Н. Историко-сравнительный словарь тюркских языков XIУ века, книга I, М., 1979.

2

Қаранг: Наджип Э. Н. ўша китоб, 51—67-б.

ның ачық йолы тәмәк олур (Бу китобга "Наҳжу-л-Фарадис" деб исм берилди, маъноси жаннатларнинг очиқ йўли демак). Асар 1357—1358 йилда Олтин Ўрданинг пойтахти Сарой шаҳрида битилган.

Асарнинг бизгача бир қанча қўлләзмаси сақланган. Улар Истанбул, Қрим (Ялта), Қозон ва Санкт-Петербургда сақланади. Булар орасида энг муқаммали ва қадимиylари Истанбул ва Қрим нусхалариdir. Қозон ва Санкт-Петербургда сақланаштганлари бирмунча кейинги асрларга мансуб булиб, тўла ҳажмли қўлләзмалар эмас. Асарнинг айrim қисмларидир.

"Наҳжу-л-Фарадис" ҳар қайсиси ўн бўлимдан иборат бўлган тўрт бобдан ташкил топган. У исломнинг қонун-қоидалари, мусулмонликнинг фарзлари ҳақида маълумот берувчи диний-ахлоқий характердаги асар булиб, этнографик, тарихий маълумотларга бой. У тил ёдгорлиги бўлибгина қолмай, балки туркий адабиёт тарихини ўрганишда ҳам қимматли манбадир. Асар содда тилда ёзилган. Айrim мисоллар келтирамиз:

Тақы күрәгуси эрди "Яна күёви (ҳам) эди"
Бу қулны мэн ызмадым "Бу қулни мен юбормадим"
Ахшам болмышда қедин "Оқшом бўлгандан кейин"
Эшумгэ бардым "Уйимга бордим"
Бу йавуқ йэрдә туур "Бу яқин ерда туурур"
Бир қач тәвә "Бир қанча түя"

Муҳаббатнома¹. Хоразмийнинг мазкур асари 1353 йилда яратилган булиб, дунёвий адабиётнинг энг ажойиб намуналари қаторида туради. Бизгача асарнинг уйғур ва араб ёзувларида кўчирилган бир қанча қўлләзмаси етиб келган. Уйғур хатидагиси уларнинг энг қадимгисидир. У 1432 йилда Яздда Мансур бахши кўчирган мажмуададир. Мажмуага "Муҳаббатнома"дан ташқари "Сирожу-л-қуслуб", "Роҳату-л-қуслуб", "Масъала китоби" каби насрый асарлар, Лутфий ва бошқа бир қанча ўзбек мумтоз адабиёти намояндаларининг ғазаллари, айrim тўртликлар, ҳошияга эса Камол Исфаҳонийнинг форсий девони киритилган. Мажмуя ҳозир Британ музейида сақланмоқда (тартиб рақами Ог8193).

¹ Каранг: Щербак А. М. Огуз-наме. Махаббат-наме. М., 1959. С. 113—170.

² ўша асар, 115—123-б.

Құләзмада "Мұхаббатнома" достонидан кейин унинг құчирилған санаси шундай қайд этилади: Тамам болды Мұхаб (б) атнама китабы. Қутлуғ болсун тарих сәкіз йуз отуз бәштә чычқан йыл рахаб айның алтысында Йазд шаҳрында Мир Жалал(ид)дин буйурған үчүн бу фақир Мансур баҳшы бит(и)ди.

Асарнинг бошқа нусхалари араб ёзувиададир. Араб ёзувили нусхалардан бири XVI аср бошларига (1508—1509) мансуб, Құләзма Британ музейінде Ad. 7914 рақами остида сақланади. Бу құләзмаси илм дүнёсиге дастлаб топилған нусхадир. Ганжай, А. Шчербак, А. Нажиб дастлаб мана шу юқорида тилга олинган икки құләзма асосида нашрлар зылон құлдилар. Кейинчалик асарнинг араб хатидаги яна икки құләзмаси маълум бўлди. Турк олими У. Сартқая мазкур нусхаларни нашр эттирган. Мазкур икки құләзма тўлиқ эмас.

МАҲМУД КОШГАРИЙ ТУРКИЙ ДИАЛЕКТЛАР ХАҚИДА

Маҳмуд Кошгариининг "Девону луғатит турк" асари эски туркй тилнинг диалектал хусусиятларини ўрганишда қимматли манбадир. Мазкур асарда, ўрни билан, диалектлар орасидаги фарқлар, уларнинг фонетик, лексик-семантиկ, морфологик жиҳатлари баён этилади. Муаллиф таъбири билан айтганда, унда "Ҳар бир қабиланинг ўзига хос хусусиятларига кўра қиёсий қоидалар тузилган" (I, 47).

Маҳмуд Кошгарий диалектларнинг катта бир гурухини (бу ўринда етакчи диалектларга асосланган адабий тил назарда тутилади) "турк", маълум бир диалект, қабила, уруғларни уларнинг номи билан (жумладан, ўгуз, қипчоқ, чигил ва б.) умумлаштиради. Ора-орада уларнинг етакчи диалектлардан (яъи "туркча"дан) фарқли томонлари, ўзига хосликлари қайд этиб ўтилади.

Сүғдақ, канжак, аргулар, хұтанлилар, тубут ва тан-гутларнинг баъзилари сүғда ва туркча сўзлашувчилар гуруҳига киритилған. Муаллиф туркча ва сүғдча сўзлашувчилар ҳақида гапириб, уларнинг тилида "бузуклик бор" лигини қайд этади (I, 65). Чамаси бу ўрнида мазкур икки тилли халқларнинг туркй тилни бузиб гапиришлари назарда тутилған.

Қўйида девонда берилған диалектал хусусиятлар ҳақидаги маълумотлар устида тўхталамиз.

Диалектлардаги ушбу фонетик хусусиятлар күрсатылади. Турклардаги сүз бошида кслувчи *й* ўгуз ва қипчоқларда түшиб қолади ёки *й* (эҳтимол *ч*?) га айланади: йэлкин — элкин "мусофир"; йылығ сув — ылығ сув "илиқ сув"; йинжү (йинчү) — жинжү (чинчү) "дур, марварид"; йүгдү — җүгдү (чугду) "туяниңг узун юнги" (I, 67); йэтти — җэтти (чэтти) "етишди"; йундум — жундум (чундум) "ювиндим" (II, 364), йиги — җиги (чиги) "пишиқ" (III, 249). Кошгариининг таъкидлашича, "турклар билан ўгузлар орасидаги бу хусусият ўзгармовчи, доимий булган" (II, 364).

Сүз бошидаги *м* ни ўгузлар, қипчоқ ва суворинлар бга айлантирадилар: *мэн* — *бэн* "мен", *мүн* — *бүн* "шұрба" (I, 67).

Сүздеги *т* ни ўгузлар ва улар яқинидагилар д га айлантирадилар: *тәшәй* — *дәшә(й)* "туя", *өт* — *өд* "тешик" (I, 67); *тақы* — *дақы* "тагин" (II, 227).

Туркий қабилаларнинг күпгина сүзларидаги д ўгузларда *т* га айланади: *бүгдә* — *буктә* "ханжар", *йигдә* — *йиктә* "жийда" (I, 67).

Сүз ўртаси ва охирида келган *й* ни аргулар н га алмаштирадилар: *қой* — *қон* "қүй", *чығай* — *чыған* "камбағал"; *қайу* — *қану* "қайси" (I, 67).

"*— билан* махражлари орасидаги" (I, 68) ини ўгузлар ва уларга яқын турувчилар в га айлантирадилар: *әш* — *әв* "үй", *ау* — *ав* "ов" (I, 68).

Ўгуз ва қипчоқлар (халачларнинг бир тоифаси) сүз бошидаги *қ* ни *х* га айлантирадилар: *қайу* — *хайу* "қайси" (III, 237), *қызыым* — *хызыым* "қизим", *қанда* — *ханда* "қаерда" (III, 238).

Тишиш *з* ли сүзларни құллашда Маҳмуд Кошгари туркий диалектларни уч гурухға бұлади:

1) Тишиш *з* билан сүзловчилар. Буларга чигил ва бошқа туркий қабилалар киритилади. Жумладан "чигилча" деб күрсатылған сүзлар: *бозун* "халқ" (I, 379), *азын* "бошқа, бұлак" (I, 105).

2) Яғмо, тухси, қипчоқ, ябақу, татар, қай, жумул ва ўгузлар *й* га айлантирадилар, ҳеч маҳал *з* билан

1

Девонда *ч* билан *ж* бир қарғ воситасида (*ж*) ифода этилған. Нашрға тайёрловчилар бу қарғ билан келған сүзларні *ч* билан, яни йинжү, жығай шаклида транскрипция қылғанлар (қаранг: I, 67). Назаримизда бундай сүзларни йинчү шаклида транскрипция қилиш маъқулға ўшшайди. Чунки туркларда *ж* лашиш кейинги ҳодиса. Қадимда унинг ўрнида *ч* келған.

сүзламайдилар; қазың — қайың "қайин дарахти", қазың — қайың "қайнага" (I, 68), азыр — айрык "ажрик, бир ўт" (I, 136), бағрам — байрам "шодлик куни" (I, 447).

Айрим үринларда бу диалектлар "ни й га айлантирувчилар" деб күрсатилган: боҙун — бойун "жамоа" (III, 183), кәзүк — кәйүк "намат ва кигизлардан қилинган ёмғир ёпинчиғи" (III, 182).

3) Қипчоқ, ямак, сувор, булғорлар ҳамда русларга ва Румга қадар бориб тақаладиган бошқа қабилалар з га айлантирадилар: *азақ* — азақ "оёқ", *төздө* — төздө "түйди" (I, 68), *қазың* — қазың "қайин" (I, 383).

Шунингдек, үгезлардаги й ни қипчоқлар з га айлантирадилар: *өйлә* — *өзлә* "пешин" туш вақти" (I, 137).

Үгез ва қипчоқларда товуш тушиш ҳодисаси кузатилади: *тамғақ* — *тамақ* "бұғиз", *чумчұқ* — *чумук* "олақарға", *бараган* — *баран* "бораверадиган", *ураган* — *урал* "хадеб уравверадиган" (I, 69).

Диалектларда, Кошгариининг мисол келтиришига күра, ч нинг ж га (сирғалувчи) күчиши [эрінч — эринж "машат", фарофат] (I, 152)], жаранглиининг жаранглизлашуви [бышық — яғмоларда бышығ "пишиқ" (I, 360)] каби фонетик параллелизмлар, шунингдек, метатеза [қошны үгезларда қоныш "қүшни" (I, 408)] ва бошқа фонетик ҳодисалар ҳам кузатилади.

Морфологик хусусиятлар. Девонда ўша давр диалектлари орасидаги морфологик ўзига хосликтар ҳам ёритилген.

Жумладан, күпчилик туркларда буйруқ бирлик учун *бар*, икки киши бұлса, *барыңлар* иккигү (икковингиз боринг), күплик үчүн *барыңлар* қамуғ шаклида құлланилған. Барың шакли ҳурматни ифодалаган. Үгез ва қипчоқлар бирликда бар, күпликда эса барың дейдилар. Ҳурмат маъносида *барыңыз* дейдилар (II, 51).

Турклар ўтган замонда ҳурмат маъносида *бардыңыз* дейдилар. Үгезлар эса буни фақат күпликда (ҳаммангиз бордингиз) құллаганлар (II, 52).

Феълнинг ўтган замон шаклини ҳосил қилишда диалектлар икки гурухға ажралади: яғмо, тухси, чигил, аргу, уйғур, то Чингача бұлған ҳамма қабилалар -ды, -ди // -ты, -ти аффиксiniң құшиб ясайдилар: *барды* "борди", *кәлди* "келди" каби. Бу шаклини үгез ва қипчоқларнинг бәзилари — суворинлар *-дүк*, *-дүк* аффикси орқали ясаганлар. Буларда бирлик ва күплик шаклда фарқ қилмаган:

мэн йа құрдүк "мен ёй құрдим", биз йа құрдүк "биз ёй құрдик" (II, 64), ол қәлдүк "у келди", биз қәлдүк "биз келдик" (II, 65). Бұлишсиз шаклини ҳам солишириңг: бармады (туркларда) — бармадуқ (үгузларда) "бормади" (II, 66).

Феълнинг келаси замон шакли үгузларда қисқарған аффикс орқали ясалған: бошқа туркларда *барырман* — үгузларда *барыран* "бораман", бошқаларда *йа қуарар-мэн* — үгузларда *йа қуаран* "ёй қураман" (II, 68).

II шахс бирликда шахс-сон -и, аффикси билан ясалған: *тапындық*. Баъзи аргулар тилида у-ғ (-ғ)га айлантирилған: *тапындуғ* "топиндинг", сән аны қацурудуғ "сен уни қочирдинг" (II, 194).

Чигил, қашғар, аргу, барсаған, уйғур ва юқори Чингача бўлган қабилаларнинг ҳаммаси-гучы, -гучи // -қучы, -кучи аффиксли сифатдошни қўллаганлар: қапгучы "ўғирловчи" сувгаргучы "суғарувчи", сағқучы "соғувчи" (II, 55). Үғуз, қипчоқ, яғмо, угроқ, суворин, бажанак, то русларгача бўлганлар унинг ўринда сифатдошнинг -дачы, -дәчи // -тачы, -тәчи аффиксли шаклини қўллаганлар: бардачы "борувчи", турдачы "турувчи" (II, 53).

Чигил, яғмо, тухси, аргу, уйғур, то юқори Чингача бўлган ҳамма қабилаларда "исми замон", "исми макон" фесъл үзагига -ғу, -ғу // -ғу, -ғу аффикси қўшиб ясалған бўлса, үгузлар, қипчоқ, бажанак, булғорларда феълнинг буйруқ шаклига -асы, -эси аффикси қўшиб ясалған: *Бу йа қурғу оғур эрмас* — *Бу йа қуласы оғур тәғүл* "Бу ёй қурадиган пайт эмас", *Бу турғу йэр эрмас* — *Бу турасы йэр тәғүл* "Бу турадиган жой эмас" (II, 71).

Лексик хусусиятлар. Маҳмуд Кошгарий ўз давридаги диалектларнинг лексик хусусиятларини ҳам кўрсатишга ҳаракат қилган. Мазкур асарда ўша даврда истеъмолда бўлган сўзлар ўрин олган бўлиб, умумхалқ тилининг лексик бойлиги акс эттирилган. Айрим ўринларда туркий бўлмаган сўзлар ҳам (жумладан, сүғдча) келтирилади, бу эса ўзлашган сўзларнинг маълум қисми ҳам лугатдан ўрин олганини кўрсатади. Муаллиф сўзларни изоҳлар экан, ўрни билан уларнинг қайси бир диалектга мансуб эканлиги, диалектлардаги ўзига хос маъно хусусиятлари ва бошқа муҳим томонлари ҳақида ҳам тўхталиб ўтади. Бу эса ана шу сўзларнинг диалектал табиатини очиб беради.

Шу ўринда Маҳмуд Кошғарий томонидан маълум бир диалектга мансуб деб изоҳланган сўзлардан келтирамиз.

Ўғузлар қўллайдиган сўзлар: ашақ "тубан, қуи" (I, 97), алъиқ "қуш тумшуғи" (I, 98), экин, экин экиладиган ер" (I, 107), үйэз "кичик чивин" (I, 112), арсу "ҳар бир жун нарса" (I, 48), ҳар (чар) "вақт" (I, 312), чэр "рӯпара" (I, 312), эндек "сатҳ" (I, 130), өркән "қайиш" (I, 132), эйлә "шундай" (I, 137), этрәк "ранги сариқ одам" (I, 127), памук "момиқ, пахта" (I, 360), төләк "тинч ва оғир киши" (I, 368), сынду "қайчи" (I, 395), қарынчақ "чумоли" (I, 460), сәчә "чумчуқ" (III, 238) ва б.

Чигиллар қўллайдиган сўзлар: уð "сигир" (I, 80), ажун "дунё" (I, 106), үзи "икки тог орасидаги кенғ йўл" (I, 116), айбақ "кал" (I, 139), өткى "эваз, бадал" (I, 149), чэкк "чечак касаллиги" (I, 369), саман "сомон" (I, 392), қучғунды "пиёз" (I, 454).

Қарлуқча сўзлар: улъичым "ўғилчам, қарофим" (I, 86), суғут "сузма" (I, 337), ыт кәрди "ит вовуллади" (II, 15)

Қипчоқча сўзлар: өкил "кўп" (I, 103), аба "айиқ" (I, 113), сулақ "қора жигар" (I, 390), ажан "икки елканли кема" (I, 144).

Аргуча сўзлар (арғулар икки тилда сўзлашувчилар деб кўрсатилади — I, 65): урлуқ "оғил, молхона" (I, 124) изрик (< ирик) "қаттиқ нарса" (I, 128), оғла "ёш йигит" (I, 149), қызы киши "бахил одам" (I, 315), бүк "бурчак" (I, 321), чигит "пахта уруғи, чигит" (I, 337), көзәж "кўза" (I, 341), қафық "ёғоч идиш" (I, 363), тудрыч "гўнг" (I, 422), баштар "ўроқ" (I, 424), битрик "писта" (I, 441).

Яғмоча сўзлар: чарун "чинор дарахти" (I, 392), чигна "сурги" (I, 408).

Булғорча сўзлар: awyc "мум" (I, 91).

Барсағанча сўзлар: арығ "чодир пардаси" (I, 94), түнәк "зиндоң" (I, 387), сөкти "кепак" (I, 394), ачы "кекса хотин" (I, 114).

Қашқарча сўзлар: сибут "кашнич" (I, 337), бутық "кичик меш" (I, 358).

Туркманча сўзлар: қарыт "ўғирлаш, талаш" (I, 338), мақуқ "тобуқ" (II, 330).

Канжакча сўзлар: кәнбә "бир ўсимлик" (I, 393), көркә "ёғоч кося" (I, 405).

Девонда бир гурух сұзлар бир қанча диалектлар учун умумий бўлган деб кўрсатилади. Жумладан, қуйидаги сұзлар ўғуз ва қипчоқларда қўлланниши таъкидланган: алыф "ҳар нарсанинг қайтарилиши" (I, 95), арық "ориқ, заиф" (I, 97), чуфға (чуwfa?) "йўл бошловчи, раҳбар" (I, 400). Ёки яна мисолларни кузатинг: эбмәк "нон" (яғмо, тухси ва баъзи ўғуз ва қипчоқлар сўзи) (I, 126), урга "катта дарахт" (ўғуз ва аргуча) (I, 148), бэнәк "уруг" (арғу ва баъзи диалектларда) (I, 367).

Айрим сўзлар бир диалектда маълум бир шаклда бўлса, иккинчи диалектда унинг ўрнида бошқа сўз қўлланилган. Бу нарса Маҳмуд Кошгари томонидан ҳам алоҳида қайд этилган. Масалан, бошқа турклар идиш, коса, пиёлани айақ десалар, ўғузлар унинг ўрнида *жанақ* (чанақ) сўзини қўллаганлар (I, 112), турклар азын (бошқа, булак) десалар, ўғузлар азруқ деганлар (I, 124), бошқалар камар, тўқа ва эгарнинг бошига ўрнатиш учун олтин-кумушдан ишланган зийнатни *устәм*, ўғузлар эса *саҳт* деганлар (I, 131), турклар алмыла (яъни олма) десалар, ўғузлар алма сўзини қўллаганлар (I, 150), бошқа турклар ҳар бир оқ рангни *өryүқ*, ўғузлар ақ // а : деганлар (I, 153) бошқалар шароб, мусаллас, майни *сүчик*, Ила водийсида яшовчилар (яғмо, тухси ва чигиллар) майни қызыл *сүчик* деб атаганлар (I, 387). Кўпчилик турклар чықты десалар, яғмо, тухси, ябоку, қипчоқ ва баъзи туркман уруглари худди шу маънода *ташықты* сўзини қўллаганлар: Эр эвдин *ташықты* "Одам уйдан ташқарига чиқди" (II, 131).

Лексик қатлам орасида бир диалектда маълум маънода, бошқасида иккинчи маънода қўлланувчи сўзлар ҳам бўлган: Чигил туркларида улуш сўзи "қишлоқ" маъносида қўлланилган бўлса, Баласагун ва уларнинг юқори ёнидаги аргулар тилида "шаҳар" маъносини англатган (I, 94), бошқа туркларда иңәк сўзи "сигир" маъносида қўлланилган бўлса, ўғузлар тошбақанинг ургочисини шу сўз билан атаганлар (I, 135), бошқалар ошхонани ашлық, ўғузлар боғдойни ашлық деганлар (I, 137), бошқа турклар бургутни ва Муштарий юлдузини қара қуш деб атаган бўлсалар, ўғузлар тия оёқларининг учига ҳам шу сўзни қўллаганлар (I, 319). "Кэнд — ўғузлар ва улар билан яқин турувчилар тилида қишлоқ. Кўпчилик турклар наздида

вилоятдир" (I, 330), бошқа турклар құрт (ҳашарот)ни құрт деганлар, фақат үғузлар бүрини шундай деб атаган (I, 328), бошқалар одамлар орасидаги шодлик ва кулгини баҙрам, үғузлар ҳайт кунини байрам дейдилар (I, 447). Турклар сән сүзини кичикларга, хизматчиларга ҳамда сүзловидан даража, мартаба, ёшда қуи бұлган кишиларга нисбатан құллаганлар. Үзларидан юқори ҳурматли кишиларни сиз деганлар. Үғузлар эса, аксинча, катталарга сән, кичикларга сиз, деб құллайдилар. Күпликда ҳам шуни ишлатғанлар (I, 326). Күпчилик туркларда чапылды сүзи "сувалди, чапилди" маъноларини англатған бўлса, уйғурларда бу сўз "бўйнига урмоқ" маъносидадир (II, 135).

Полисемантик сўзларнинг баъзи бир маънолари айрим диалектлардагина амал қиласан. Чунончи, үғузларда чақды сўзининг "эшиттири, айтди" маъноси ҳам қўлланилган: ол сөзуг анын қулақка чақды "у сўзни қулоғига эшиттири" (II, 24). Соқды (майдалади; чўқиди; чақди) сўзининг "чақмоқ" маъноси үғузларга хосдир: аны йылан соқды "уни илон чақди" (II, 26).

Бир гуруҳ сўзлар диалектларда услубий жиҳатдан ҳам чегараланған эди. Жумладан, қылды салбий маънода ҳам қўлланилгани сабабли, үғузлар ундан қочиб, унинг ўрнида этти сўзини қўллайдилар: эр йўқунч этти "одам намоз ўқиди". Турклар эса қылды сўзини қўллаганлар (II, 33). Ёки турклардаги тэкинди — "эришди, мұяссар бўлди" маъносидаги сўзни, девон муаллифининг ёзишича, үғузлар "ёқтирмайдилар" (II, 166).

Ўзлашған сўзларнинг миқдори бўйича ҳам диалектлар орасида фарқ бўлған. Буни Маҳмуд Кошғарийнинг қуйидаги маълумотида ҳам кўрамиз: "Ўғузлар форсийлар билан аралашгач, баъзи сўзларни унутдилар ва уларнинг ўрнига форсийча сўзлар қўллай бошладилар: қумған ўрнида офтоба; бақан ўрнида қалыда (бўйин тумор)" (I, 406).

ЭСКИ ТУРКИЙ АДАБИЙ ТИЛИНИНГ ФОНЕТИК ХУСУСИЯТЛАРИ

Ёдгорликларнинг ёзув ва товуш хусусиятлари эски туркий тилда ёпиқ э унлиси ҳам фарқланганидан далолат беради. Мазкур унли олд қатор э нинг торайиши нати-

жасида унга эш (вариант) сифатида шаклланди. Юмшоқ, ўзак, шаклларнинг маълум қисмида сўз боши ва сўзниң биринчи бўғинидаги ə ёки и эски туркий тилда э га айлана бошлади. Қадимги туркий тилда ət — эски туркийда ət, əb — əw, əl~il — əl, əsh~ish — əsh, ӣэр~ӣир — ӣэр, ӣэти~ӣити — ӣэти "7", bəg — бəг каби. Шунинг учун ҳам эски туркий тилда унлилар сони қадимгидан битта ортиқ: a, ə, ə, ы, i, o, ө, ү, y.

Араб хатида ёдгорликлар тилидаги тўққиз унли уч ҳарф ва ҳаракатлар билан ифода этилган: 1 ҳарфи a, ə билан бирга ə ни, ə ҳарфи o, ө, у, y ларни, 2 эса ы, i и билан бирга ə ни ҳам англатган. Уйғур ёзувида бу унлилар тўрт хил шакл воситасида ифода этилган: a—ə—ə; ы—i—ə; o—y; ө—y

Эски туркий тилда ҳам бирламчи чўзиқ унлилар фарқланган. Бундай чўзиқлик ёзма ёдгорликларда ҳам маълум даражада акс этган. Жумладан, уйғур хатида чўзиқлик ҳарфларни иккилантириб ифода этилган. "Қутадғу билиг"нинг уйғур ёзувли Вена қўлёзмасида ана шундай чўзиқликни кузатамиз: ө:ч "ӯч", у:з "ҳунарманд", қо:ш—"қўшмоқ", тө:р "уйнинг тўри", қу:ш "қуш", тү:ш "туш" каби. Араб хатида чўзиқлик алифу мадда (Т) ва қўш алиф (И), баъзида унлиларни тўлиқ ифодалаш билан ифода этилган. Жумладан, Маҳмуд Кошгарий бир қатор сўзларни қўш алиф билан келтиради: չ||a: ч "оч", ڦ||a: ш "ош, овқат", ڦ||a: w "ов", ڦ||a: л "хийла", ڦ||a: ў "ой" каби.

Ёдгорликларда чўзиқлик доимо ёзувда фарқланавермаган. Ёзувда фарқланмаган бўлса ҳам улар, ўрни билан, чўзиқ талаффуз қилинаверган. Шу билан бирга, чўзиқлик қисқа ёки оддий товушга айлана олиши мумкин бўлган. Шунга кўра чўзиқ унлиларни оддий унлиларнинг фонетик варианти сифатида қарааш тўғрироқ бўлади.

Консонантизм борасида ҳам эски туркий ёдгорликлар тили қадимги туркий ёдгорликлар тилидан маълум жиҳатлари билан фарқланади.

XI—XIV аср ёзма ёдгорликлари тилида жарангсиз n, t, c, sh, ч, қ, к, x ундошлари, жарангли б, в (~ w), д (~ ڏ), з, ڦ, f, g ундошлари, м, н, ң, р, л, ӣ сонорлари, шунингдек, ўзлашган сўзларда ж, ф, ڦ ундошлари мавжуд.

Ҳозир биз в деб ўқийдиган товуш ёдгорликлар тилемда иккى хил: лаб-лаб (*v*) ва лаб-тиш (*w*) товуши сифатида фарқланган. Бу даврда *w* етакчи бўлиб, у *v* га вариант сифатида қўлланилган: *v~w*. Шунингдек, эски туркӣ тилда тишора ғ ундоши ҳам мавжуд бўлиб, у *d* га вариант сифатида қўлланилган: *d~z*.

Араб хатида б билан *n*, *k*—*g*, *q*—*ğ* ундошлари асосан бир хил қарфлар билан ифода этилган (ج ك ب). "Қутадғу билиг", "Девону лугатит түрк", "Тафсир", "Муқаддамату-л-адаб" да в дан фарқли ҳолда *w* учун алоҳида қарф бор (ف // ق). Эски туркий тилнинг дастлабки ёдгорликларида ("Қутадғу билиг", Девон каби) ұзлашған сұзларда учровчи ж учун ҳам махсус қарф (ڙ) құлланылған: ازون اجعن "дүнё". Кейинчалик мазкур ж үрнида *q* учрайди (ачун).

Уйғур хатида б—п, в—w, с—з, т—д, к—г, қ—f—х, ч—ж—ж лар ёзууда фарқланмаган. Ўрни билан, у ёки бутовуш сифатида үқилаверган.

Урхун-энсой ёдгорликлари тида сүз бошида келувчи б эски туркйи ёдгорликлар тида м га айланган: бүц—мүн "мунг", бән—мән "мен", биң—миң "1000" каби.

Сүз ўртаси ва охирида келувчи *б* эса *w* (баъзан *v*) га айланади: *аб* — *эв* // эв "уй", *аб*—*aw* // ав "ов", суб—*cuv* // сув "сув", *табар* — *та w вар* // тавар "мол, товар" ва *б*.

Үрхүн-энэсөй битигларидаги назаллашган нь бу даврдаа га айлангаа, *көй-көй* "күй", *чығай-чығай* "камбагал".

Урхун ёдномаларыда фақат қ билан келувчи сүзлар бу давр тилида қ билан ҳам, х билан ҳам учрайди: қаған — ҳақан "хөкөн", қалық — қалық // ҳалық "осмон", қалы — ҳалы // қалы "агар", катүн — ҳатүн "хотин" каби.

Эски туркій ёдгорліклар тиляда д лашишдан һ лашишга үтиш жараені акс этган. Эски туркій тиленінг дастлабки ёдгорлікларида д-р билан құлланувчи сұзлар кейінгі давр ёдгорлікларида з ҳамда ә билан келади: *адақ-азақ-айақ*; ~~ә~~ *у-әзү-әзү-әзү*. Ҳатто баъзи асарларда бир сұзнинг д // ә // з // ә ли вариантлари учрайди. Масалан, "Тафсир"да: *әзү* // ~~әзү~~ // *әзү*. Бұхуссияттар манбалар тиляда д лашишдан һ лашишга силжиш жараеси акс этгандыгидан далолат беради.

Эски түрккің тиілдә араб ва форс тилларидан үзлашған суздарда қуиңдаги хұсусияттар күзатылады:

Сўз бошида *n*, *r*, *l*, *z*, *v*, *p*, *d* ундошлари кела олади: панд "панд", ганж "ганж", Луқман — исм, заҳмат "заҳмат", дуа "дуо", вафа "вафо", рабат "работ" каби.

Ўзлашган сўзларда *χ*, *φ*, *ж* ундошлари ҳам учрайди: шаҳим "шоҳим", насиҳат "насиҳат", испаҳсалар "си-паҳсалар", фида "фида", ажун "дунё".

Турклар ўзлашган сўзлардаги 'айн (E) ни талаффуз қила олмаганлар. Бу товушни улар туркчалаштирганлар: -ақл "ақл", -асл "асл", -умур "умр" ва б. Шунингдек, турклар ўзлашган сўзлардаги صَطْطَض ларни ҳам талаффуз қила олмаганлар. Уларни *t*, *c*, *з*, сифатида талаффуз қилғанлар. Лекин ўзлашган сўзларга ёзув принципи қўлланилган, яъни арабчада қандай ёзилса, туркий матнларда ҳам шундай ёзилган. Мисоллар: مِلْ مَاسَلْ масал, نِيزَامْ низам, سَابَا саба, عَصَاتَا атта.

ЭСКИ ТУРКИЙ АДАБИЙ ТИЛИНИНГ МОРФОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ

СЎЗ ЯСАЛИШИ

Эски туркий тилда сингармонизм қонуни (унлилардаги танглай ва лаб уйғунлиги, ундошлардаги жаранглилик ва жарангизлик уйғунлиги) амал қилгани сабабли ўзакка қўшилувчи аффиксларнинг ҳам фонетик вариантлари мавжуд. Жумладан, от ясовчи -*f* нинг юмшоқ -*g* варианти ҳам бўлган. Ўзакнинг табиатидан келиб чиқиб, у ёки бу варианти қўшилган. Масалан, *айт* сўзи қаттиқ бўлгани учун унга -*f* қўшиб янги сўз — *айтығ* (сўроқ) ясалган. Еки *утуг* (дазмол) сўзи тарихан *от* (олов)га эмас, балки *ут-* (қизитмоқ, куйдирмак; Навоийда *ут* — каллани ўтга тутиб, тукини тозалаш) сўзига боғланади. Шунинг учун унга аффикснинг юмшоқ -*g* варианти қўшилган. *От* га боғланганда эди, унга -*f* қўшилган бўларди, чунки *от* қаттиқ ўзак. Сўз ва аффикс орасидаги бундай уйғунликни кўрсатувчи мисоллардан истаганча келтириш мумкин: натижаси бир — сингармонизм қонунига амал қилинган.

Ҳозирги ўзбек адабий тилимизда сингармонизм, маълум даражада, чекланган булишига қарамай, туркий тилнинг қадимий хусусиятини кузатиш мумкин. Масалан, *ұтоқ* сўзида қ нинг қўшилганлиги табиий, чунки *ұт* (ўсимлик) тарихан қаттиқ ўзак (*от*). "Ўтказиб қўймоқ" маъносидаги *ұтказ* сўзига юмшоқ-каз қўшилади, чунки *ұт-* (*от*)

юмшоқ ўзак. "Дарахт ўтқазмоқ" маъносидағи ўтқаз сўзида эса-қаз келади, бунинг сабаби ўт (от) қаттиқ ўзакдир. Ёки ташқи, ичкى сўзларидағи -ки билан -ғи бир аффикснинг икки хил вариантидир: таш сўзи қаттиқ бўлгани сабабли унга -ғи; ич сўзига эса, аксинча, -ки қўшилади. Лекин қишики, ёзги сўзларида уйғунлик бузилган — уларга ўринсиз ҳолда юмшоқ -ки, -ғи қўшилган. Бу ҳозирги ўзбек тилида сингармонизмнинг бузилганлиги натижасида содир бўлган. Аммо сингармонизмни сақлаган бошқа туркий тилиларда ушбу сўзлар қышқы, йазқы шаклидадир.

Энди ҳозирги тенгқур сўзига эътибор берайлик. Ушбу сўздаги тенг — юмшоқ, қур — қаттиқ морфема. Тарихан юмшоқ ўзакка аффикснинг қаттиқ варианти қўшилмаган. Демак, бу сўздаги қур қўшимча эмас, мустақил сўз бўлиб чиқади¹. Яъни тенгқур тарихан қўшма сўздир. Қур ҳам "тенг" маъносини билдирган: тенг + тенг = тенгдош.

Кўринадики, тил тарихида аффиксация усули билан сўз ясалишида фонетик принцип етакчи ҳисобланган.

Энди эски туркий адабий тилидаги сўз ясовчи аффиксларни кўриб чиқайлик.

Бу давр тилида от ясовчи қўйидаги аффикслар қўлланилган.

а) исмдан от ясовчи аффикслар:

-чи, -чи: отачы "табиб, тапуғчи" "хизматчи", этукчи "этикдуз", элчи "эл бошловчи".

-лық, -лығ, -лик, -лиғ // -лук, -луғ, -лук, лүг: чигайлық "гадолик", бағырсақлық "мехрибонлик", кенилиқ "тўғрилик", көзлук "кўзойнак", әлиглик "қўлқон".

-даш, -дәш // -таш, -тәш: қолдаш "ҳамроҳ", қадаш "қариндош", көнгүлдәш "кўнгилдош", түдәш "рангдош, турдош".

-дурақ, -дүрүк: сақалдуруқ "қалпоқ бөғичи", бойундуруқ "бўйинтуруқ", көмүлдүрүк "от жабдуқи".

-лағ, -лақ, -ләғ, ләқ: тарығлағ "экинзор", өдләк "замон".

-дук, -дук: бурундуқ "жилов, нұхта".

-дың, -дин: айдың "оидин".

-сақ, -сәқ: қуруғсақ "мейда".

-сүқ, -сүқ: бағырсүқ "ичак".

¹ Тарихан қўшма сўз қисмлари турлича бўлиши ҳам мумкин. Масалан: Кўнтуғуды — исм.

-*ут*, -*ыт*: *өгүт* "үгит", *насиҳат*".

-*чақ*, -*чәк*: *бағырчақ* "әшак түқими", *тәринчәк* "хотин-ларнинг енгиз кийими, нимча".

-*чүқ*, *чүк*: *йанчук* "жамён; тұрва".

-*ч*: *ашыч* "қозон".

б) феълдан от ясовчиilar:

-*F*, -*г*: *батығ* "чүкүр", *айтығ* "сұроқ", *йарағ* "қурол", *қапуғ* "әшик", *қошуғ* "құшиқ", *битиг* "китоб", *билиғ* "билим", *өлүг* "ұлук".

-*K*, -*к*: *йазуқ* "гұнох", *қонуқ* "мәжмон", *қарақ* "күз", *йүргәк* "юрак", *кәчік* "кечиг", *үтиш жойи*", *тұнәк* "тұнаш жойи; зиндон", *тиләк* "тилак", *бичәк* "пичоқ".

-*M*: *ақым* "оқим", *сағым*, "соғим", *соғишлиқ*", *өлүм* "ұлым", *алым* "олим (қарз)", *бәрим* "берим (қарз)", *кәдим* "кийим".

-*Ч*: *өкүнч* "үқинч", *инәнч* "ишонч", *сақынч* "қайғы", *сөвинч* "севинч", *умунч* "умид".

-*ыт*, -*ит* // -*ут*, -*ыт*: *сығыт* "йиги", *йанут* "жавоб", *көзүт* "кийим", *қонут* "жой".

-*мақ*, -*мәк*: *қысмақ* "сиртмоқ, тузоқ", *чақмақ* "чақмоқ".

-*Fy*, -*қу*, -*гү*, -*кү*: *бычғу* "пичоқ", *қанағу* "наштар", *кулғу* "кулғи", *сүпүргү* "супирги", *кәрғу* "кийим".

-*әә*, *қа*: *биләә* "доно", *өгә* "ақлли, билимдон", *тилкә* "тилим, бұлак".

-*орғақ*, -*қақ*, -*әәк*, -*кәк*: *йатғақ* "соқчи", *турғақ* "посбон", *орғақ* "үроқ".

-*Fyn*, -*қүн*, -*гүн*, *күн*: *тұтғын* "асир, тутқун", *қачғын* "қочоқ".

-*сығ*, -*суғ*: *күн батсығ* "күн ботар, Фарб", *күн туғсуғ* "күн чиқар, Шарқ".

-*ыш*, -*иши* // -*уш*, -*ыш*: *тоқуш* "уруш", *үқуш* "үқув-идрок", *чықыш* "фойда, манфаат".

-*иң*: *ақын* "сел", *экин* "экин", *түгүн* "түгүн", *боғын* "бүгүн".

-*мыш*, -*миш*: *йәмиш* "мева".

-*мур*: *йағмур* "смур".

Сифат ясовчи қуйидағи аффикслар құлланилган:

-*лығ*, -*лиғ* // -*луғ*, -*лүг*: *йарағлығ* "яроқли", *үқушлуғ* "заковатли", *күчлүг* "кучли", *үнлүг* "овозали".

-*сыз*, -*сиз* // *суз*, -*суз*: *йарағсыз* "яроқсиз", *этсиз* "түштисиз", *көрксүз* "күрксиз", *тубсуз* "тубсиз".

-сақ, -сәк: бағырсақ "күнгилчан", тапуғсақ "садоқатли", удуғсақ "хүшәр".

-сығ, -сиг: құлсығ "құлсімон", әрсиг "әрсімон", бәсиг "бексімон".

-қы, -ки: йазқы "баҳорғи", әйкы "ёзги", қышқы "қишики".

-F, -қ, -г -к: ачығ "аччиқ", құруғ "құруқ", иұмшақ "юмшоқ", сұчуг "ширин", сәвүг "севимли".

-л: қызыл "қизил", түгәл "түгал".

-н: толун "тұлин (ой)", түзүн "түғри", әркін "әркін".

-уз, -үз: йауз "ёвуз".

-ры, -ри: әгри "әгри".

Эски туркій тилдә равишилар қуйидаги аффикслар орқали ясалған:

-ла, -лә: чынла "чиндан".

-лайу, -ләйү: адығлайу "айнідек", арсанлайу "арслондек".

-тәг: тәтир -тәг "туядек", бұлыт-тәг "булутдек", оқ-тәг "үқдай".

-ча, -чә: тиләкчә "тилаганича", кәдимчә "күйиш учун керагича".

-ру, -рү: әйтру "түгал", бұтру "бутунлай".

Феъл ясовчи қуйидаги аффикслар учрайди:

-а, -ә; -у, -ы, -и: ата "ата", йашна "яшна", аша "оша", күңә "зүрлик қил", тұна "тұна"; ағруды "огирлашды", байуды "бойиди", кәңүди "кенгайди"; өлиди "хұл бұлды".

-ла, -лә: қышла "қишила", қарала "қора ранг бер", қылышла "қиличла", сұлә "лашкар торт".

-да, -дә // -та, -тә: алда "алда", оқтатты "үқ оттириди", үндә "унда".

-ад, -әд, -аә, -әә: құтад "бахтга етказ", муңад - "мунгли қил",

буқаӡты "буқа бұлди", әрәзты "әрлар сафига ўтди".

- (а)р, - (ә)р: қарарды "қорайди", әскірди "әскирди", өрүқәрди "оқарди", көкәрди "күкарди".

-ғар, -қар, -ғәр, -қәр: атғарды "отға миндерди", отғарды "үтлатди", сұғарды "сүғарди".

-сын, -син: улуғсын "үзингни улуг тут", эжинди "үз уйи ҳисобланди".

-ик: бирик "бирик".

-ал, -әл: оңал "үнгаль, тузал".

-рәтт: өгрәт "үргат" ва бошқалар.

СҮЗ ТУРКУМЛАРИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАР

Эски туркий ёдгорликлар морфологик жиҳатдан анча ўзига хос. Уларда бир томондан қадимий шакллар сақланган бўлса, шу билан бирга, тилнинг кейинги даврларига хос хусусиятлар акс этган. Бундан ташқари XI—XIII аср ёдгорликлари билан XIУ аср обидалари тилида маълум фарқни кузатиш мумкин. Жумладан, "Қутадгу билиг", "Девону лугатит турк", "Ҳибату-л-ҳақойиқ" асарларида кўпроқ урхун-энасой обидалари тилига хос хусусиятлар сақланган, "Мұхаббатнома", "Хусрав ва Ширин"нинг тили эса XV аср асарлари тилига яқинлашади.

"Қутадгу билиг", "Девону лугатит турк", "Ҳибату-л-ҳақойиқ" каби асарларда келишиклар еттига. Мисол тариқасида, "Қутадгу билиг"¹ ва Алишер Навоий асарлари тилида қўлланилган келишикларни солишитириб кўрайлик:

Келишиклар	"Қутадгу билиг"да	Навоий асарларида
1. Бош к.	—	—
2. Қаратқич к.	-ның, -ниң, // -нуң, -нүң; -ыш, -иң // -ун, -үн,	-ның, -ниң // -нуң, -нүң,
3. Жұналиш к.	-қа, -ға, -қә, -ғә; -а, -ә; -ғәрү, -ғәр; -ру, -рү; -ра, -рә:	-қа, -ға, -қә, -ғә; -а, -ә; -на, -нә
4. Тушум к.	-ғ, -г (-ығ, -иг // -үғ, -үғ); -ны, -ни; -н; -ы, -и	-ны, -ни; -н
5. Ўрин-пайт к.	-да, -дә // -та, -тә	-да, -дә // -та, -тә
6. Чиқиш к.	-дан, -дән, -дын, -дин; -тан, -тән -тын, -тиң - дун, -дүн; -да -дә	-дын, -дин // -тын, -тин
7. Восита к.	-н (-ын, -ин // -ун, -үн)	

¹ Каримов К. Категория падежа в языке "Кутадгу билиг". Автореферат канд. диссерт., Ташкент, 1962.

² Абдураҳмонов F., Рустамов А. Навоий тилининг грамматик хусусиятлари. Тошкент, 1984, 51—68-б.

XV аср тилида келишиклар олтита. Қадимги туркий тил ва XI—XIII аср ёдгорликларида кўп учрайдиган восита келишиги бу даврда қўлланилмаган. Унинг вазифасини ўрин-пайт келишиги ва бирлә-била-илә кўмакчиси бажара бошлайди.

Шунингдек, "Қутадгу билиг", "Девону лугатит турк"да тушум келишигининг -ны, -ни; -н; -ы, -и аффикслари билан бирга қадимий -ғ, -ғ аффикси ҳам кенг қўлланилган: *Байат аты бирлә сөзүг башладым / Төрүтгән иғиғән кечүргән иўзим* — Худо номи билан сўзни бошладим / Яратган, парваришлаган, кечирган эгамдир (ҚБ). Отачы көзүг энчиләди — Табиб кўзни даволади (ДЛТ). Тушум келишигининг бу аффикси ҳам кейинчалик истеъмолдан чиққан. XI аср ёдгорликларидағи жўналиш келишигнинг -ғару, -қару, -ғару, -қару; -ғар, -қар, -ғар, -қар аффикси ҳам кейинги давларда учрамайди.

"Қутадгу билиг", "Девону лугатит турк"да баъзан чиқиш келишигининг -да, -да шакли ҳам учрайди: *Тақы мэндә йэгрәк сэн айғыл ача* — яна мендан дурустроқ, очиқ қилиб ўзинг айт (ҚБ), *Көгуш тут йигитлик кэчэр сэндә тэрк* (Йигитликнинг) қадрига ет, у сендан албатта қочади (ҚБ). Кейинчалик чиқиш келишиги бу шаклда ифода этилмаган.

Эски туркий тилда составли саноқнинг қадимги йэтийигирми (17), бэш отуз (25) типидаги тури учрамайди. Бу даврда саноқнинг янги усули қўлланилган: *отуз ики, он ики каби*.

Тартиб сон қўшимчаси -нч; -нчи, -нчи шаклида учрайди: бэшинч — бешинчи, онунч — ўнинчи, йигирминчи — йигирманчи каби.

"Қутадгу билиг", "Девону лугатит турк" ёдгорликларида ики га -нди аффиксини қўшиб, икинди шаклида ҳам қўлланилган.

Жамловчи сон саноқ сонга -агу, -эгу аффиксини қўшиш билан ясалган: *икәгу* — иккала, үчегу — учала. Ҳозирги -ала аффикси тарихан ўшанга бориб тақалади: *икәгу > икәу > икәв > икәв + -лан > икәвлән > икәвлә > икала*.

Эски туркий тилда кишилик олмошининг учинчи шахс бирлиги *ол* // ул бўлиб, келишиклар билан турланганда

a (и) - шаклини олади: *ақар*, *аны*, *андын*. Кишилик олмошлари турланганда *мәндін*, *сәндін*, *биздә*, *сизгә* билан бир қаторда *мәниңдин*, *сәниңдин*, *бизиңдә*, *сизиңдә* шакларида ҳам учрайди.

Күрсатиш олмошларидан бу, ол // ул, *ошибу*, *ошуул*, *муну*, *мундағ*, *андад* кабилар құлланилған. Бу олмоши келишик құшимчасини олганда сүз бошидаги б м га айланади: *муны*, *муның*, *муңар*; ол // ул олмоши *a (и)-* га ұзгаради: *аны*, *анда*.

Сүроқ олмошларидан *ким*, *нә*, *нәчә*, *нумә*, *нәкү*, *нәлүг*, *нәчүк*, *нәрек* (нима учун), *нәкү-тәг* ~ *нә-тәг* (қандай), *қайу* ~ *қану* (қайси), *қайда* ~ *қанда*, *қайуқа* (қаерга), *қанча*, *қач* (қанча), *қачан* кабилар мавжуд.

Эски туркій ёдгорликлар тилида ұзлик олмоши өз билан бирга баъзан кәндү олмоши ҳам учрайди.

Белгилаш олмошларидан *қамуғ*, *барча*, *тәгмә* кабилар құлланилған.

Сифатдошнинг -дачы, -дәчи // -тачы, *тәчи*; -дуқ, -дүк // -туқ, -түк; -ғлы, -глы; -ғу, -ғу // -қу, *ку*; -ғұчы, -ғұчи // -құчы, -құчи; -асы, -еси; -р (инкор шакли -маз, -мәз // -мас, -мәс); -ғалыр, -ғәлір; -мыш, -миш; -ған, -ғән // -қан, -қән; - (ы)ғсақ, - (и)ғсәк; - (ы)ғсық, - (и)ғсик; - (ы)ғсы, - (и)ғси; -нды, -нди аффиксли шакллари құлланилған. Мисоллар: *бардачы* — борган, *көрмәдүк* — күрмаган, *көрүгли* — күрадиган, *қылғу* — қиладиган, *кәлгүчи* — келувчи, *құрасы* — қурадиган, *йұрырда* — юрганда, *сүш бәрмәсә* сут бер (ДЛТ), *көнгәлір* — түғриланаётір, *қазмыш арық* — қазилған ариқ, *төрүтгән* — яратған, *кәлигсәк* — келған ва б.

Равишдош -*а*, -*ә*; -*у*, -*ү* (-*йу*, -*йү*); -*б*; -*бан*, -*бән*: -*мадын*, -*мәдин* // -*мады*, -*мәди*; -*ғалы*, -*ғәли* // -*қалы*, *қәли*; -*ғач*, -*қәч* // -*қач*, -*қәч*; -*ғынча*, -*ғинчә* // -*ғүнча*, -*ғүнчә* аффикслари билан ясалған: *тұзә* — тузиб, *мәңзәтү* — қиёслаб, *сынайу* — синааб, *битиб* — ёзиб; *қазибән* — кезиб, *бильмәдин* — билмай, *алғалы* — олгани, *әшиятқән* — эшиятқач, *тоғмағынча* — түймагунча каби.

Ҳаракат номи -*мақ*, -*мәк*, -*и* (-*ыш*, -*иш* // -*уш*, -*үш*) аффикслари, шунингдек, баъзан -*ғу*, -*ғу* // -*қу*, -*қу* билан ҳам ясалған: *тұзмәк* — тузмоқ, *бақыш* — қараш, *боқиши*, *айтығу* көрек — айтиш керак; *Қатығ ланғу ашын* тил алғу көрек / Бу тилдин *йағы* қылқы билегү көрек —

Мустаҳкамланиб, сўнг тил олиш керак, бу тилдан ёв қилигини билиш керак (ҚБ).

XI аср тилида ўтган замон феълининг -ды, -ты аффиксли шаклидан ташқари, ўрни билан, сифатдошнинг -мыши; -дуқ аффиксли шакллари ҳам ишлатилган. Сифатдошнинг -дуқ аффикси бир неча хил грамматик вазифани бажарган. Жумладан кесим вазифасида келиб, ўтган замон маъносини ифодалайди. Лекин унинг мазкур вазифаси айрим диалектлар, ёдгорликлар билан чекланган. -дуқ аффиксли шакл бу вазифада келганда учинчи шахс шаклида қўлланилган бўлиб, биринчи ва иккинчи шахслар учун ҳам шу шакли ишлатилаверган. Шахс-сонни ифодалаш учун кишилик олмошлари қўлланилган. Шунга асосан -дуқ маъно жиҳатдан -ды, -ты аффиксидан фарқ қиласиди: Мэн йа қурдуқ — Мен ёй қурдим (ДЛТ); Өзүң тапламадуқ бару қэлмәкиң — Бу ерга келмагинги ўзинг манзур кўрмадинг (ҚБ).

-мыш, -миш аффикси ҳам ўрни билан ўтган замон шакли сифатида ишлатилади: Йэмэ йақши аймыш бу өглуг киши — Мана бу оқил киши янада яхшироқ айтибди (ҚБ).

"Қутадгу билиг"да шахс-сон бошқа воситалар орқали ҳам ифодаланиши мумкин: Сәнга бэрди бу панд өзум эй оғул — Бу пандни ўзим сенга бердим, эй ўғил.

Мисолда биринчи шахс бирлик ўтган замон феълига эмас, ўзлик олмошига қўшилиши натижасида ифода этилган.

Шунингдек, иккинчи шахс бирликни кузатайлик: Муну сөзләдим сөз эшилти өзүң — Мана, сўз сўзладим, сен (еса) эшилдинг.

Ҳозирги-келаси замон -р (-ар, -эр, -ыр, -ир // -ур, -үр); -йур, -йүр, инкор шакли эса -маз, -мэз // -мас, -мэс аффикслари билан ясалган: қалыр — қолади, сөзлэйур — сўзлайди, болмас — бўлмайди каби.

Келаси замоннинг учинчи шахс бирлиги -ғай, -ғэй // -қай, -қэй, шунингдек, унинг қисқарган -ға, -ғә // -қа, -қә аффикси билан ясалган: қалғай ~ қалға (қолади) каби. Биринчи ва иккинчи шахс бирлиги эса -мэн, -сэн боғламаларини қўшиш орқали ҳосил қилинган: барғамэн — борғайман, кэчурғэй-сэн — (бошдан) кечирасан, ўтказасан.

Ҳозирги ўзбек тилидаги буйруқнинг иккинчи шахс қўшимчаси -гин эски туркий тилда -ғыл, -гил // -қыл, -кил; -ғын, -гин // -қын, -кин шаклида қўлланилган: турғыл ~ турғын каби.

Ҳозирги ўзбек тилидаги буйруқнинг учинчи шахс бирлиги -син ўринда -сун, -сүн; -суни, -суни; -су, -су қўлланилган: тэгурсун — етказсин, йашасуны — яасин, тэбрәсү — тебрансин.

Истакнинг биринчи шахс бирлиги -айын, -әйин; -айы, -әй: -ай, әй, кўплиги эса -алым, -әлим; -алы, -әли ёрдамида ифода этилган: барайын — борайин, синалым — синайлик.

Эски туркий тилда шарт майлиниг қадимги -сар, -сэр шакли учрамайди, фақат -са, -сә қўлланилган. Характерлиси, "Қутадғу билиг"да -са, -сә аффиксли шакл биринчи ва иккинчи шахс бирликда шахс-сон қўшимчасини қабул қилмайди. Шунинг учун бу ўринда ёрдамчи воситалар қўлланилади. Жумладан, мэн, сэн (мә, сә) олмошларини келтириш билан шахс-сон ифодаланади: Нәкүлүг тэса-сэн уқусиз турур — ўқув-идроксиз қандай бўлади, десанг. Кәрәклиг турур бу қадаш айса-мә — Мен (сенга) айтсан, бу кераклидир, қариндош.

Шунингдек, гап таркибидағи ўзлик олмошига шахс-сон аффиксини қўшиш билан ҳам ҳосил қилинган: Киши аслы билмәк тиласа өзүң — Сен ўзинг киши аслини билишини истасанг ва б.

Эски туркий тилда кўмакчилардан бирлә ~ билә, үчүн, үзә ~ үзәлә, ичрә ~ ичиндә, ара, тата ~ татару (томон), баса (яна, кейин), кәдин ~ кәзин ~ кәйин, отру (рӯпара), ётру (сўнгра), адын ~ азын (бўлак), соң, бару (бери), тэги (қадар), ўзу (кейин, изма-из), ашну (олдин, аввал), бурун кабилар қўлланилган.

Биритиувчи боғловчилардан тақы, йэмә ~ йана, ма, ҳам, у, ва, айиув боғловчилардан йа, азу, ара..., ара... қўлланилган. Шунингдек, валэкин ~ валэким зидлов боғловчиси, на инкор боғловчиси, ҳарки, қалы, апац (агар) каби эргаштирувчи боғловчилар учрайди.

Сўзга қўшиб қўлланиладиган юкламалардан -му, -мы, -ми, -оқ, -өк; -ла, -ла; -чу, -чү; -мат, -мәт, мустақил юкламалардан ош // уш, кәрәк, магар кабилар ишлатилиди.

Эски туркий тилда эй, айа, йараб, илахи ~ илаха,
дариға каби ундовлар бұлған.

ЁДГОРЛИКЛАР ТИЛИНИНГ ЛЕКСИК ХУСУСИЯТИ ҲАҚИДА

Лексик жиҳатдан қадимги ва эски туркий тил ёдгорликларининг фарқи үқадар катта әмас. Қадимги туркий ёдгорликларда құлланилған сұзлар эски туркий тил даврида ҳам деярли сақланған. Характерлісі, ёзма обидарнинг, айниқса құхналарнинг, лугат таркиби асосан туркий сұзлардан иборат. Бу эса тилимиз үша даврларда екінші тараққий эттеги, чексиз имкониятта зға бұлғанидан далолат беради.

Ёдгорликлар ойлан бизнинг орамизни күп юзийлilikлар ажратиб туради. Табиийки, үтган давр мобайнида тилимиз анча үзгарди. Үша кезларда мавжуд бұлған сұзларнинг мағлум қисми ҳозирда истемолдан чиққан. Масалан, ёдгорликлар тилида қуйидаги сұзлар кенг құлланилған: ажун—дунё, олам, адын ~ азын—бошқа, ал—хийла, алын—пешона, алтын — ост, арығ — тоза, арқыш — карвон, ақы ~ ахы — сахий, ағы — ипаклик, билгэ — доно, бодун — бозун — калқ, чығай ~ чығай — камбағал, иғ — касаллик, йағуқ — яқин, йула — чироқ, қандил, йунд — от, йилқи, уюр, мөңғуз — шох, сандувач — булбул, сү, ҷэриг — лашқар, төрғы — қонун, өкүз — дарё ва б.

Ёдгорликлар луғат таркибининг катта қисмини ҳозирги туркий тилларда құлланувчи сұзлар ташкил этади: оғул — ўғил, қызы — қыз, көз — күз, көңүл — күңгил каби. Улар орасыда товуш үзгаришларига учраганлари ҳам күй. Масалан, ёдгорликлардаги адақ ~ азақ ~ азақ ~ айақ — ҳозирги ўзбек адабий тилида оёқ шаклида, адығ ~ азығ ~ адүғ — айығ сүзи айиқ; эш ~ эв ~ үй ~ үв — үй; әдәр ~ әр ~ әгар, әдгү ~ әзгү ~ әйгу — әзгу; буз ~ муз — муз; йадағ ~ йағағ — яғө; йағы — ёв; йағмур — ёмғир; күргәк — курак, орғақ — ўроқ, тәвә ~ тәвәй — түя ва б.

Шунингдек, айрим сұзлар ҳозирги тилимизда баъзи сүз ва иборалар таркибіда ҳам сақланған. Жұмладан, ёдгорликларда "пороль, белги" маъносыда им сүзи құлланилған. Бу сүз қадимги туркларнинг мақолида ҳам келған: Им билсә, эр өлмәс (ДЛТ). Ҳозирги ўзбек тилида эса у имла сүзининг, им қоқди, имо қиоди каби ибора-

ларнинг таркибида сақланган. Ёки ёдгорликларда эмгәк (меҳнат, заҳмат), қоп-(тур) сўзларини ўзбек халқ тилида учратишимиш мумкин. Жумладан, Андижон шевасида: *Ғунажин эмгагини кўради; Қиши ўчоги тор, қўп уйингга бор.*

Ўзбек адабий тилида қўлланилмаётган қадимги сўзларнинг маълум қисмини ўзбек шеваларида ҳам учратиш мумкин.

Ёдгорликлар тилини ҳозирги ўзбек адабий тилига қиёслаганда айрим сўзларнинг маъноси кенгайганлиги ёки, аксинча, торайганлиги ёки қадимий маъноси умуман истеъмолдан чиққанлигини кузатамиз. Жумладан, ҳозирги ўзбек тилида *тўн* сўзи, асосан, "чопон" маъносини билдиради. Қадимда унинг маъноси ҳозиригига нисбатан кенг: *тон* — кийимнинг барча турини англатган. *Тон* га бошқа сўзларни жуфтлаш орқали ҳам қўшимча маънолар ҳосил қилинган: *тон кәдим* — кийимнинг барча тури (кийим-кечак); *тон опрақ* ҳам худди шу маънодадир (*опрақ-кийим*); *тон толум* (*толум-қурол*) — қурол-аслаҳа. Масалан, ҚБ да:

Йэмэ айту турса эрэт ҳалыдын
Ачы ҳам тоқы йа тонын опрақын —
(Яна лашкар ҳолидан хабар олиб турса,
Уларнинг очи ҳам тўқидан ёки кийим-кечагидан
(хабар олса).
Бу Айтoldы этти көр ат тон толум
(Бу Ойтўлди, қурол-жабдуқлари, отини ҳозирлади).

Ёдгорликлар тилида синонимларга бой. Мисоллар: *эвлик*, *қиси* (хотин); *бөғү*, *билгэ* (доно); *қарагу*, *көzsуз* (кўр); *өт*, *сав*, *эриг*, *өгүт*, *панд*; *адаш*, *қолдаш*, *эрдэш*, *дост*; *отачы*, *эмчи*, *ҳаким*; *кёни*, *чиң*, *түз*; *битиг*, *китаб*; *қапуғ*, *эшик* ва б.

Ёдгорликлар тилида омонимлар ҳам алоҳида ўрин тутади. Қуйидаги мисолларни кузатинг:

Ал I — ҳийла, алдов; ал II — ол, қизил; ал III — қуий. Булардан ташқари ал-(ол-) феъли ҳам бўлган.

Балық I — балиқ; балық II — шаҳар, қальъа; балиқ III — балчиқ, лой. Ҳозирги Бешбалиқ, балиқтут номларида "шаҳар" маъноси сақланган.

Ёдгорликларда: *көк* I — осмон, *көк* II — асос, илдиз; таг-туг, (шариъат көкі; көкуң ким); *көк* III — озод, эркин

(көк түрк); көк IV — эгар чилвири; көк V — машаққат, меңнат; көк VI — ранг; көк VII — тажрибали (көк бөри) ва б. Шулардан янги сўзлар ҳам ясалган: көкчин — оқсоқол, кекса; көклә — эгарни чилвира.

Ҳозирги тилимизда уларнинг бир қанчаси мавжуд: I. Осмон. II. Кўк, сабза. III. Ранг. IV. Кийим тикиш жараёнида ҳам кўкла сўзи қўлланилади.

Ёдгорликларда: от I — олов, ўт; от II — ўт, ўсимлик; от III — дори; оғу, заҳар. От (дори) дан от эм (дори, даво), отачы (табиб) сўзлари ясалган.

Өт I — насиҳат; өт II — ошқозон ўти; өт III — ин. Булардан ташқари өт- (ўтмак), өт- (куйламак) феъллари ҳам бўлган.

Ёдгорликларда тұз — текис (тұз йэр), teng (бәш эрдәк тұз әрмәс); тұғри, рост маъноларда қўлланилган. Шунингдек, тұз- (тұзмак), гуз- (текисламак — ол йэргиң тұзды) феъллари ҳам қўлланилган.

Маълумки, тарихан ўзак қаттиқ бўлса, албатта унга аффикснинг қаттиқ варианти, аксинча, юмшогига қўшимчанинг ҳам юмшоқ варианти қўшилган. Ҳозир ҳам бунинг таъсирини кузатамиз. Масалан, туз (ош тузи) қаттиқ ўзак бўлгани учун унга аффикснинг қаттиқ вариантини қўшиб тузлуқ сўзи ясалган. От (ўсимлик)ка қўшимчанинг қаттиқ турини қўшиб ўтоқ сўзи ёки, аксинча, туз (тұғри, текис) юмшоқ ўзак бўлгани учун текисликни тузлук дейилади; өт (ошқозон ўти)га эса юмшоқ қўшимча қўшиб ўтака сўзи ясалган. Бундай мисоллар тилимизда кўп.

Характерлиси, қадимги ва эски туркий тилнинг лексик бойлиги кейинчалик ҳам давом этди. Айниқса, классикларимиз аждодлар тилидан унумли фойдаландилар. Бунга Лутфий, Навоий, Бобур асарларининг тили яққол мисол бўла олади. Алишер Навоий ўзининг "Муҳокамату-л-лугатайн" асарида көк нинг 5 хил маъносини келтиради: I. Осмон. II. Оҳанг, куй. III. Атрофда кўкламак. IV. Оёқдаги қадағ. V. Сабза ва ўланг.

Ана шу асарида тұзнинг 6 хил маъносини фарқлайды: I. Ўқ, найза. II. Текис, дашт. III. Рост киши. IV. Созни тузмакка амр. V. Икки киши орасидаги келишиш. VI. Мажлис асбоби.

Туркий тилнинг ана шу лексик бойлиги ўзбек мұмтоз адабиётида ажойиб шеърлар яратишга имкон берган. Лутфий туюқларидан келтирамиз:

Мэн көңүл бәрдим йаңаңың алына (алы-на).
 Болмадым вәқыф бу макр-у алына (алы-на).
 Эмди лабуд чара йоқ көрмәк кәрәк,
 Ҳар нә тәңри салмыш олса алына (алын-а).

Ушбу туюқдаги биринчи ал "қизил", иккінчиси "жайла", учинчи алын эса "пешона" маъносида.
 Ёки:

Тұз, бәгім, бу дамда сұхбат көкини,
 Тут айаг, кес дард-у ғамның көкини.
 Илгіндін гар келсә башқа тут айақ,
 Көзға илмән дүйнәңің йэр-көкини.

Бу туюқда биринчи көк — "авж, куй", иккінчиси — "илдиз, асос", учинчиси эса "осмон" маъносида.

Ёдгорликлар тилида қадимги түрклар ҳәттінинг барча соҳаси: ҳаёт тарзи, машгулоти, жүргефий шароити, илм-фан, маданияти ва бошқалар акс этган. Характерлиси, лугат таркибининг асосий қисми түркій сұзлар. Ҳатто, астрономик жисмлар ҳам ўша кезларда туркій отлар билан юритилған. Жумладан, "Құтадғу билиг"да шундай астрономик номлар үштіккілді. Сәкәнтип — Зұхал, Оңғай // Қара құш — Мұштарий, Қөрүд — Миррих, Йашық — Шамс, Сәвіт — Зұхра, Тиләк — Орзу, Йалчық — Ой, Қозы — Ҳамал, Үд — Савр, Эрәндіз — Жавзо, Учық — Саратон, Құр Арслан — Асад, Бүгдей башы — Сунбула, Үлгү — Мезон, Чыдан — Ақраб, Йа — Қавс, Оғлақ — Жадий, Қөнәк — Даљ, Балық — Ҳут, Йәтикән — Етти қароқчи қолдуз, Йылдырық — Сириус, Адғыр — Айғир каби.

Ёдгорликлар тилида мучал йил номлари ҳам бор. Манбаларда улар шундай тарзда учрайди (тартыб бүйічa):

	Урхун-энасой битигларида	Мәхмуд Кошарийда	Хозирги ўзбек тилида
1.	құсқу	сыңған йылы	сичқон йили
2.	инәк	уд йылы	сигир йили
3.	барс	барс йылы	барс йили
4.	табышған	ташышған йылы	қүён йили
5.	лұ	нәк йылы	тимсоҳ йили
6.	йылан	йылан йылы	илон йили
7.	йылқы, йунд	йунд йылы	от йили

Давоми

	Урхун-энасой битигларида	Махмуд Кошгарида	Ҳозирги ўзбек тилида
8.	қон	қой йылы	қўй йили
9.	бичин	бичин	маймун йили
10.	тақығ ~ тақығы ~ тақығу	тақағу йылы	товуқ йили
11.	ыт	ыт йылы	ит йили
12.	лагзын	тоңуз йылы	тўнгиз йили

Маълумки, ўтмишда ноёб асарлар қайта-қайта кўчирилган. Эски туркий тил ёдгорликларидан баъзиларининг ҳатто кейинги асрларда кўчирилган қўлләзмалари ҳам бор. Табиий, давр ўтиши билан сўзларнинг маълум гуруҳи истеъмолдан чиқиб, ўрнида янгилари қўлланилади. Оқибатда, эскирган сўз янги замон кишиисига тушунарсиз бўлиб қолиши мумкин. Шундай шароитда котиблар, баъзан асар тилини ўз даврига яқинлаштиришга уринганлар. Шунингдек, асар қўлләзмаларида бир сўз турли фонетик варианtlарда учрайди ёки кейинги қўлләзмаларда улар синонимлари билан алмашган бўлиши мумкин. Шу тариқа ҳар бир қўлләзмада, озми-кўпми, кўчирилган давр тили, маълум диалект хусусиятлари ҳам аралашиб қолади. Мисол учун "Қисаси Рабгузий"нинг XIV асрда кўчирилган, ҳозирги пайтда Лондонда сақланадиган қўлләзмаси билан XVI асрда кўчирилган Ўзбекистон ФА Шарқшунослик институтида сақланадиган қўлләзмасини солишитирганда шундай лексик ўзгаришлар кузатилади¹:

Лондон нусхаси	Тошкент нусхаси	Ҳозирги ўзбек тилида
кэсек	тограм	бўлак, қисм
агыз	богуз	огиз
сақчы	тунқатар	соқчи
тиргук	сутун	устун, тиргак
тобуз	тоқмақ	тўқмоқ
эрнәк	бармақ	бармоқ
қарагу	көр	кўр

¹ Юнусов А. "Қисаси Рабгузий"нинг текстологик тадқиқоти // Адабий танбашунослик. Қўлләзмалар институти олимларининг 1987 йилда жаргаран илмий ишларининг препринти. Тошкент, 1989, 49—51-б.

Лондон нусхаси	Ташкент нусхаси	Хозирги ўзбек тилинда
қарабаш	ев қызи	оқсоч, чўри
анут-	йығдур-	тайёрла-
йығыл-	йан-	қайт-
кузэз-	сақла-	сақла-
он-	сон-	ўчмоқ, сўнмок
урагут	за'ифа	аёл, хотин
удуг	насл	уруг, авлод, насл
қорған	қал'a	ўрда, қалья
бозун	гурӯҳ	тӯда, қабила
кун	дадак	хизматкор
йарық, йашық	жиба, долга	уруш кийими, совут

Шунинг учун маълум асар тилини тадқиқ этганда, иложи борича, унинг энг эски қўлләзмаларидан фойдаланиш, мавжуд нусхаларни қиёслаб ўрганиш мақсадга мувофиқдир.

• • •

Юқоридагилардан кўринадики, адабий тил узоқ тарихий тараққиётни босиб ўтди. Қадимги ва эски туркий адабий тил энерцияси XV асрда туркий тилни янги бир босқичга кўтарди.

XIV асрнинг охиrlаридан адабий тил тарихининг янги даври — эски ўзбек адабий тили даври бошланади. Айниқса, XV асрда туркий тил ўз тарихи давомида энг ривожланган, классик босқичга эришди. Бу даврда адабий тил ривожига Лутфий, Атойи, Саккокий, Навоий, кейинчалик Бобур сингари улуғ кишилар катта ҳисса қущди. Айниқса, Алишер Навоийнинг адабий тил тараққиётига қўшган улуши бениҳоя катта бўлди. Навоий тили туркий тилнинг чўққисидир.

Навоий тили ёки, умуман, XУ аср тилининг муҳим хусусияти шундаки, у, биринчи галда, тилнинг узоқ ўтмишда пухта ишланган, қадимги, эски туркий тил даврларида сайқаллашган, тобланган тил анъаналарини давом эттириди. Буюк адилларимиз ўз даври тил бойлигини кура билдилар, ўтмишнинг илғор томонларини ўргандилар, уни халқ тили анъаналари билан тўлдириб, ўз ижодида қўлладилар.

ТАЛАБАЛАР ФОЙДАЛАНИШИ ЛОЗИМ БҮЛГАН АДАБИЁТЛАР

Абдураҳмонов F.. Рустамов А.

Қадимги туркий тил. Тошкент. "Ўқитувчи" нашриёти,
1982.

Абдураҳмонов F., Рустамов А.

Навоий тилининг грамматик хусусиятлари. Тошкент,
"Фан" нашриёти 1984.

Айдаров Г. Язык орхонского памятника Бильге-кагана.
Алма-Ата, Изд-во "Наука", 1966.

Айдаров Г. Язык орхонских памятников древнетюрк-
ской письменности VIII века, Алма-Ата, Изд-во "Наука",
1971.

Айдаров Г. Библиографический указатель литературы
по енисейско-орхонским и таласским памятникам древне-
туркской письменности. Алма-Ата, Изд-во "Наука", 1979.

Аманжолов А. С. К генезису тюркских рун. // Воп-
росы языкоznания. 1978 (2). С. 76—87.

Алиев А. Ўзбек адабий тили тарихидан материаллар
(университетларнинг филология факультетлари студентла-
ри учун қўлланма). II қисм. Тошкент, 1983.

[Алиев А.] "Ўзбек тили тарихи" курси программаси.
II қисм. Ўзбек адабий тили тарихи (Университетларнинг
филология факультетлари учун). Тошкент, 1986.

Аттуҳнатуз закияту филугатит туркия. (Таржимон ва
нашрга тайёрловчи С. Муталлибов). Тошкент, "Фан"
нашриёти 1968.

Ахмедов Б. А. Государство кочевых узбеков. М., 1965.

Басқаков Н. А. Введение в изучение тюркских языков.
М., 1969.

Батманов И. А. Язык енисейских памятников древне-
туркской письменности. Фрунзе, 1959.

Боровков А. К. Лексика Среднеазиатского тифсира XII—XIII вв. М., Изд-во "Наука", 1963.

Благова Г. Ф. Тюркское склонение в ареально-историческом освещении. М., Изд-во "Наука", 1982.

Дадабаев Х. Общественно-политическая и социально-экономическая терминология в тюркоязычных письменных памятниках XI—XIV вв. Ташкент, Изд-во "Фан", 1991.

Древнетюркский словарь. Л., Изд-во "Наука", 1969.

Изысканный дар тюркскому языку (Грамматический трактат XIV в. на арабском языке). Введение, лексико-грамматический очерк, перевод, глоссарий, грамматический указатель Э. И. Фазылова и М. Т. Зияевой. Ташкент, Изд-во "Фан", 1978.

Исҳоқов М., Раҳмонов Н., Содиқов Қ., Тўхлиев Б. Ўлмас обидалар (Ўзбекистон халқларининг қадимги ёзма ёдгорликлари бўйича тадқиқотлар). Тошкент, "Фан" нашриёти, 1989.

Каримов К. Категория падежа в языке "Кутадгу билиг". Автореферат диссертации на соискание ученой степени канд. филол. наук. Ташкент, 1962.

Каримов Қ. Илк бадиий достон. Тошкент, "Фан" нашриёти, 1976.

Малов С. Е. Памятники древнетюркской письменности. М.-Л., Изд-во "Наука", 1951.

Маҳмуд Кошғарий. Девону луготит турк. Таржимон ва нашрға тайёрловчи С. Муталибов. I—III. Тошкент, "Фан" нашриёти, 1960—1963.

[*Маҳмуд Кошғарий*] Девону лугатит турк. Индекс-лугат. Тошкент, "Фан" нашриёти, 1967.

Маҳмудов Қ. Аҳмад Юғнакийнинг "Ҳибатул ҳақойиқ" асари ҳақида. Тошкент, "Фан" нашриёти, 1972.

Маҳмудов Қ. XIII—XIV аср туркий ёзма обидалар тилининг фонетик системаси. Тошкент, "Фан" нашриёти, 1990.

Мелиоранский П. М. Араб филолог о турецком языке. СПб., 1900.

Наджип Э. Н. Историко-сравнительный словарь тюркских языков XIV века. Книга. I. М., Изд-во "Наука", 1979.

Наджип Э. Н. Исследования по истории тюркских языков XI—XIV вв. М., Изд-во "Наука", 1989.

Насилов В. М. Язык орхено-енисейских памятников. М., Изд-во "Наука" 1960.

Насилов В. М. Древне-уйгурский язык. М., Изд-во "Наука" 1963.

Насилов В. М. Язык тюркских памятников уйгурского письма XI—XV вв. М., Изд-во "Наука", 1974.

Рабғузий Носируддин Бурҳонуддин. Қисаси Рабғузий I—IІ. Тошкент. "Ёзувчи" нашриёти, 1990—1991.

Раҳмонов Н. Турк хоқонлиги. Тошкент. А. Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти 1993.

Рустамов А. Маҳмуд Замахшарий. Тошкент. "Фан" нашриёти, 1971.

Рясянен М. Материалы по исторической фонетике тюркских языков. М., Изд-во "Наука", 1955.

Содиқов Қ. Эски уйғур ёзуви. Тошкент, Faфур Гулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1989.

Содиқов Қ. Аждодларимиз битиги. Тошкент, "Фан" нашриёти, 1990.

Сравнительно-историческая грамматика тюркских языков. Фонетика. М., Изд-во "Наука", 1984.

"Таржумон"— XIV аср ёзма обидаси. (нашрга тайёрловчи А. Юнусов) Тошкент. "Фан" нашриёти, 1980.

Турсунов У. Ўринбоев Б. Ўзбек адабий тили тарихи (Педагогика институтларининг филология факультетлари студентлари учун қўлланмана). Тошкент, "Ўқитувчи" нашриёти, 1982.

Тўхлиев Б. Юсуф Хос Ҳожибининг "Қутадгу билиг" асари. Тошкент, "Ўзбекистон" нашриёти, 1991.

Фазылов Э. Староузбекский язык. Харезмийские памятники XIV века. Том I—IІ. Ташкент, Изд-во "Фан", 1966, 1971.

Харезми. Мухаббат-наме. (Издание текста, транскрипция, перевод и исследование Э. Н. Наджипа). М., Изд-во "Наука", 1961.

Шукуров Ш. Ўзбек тилида феъл замонлари тараққиёти. Тошкент, "Фан" нашриёти, 1976.

Щербак А. М. Огуз-наме, Мухаббат-наме, М., Изд-во "Наука", 1959.

Щербак А. М. Грамматический очерк языка тюркских текстов X—XIII вв. из Восточного Туркестана. М.—Л., Изд-во "Наука", 1961.

Щербак А. М. Грамматика староузбекского языка М.—
Л., Изд-во "Наука", 1962.

Щербак А. М. Сравнительная фонетика тюркских язы-
ков. Л., Изд-во "Наука", 1970

Щербак А. М. Очерки по сравнительной морфологии
тюркских языков (Глагол). Л., Изд-во "Наука", 1981.

Юсуф Ҳос Ҳожиб. Қутадғу билиг. (Нашрға тайёрловчи
Қ. Каримов). Тошкент. "Фан" нашриёти, 1971.

Қаюмов А. Қадимият обидалари. Тошкент. 1972.

Құчқортөев И., Исабеков Б. Туркий филологияга
кириш. Тошкент, "Үқитувчи" нашриёти, 1984.

МУНДАРИЖА

"Ўзбек адабий тили тарихи" предмети, унинг мақсади ва вази-	
фаси	3
"Ўзбек адабий тили тарихи" курсининг мактабларда она тили	
ва адабиёт фанларини ўқитишдаги аҳамияти	7
Ўзбек адабий тили тарихининг асосий манбалари	9
Ўзбек адабий тилининг маданийатимиз тарихида тутган ўрни	10
Адабий тил, умумхалқ тили ва шевалар	11
Ўзбек адабий тили тарихини даврлаштириш ҳақида	13
Ўзбек адабий тилининг шаклланишида бошқа системадаги тил-	
лар иштироқи	18
Ўзбек адабий тилининг номланиш тарихи	35
Туркӣ тиллар ва улар орасида ўзбек тилининг тутган ўрни	44
Қадимги туркӣ адабий тил	48
Турк руний ёзуви ва унинг ёдгорликлари	48
Уйгур ёзуви ва унинг ёдгорликлари	52
Қадимги туркӣ адабий тил фонетикаси	55
Қадимги туркӣ адабий тилининг морфологик хусусиятлари	59
Эски туркӣ адабий тил	65
Эски туркӣ адабий тилининг ёзма ёдгорликлари	67
Маҳмуд Кошгариј туркӣ диалектлар ҳақида	89
Эски туркӣ адабий тилининг фонетик хусусиятлари	95
Эски туркӣ адабий тилининг морфологик хусусиятлари	98
Ёдгорликлар тилининг лексик хусусияти ҳақида	107
Галабалар фойдаланиши лозим бўлган адабиётлар	113

Абдуғани Алиев, Қосимжон Содиқов

**ИЗ-ИСТОРИИ УЗБЕКСКОГО
ЛИТЕРАТУРНОГО ЯЗЫКА**

На узбекском языке

Издательство "Ўзбекистон"— 1994,
700129,, Ташкент, Навои, 30

Бадиий мұхаррир Соібназаров О.
Техник мұхаррир Сабирова С.
Мусақхың С. Тоҳирова

Теришга берилди 06.08.93 Босишига рухсат этилди 04.04.94 Қоғоз би-
чими 84×108 1/32 "Таймс" гарнитурада юқори босма усулида босил-
ди. Шартли б. т. 6,30. Нашр л. 6,37. Нұсқасы 7000. Буюртма № 1213

Баҳоси шартнома асосида

"Ўзбекистон" нашриёти, 700129, Тошкент, Навоий кӯчаси, 30.
Нашр № 124—93.

Оригинал-макет масъулияти чекланган "Ношир" жамияти техникавий
ва программавий воситалар базасида тайёрланиб "Ўзгинрозем"
Картфабрикасида босилди. 700096, Тошкент,
Муқимий кӯчаси, 182.

Алиев А., Содиқов Қ.
A 49 Ўзбек адабий тили тарихидан: Университет
талабалари учун дарслик.—Т.: Ўзбекистон,
1994.—118 б.
1. Автордош.
ISBN 5-640-01712-X

Ўқув қўлланма дорилғунунларнинг ўзбек филологияси
куллиёти талабаларига мўлжалланган бўлиб, унда энг қадимги
даврдан то ХУ асрчага бўлган адабий тилимиз тарихининг
баъзи хусусиятлари ва унга алоқадор масалалар таҳмил қилинади.
Турк руний ёдгорликлари, Маҳмуд Кошарийнинг "Девону лугатит турк", Юсуф Ҳос Ҳожибининг, "Қутадгу билиг",
Аҳмад Юғнакийнинг "Ҳибатул-ҳақойик", Хоразмийнинг
"Муҳаббатнома", Қутбнинг "Хусрав ва Ширин", шунингдек,
"Ўғузнома", "Наҳжул-Фародис" каби асарлар ҳақида маълумот
берилади, уларнинг характеристики тил ва услуб хусусиятлари
курс материаллари савиясида баён қилинади.

№ 369—94
Алишер Навоий номли
Ўзбекистон Республикасининг
Давлат кутубхонаси

31/6-95 24/3

81.2Ўзя73

A 0503020904-51 94
M 351 (04) 94